

# МЕРОСИЙ РАҚС ДУРДОНАЛАРИ

(ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА)

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги маданият ва санъат соҳаси  
бўйича ўқув-услубий Кенгаши нашрга тавсия этган**

*Тузувчи муаллифлар:*

**Ҳамидова Хосият Воҳидовна**, Тошкент Маданият коллежи  
“Миллий рақс” кафедрасининг олий тоифали ўқитувчиси.

**Сайфуллаева Дилфуза Исломовна**, Тошкент Маданият коллежи  
“Миллий рақс” кафедрасининг биринчи тоифали ўқитувчиси.

**Зокирова Саида Муратовна**, Тошкент Маданият коллежи  
«Миллий рақс» кафедраси ўқитувчиси.

*Махсус муҳаррир:*

**Розия Каримова**, Ўзбекистон халқ артисти, профессор.

*Тақризчилар:*

**Мўминов Акбар Нишонович**, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби,  
Тошкент давлат Миллий рақс ва хореография олий мактабининг доценти.

**Ҳожисаидова Раиса Юсуповна**, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист,  
Тошкент давлат Миллий рақс ва хореография олий мактабининг катта ўқитувчиси.

Ушбу ўқув қўлланма республикаimizдаги барча маданият касб-хунар коллежлари, миллий рақс ва хореография олий мактаби ҳамда санъат билим юртлари учун мўлжалланган. Асосий мақсад — “олтин хазина” мизга кирган ўзбек миллий рақс намуналарини ўргатиш, уларни асл ҳолида сақлашдир.

Ўзбек мумтоз рақслари ўзининг таъсирчанлиги, улуғворлиги ва жозибадорлиги билан кишини ром этади.

Қўлланмага Мукаррама Турғунбоева сахналаштирган рақслар асос қилиб олинган.

Ж **4306000000-45** буюртма, 2003  
**360 (04) - 2002**

ISBN 5-8250-0770-9

© Ўрта махсус, касб-хунар таълими  
маркази, 2003 й.

© “Чўлпон” нашриёти, 2003 й.

## СЎЗ БОШИ

Турмушимизнинг барча жабҳаларида бўлгани сингари миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш борасида ҳам олий тоифали мутахассисларга талаб ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 1997 йил 9 январдаги “Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони бу соҳадаги ишларнинг янада ривожланишига замин яратди.

Фармонда миллий рақс ва хореография санъатини янада ривожлантириш, рақс санъатининг тарихий анъаналарини ва усулларини тиклаш, авайлаб-асраш ҳамда бойитиш, миллатимизнинг ўзига хос шарқона фазилатлари, бой маънавиятига монанд рақсларни тарғиб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, миллий рақс йўналишлари бўйича узоқ муддатли, мақсадли дастурлар тайёрлаш, рақс санъатини халқимизнинг юксак маънавияти ва нозик дидага зид бўлган, юзаки, ноўрин тақлидга асосланган хатти-ҳаракат ва либослар хуружидан сақлаш, махсус таълим тизимини такомиллаштириш, малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлароқ қондириш ҳамда бу соҳада ташкилотларнинг моддий негизини мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар кўрсатиб ўтилган.

Миллий рақс ва хореография санъатининг энг яхши асарларини оммалаштириш, ёйиш, тарғиб қилиш қатнашувчиларнинггина эмас, балки кўп сонли томошабинларнинг ҳам эстетик дидини ўстиради.

“Мерос” фани ўз олдига ўзбек халқи ҳаётининг ҳақиқий манзарасини ифодаловчи рақсларни, хусусан, Ўзбекистон халқ артисти, миллий рақс санъатининг йирик намояندаси Мукаррама Турғунбоевнинг рақс наму-

наларини ўрганиш билан бирга, уларни авайлаб-асрашни ҳам мақсад қилиб қўйган.

Бу фан талабаларда рақс ва хореография санъатига муҳаббат уйғотиш билан бир қаторда Ўзбекистонда қўлга киритилаётган муваффақиятлардан ғурурланиш ҳиссини ҳам уйғотади.

Ўзбек рақс намуналарини ўргатишда мураббийлар Ўзбекистон халқ артисти Розия Каримованинг “Танцы ансамбля Бахор” (“Баҳор” ансамблининг рақслари”) китоби-га таянадилар.

Ўзбек меросий рақсларида учта мактаб аниқ ажралиб туради. Булар Фарғонача, Хоразмча ва Бухороча рақс мактабларидир.

Қадимда Фарғона водийси ва Тошкент рақслари ижроси нафис, майин ва босиқлиги билан ажралиб турган бўлса, Бухоро ва Хоразм рақслари қувноқ, ҳазилнамо, серҳаракатлиги билан машҳур эди.

Ўзбекистон халқ артисти, санъат устаси Тамарахоним ўзбек аёллар рақсига эркин ҳаракатларни киритди. Унинг усуллари рақсларга алоҳида жозиба бахш этди.

Мукаррама Турғунбоева устозларининг санъат йўлидаги изланишларини ўрганди ва давом эттирди. Улардан илҳомланиб янги-янги рақс усулларини яратди. Натижада, бетакрор, нафис рақс асарлари вужудга келди.

Мукаррама Турғунбоевнинг илк устозлари — Уста Олим Комилов, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Ота Хўжа ва уларнинг шогирди Тамарахоним анъанавий рақс санъатида, шунингдек, замонавий якка ва оммавий рақсларда ўз мактабларини яратишган.

Мазкур китобни нашр этишдан асосий мақсад ўзбек миллий рақс санъатининг “олтин хазина”сига кирган рақс намуналарини ёшларга ўргатиш, ноёб мерос сифатида тўплаб, бойитган ҳолда келажак авлодга етказишдир.

# САҲНА РЕЖАСИ

## Саҳна орқаси


Ўнг юқори бурчак	■	Чап юқори бурчак
	Саҳна ўртаси ■	
Ўнг пастки бурчак	Саҳна олди	Чап пастки бурчак

Орқаси  юзи

Асосий ҳолат

Орқаси  юзи

Бошқа ҳолатга ўтиш.



Ҳаракатнинг йўналиши.



Тўлқинсимон ҳаракат.



Айланган ҳолда юриш.



Доира шакли бўйича соат мили йўналишида ҳаракат.



Доира шакли бўйича соат мили йўналишига қарши ҳаракат.



Жойида ўнгга айланиш.



Жойида чапга айланиш.

# АСОСИЙ ҲОЛАТ ВА ҲАРАКАТЛАР

## БОШНИНГ АСОСИЙ ҲОЛАТЛАРИ

- 1 - ҳолат.** Бош тўғрига қарайди.
- 2 - ҳолат.** Бош бир оз олдинга эгилади.
- 3 - ҳолат.** Бош бир оз орқага эгилади.
- 4 - ҳолат.** Бош ёнга қарайди.
- 5 - ҳолат.** Бош ёнга ва бир оз орқага ташланади.
- 6 - ҳолат.** Бош елкага эгилади.

## ГАВДА ҲОЛАТЛАРИ

- 1-ҳолат.** Гавда табиий ҳолатда, елкалар эркин тутилади.
- 2-ҳолат.** Гавда табиий ҳолатда, бел ва елкалар эркин тутилади.

## ҚЎЛ ҲОЛАТЛАРИ

- Р а с м и й ҳолат:** Қўллар ёнга туширилган, бармоқлар эркин, гавда ва бош 1-ҳолатда.
- 1-ҳолат.** Расмий ҳолатдан қўллар ёнга кўтарилади. Тирсаклар бир оз букилган, бармоқ учлари елкалар билан баробар. Гавда ва бош 1-ҳолатда.
  - 2-ҳолат.** Қўллар 1-ҳолатдан бош тепасига келади, кафтлар юқорига қарайди.
  - 3-ҳолат.** Ўнг қўл 2-ҳолатда қолади, чап қўл секин 1-ҳолатга туширилади. Гавда ва бош 1-ҳолатда.
  - 4-ҳолат.** Ўнг қўл 2-ҳолатда бўлади, чап қўл 1-ҳолатдан кўкрак тагига келади. Бармоқ учлари тепага қарайди. Гавда ва бош 1-ҳолатда.
  - 5-ҳолат.** Чап қўл ўз ҳолатини ўзгартирмайди. Ўнг қўл 1-ҳолатга тушади. Гавда ва бош 1-ҳолатда.
  - 6-ҳолат.** Иккала қўл елка кенглигида гавда олдига олиб келинади. Кафт олдинга, бармоқлар тепага қаратилган. Гавда ва бош 1-ҳолатда.
  - 7-ҳолат.** Қўллар 6-ҳолатдан белга олиб келинади. Катта бармоқлар орқага ўтади. Панжалар бирлашган.

## ОЁҚ ҲОЛАТЛАРИ

- Р а с м и й ҳолат:** Товонлар бирга, оёқ учлари ёнга очилган.
- 1-ҳолат.** Расмий ҳолатдан товонлар кўтарилиб, ораси бир оз очилади. Гавда оғирлиги иккала оёқда бўлади.

- 2-ҳолат.** Ўнг оёқ 1-ҳолатдан чап оёқ панжасининг ўртасига сурилади. Гавда оғирлиги иккала оёқда бўлади.
- 3-ҳолат.** 2-ҳолатдан ўнг оёқ ёнга очилиб, учи билан ерга қўйилади. Чап оёқ ҳолати ўзгармайди.
- 4-ҳолат.** Ўнг оёқ учи сирпаниб олдинга чиқади. Чап оёқ ҳолати ўзгармайди. Гавда оғирлиги чап оёқда бўлади.
- 5-ҳолат.** Ўнг оёқнинг товони ерга қўйилади. Чап оёқ ўз ҳолатини ўзгартирмайди. Гавда оғирлиги иккала оёққа тушади.
- 6-ҳолат.** 5-ҳолатдан чап оёқнинг учи ерда, товон кўтарилади, тизза букилади. Гавда оғирлиги ўнг оёқда бўлади.
- 7-ҳолат.** 6-ҳолатдан чап оёқ тўлиқ ерга қўйилади, ўнг оёқ товонда. Гавда оғирлиги чап оёққа ўтади.

## РАҚСЛАРДА ИШТИРОК ЭТАДИГАН ҲАРАКАТЛАР

- “Гулбарги”:** а) 6-ҳолатдаги қўллар кўкрак ёнига келиб, кафтлар кўкракка қаратилади. Қўллар чалиштирилган. Бармоқлар бир оз юқорига қаратилган;  
б) ўша кўриниш, фақат кафтлар орқага ўтиртирилади.
- “Гулбарги”** ҳар хил ҳолатларда ҳам бажарилиши мумкин.
- “Ғунча”:** а) 2-ҳолатдан қўллар чалиштирилиб, кафтлар бир- бирининг устида, бармоқ учлари юқорига қарайди. Бош тўғрига қарайди.  
б) 2-ҳолатдан бармоқлар юқорига қараган ҳолда чап қўлнинг кафтига ўнг қўлнинг устки томони урилади.
- “Қўлибанд”:** а) қўллар кўкрак олдида чалиштирилган. Ўнг қўл чап қўлнинг устида туради. Бармоқлар қарама-қарши тирсакларда;  
б) қўллар чалиштирилиб у томондан бу томонга ҳаракат қилдирилади. Бош тўғрига қаратилган ёки қўл ҳаракатини кузатади;  
в) кўкрак олдида чалиштирилган қўллар узлуксиз алмашиб 6-ҳолатга қайтади. Тирсаклар галма-галдан кўтарилиб туширилади.
- “Илон”:** а) 1-ҳолатда бармоқлар чўзилган ҳолда бирлаштирилган.  
(Катта бармоқ кичик бармоқ устида — илон боши шаклида). Илон ҳаракатининг ҳамма кўринишида шундай туради. Қўллар, кафт, бармоқлар гавдага қараб навбатма-навбат букилади ва битта айлантирилиб, 1-ҳолатга очилади. Ҳаракат галма-гал ёки битта қўлда қайтарилиши мумкин;  
б) расмий ҳолатдан қўллар узлуксиз айлантирилиб елка баробарига олиб чиқилади. Тирсакдан букилиб, 1-ҳолатдан 2-ҳолатга олиб чиқилади. Худди шу ҳолатда пастга туширилади. Бу ҳаракат галма-галдан ёки икки қўл билан бажарилади;  
в) 1-ҳолатдан қўллар худди шундай тирсакдан букилиб 6-ҳолатга ва яна 1-ҳолатга олиб келинади;  
г) 6-ҳолатдан ўнг қўл тирсакдан букилиб, гавдага тортилади, бармоқлар битта айлантирилиб 6-ҳолатга, кафт ўнгга, сўнгра чапга қаратилади. Шу вақтда чап қўл ўнг қўл ҳаракатини қайтаради;

д) 6-ҳолатда қўллар чалиштирилиб, бир-бирининг устига қўйилади, ўнг қўл кафти чап қўл устида. Бармоқлар тўғри чўзилган. Қўллар пастдан гавда томон ҳаракат қилиб, кафтлар очилиб, битта айлантирилади ва аввалги ҳолатга қайтади. Бу ҳаракатни 1-6-ҳолатлар ўртасида ҳам бажарса бўлади.

е) 6-ҳолатда қўллар бир-бирига тегиб туради. Ўнг қўл тирсакдан букилиб, гавдага тортилади, кафт пастга қараб айлантирилади, тирсак тагидан орқага тортилади ва 1-ҳолатга келади. Шу вақтда чап қўл ҳаракатни бошлайди.

ж) қўллар 6-ҳолатда, кафтлар бирлашган, бармоқлар бир оз букилган ҳолда учлари бир-биридан узилмасдан айлантирилади ва шу ҳаракатни давом эттирган ҳолда тепага кўтарилади, пастга туширилади.



### “ФАРҒОНА РУБОИЙСИ”

“Фарғона рубойиси” — халқ ялласидир. Ушбу рақсдаги ҳаракатлар жамланмасаи халқнинг феъл-атворини, кайфиятини лирик қаҳрамон орқали акс эттиради. “Фарғона рубойиси” — қувноқ, шўх рақслардан.

Рубойи сўзи бу ўринда икки хил маънода келган. Биринчиси — шеърини тўртлик бўлса, иккинчиси рубобда чалинадиган мусиқадир. Рақс ва унинг куйи ижро этилаётган вақтда томошабинга худди ариқда сув шилдираётгандай ва айнан бир жойда тошларга, ариқ четига урилаётгандай ёки йўлқадан олдинга қараб кетаётган қизча доим бир жойга келиб қолаётгандай туюлади. Чунки рақс куйи шўх оҳангларда такрорланиб туради.

Рақс халқ чолғу оркестри ва қўшиқ жўрлигида ижро этилади.

*Либос.* Рўмол, унинг устидан “тиллақош” тақилади.

Кўйлақ оқ креплешиндан, узун, енглари ҳам узун, ёқали, белбурма, кўшэтакли.

Беқасам халат, узун, олтибел қилиб тикилган, олдидан тутмаланади, этаги кенг, енглари узун, ёқали.

Лозим хонатласдан, жияк тикилган. Оёқда ўртача пошнаи туфли.

*Тақинчоқлар:* марварид, сирға ва тумор.



## БИРИНЧИ ҚИСМ

### *I-шакл*

*Муסיқа № 1. 6 такт*

*Муסיқа № 2. 8 такт.*

*Муסיқа ўлчами 4/4.*

Чиқиш. Ижрочи сахнанинг чап томонидаги охирги парда ортидан чап ёни билан, сахна орқасининг маркази томон юриб келиб, соат мили йўналишига қарши кичик доира ҳосил қилиб, томошабин томон юзланади ва юришни давом эттиради. Оёқ ҳаракати товон билан уриладиган “уфори”. Чап қўл 7-ҳолатда, ўнг қўл 1-ҳолатда. Гавда ва бош ўнг қўл ҳаракатини кузатади.

1-6-тактларда муסיқа чалинади.

**7-такт  
бир и  
икки и**

Ўнг оёқ олдинга қадам қўяди, чап оёқ тиззаси букилиб, товон кўтарилади. Чап оёқ тиззаси букилган ҳолда ўнг оёқ ёнига учи билан қўйилади.

Ўнг оёқ тиззаси бир оз букилиб, олдинга қадам қўйилади. Чап оёқ товони ўнг оёқ ёнида сирпаниб полга урилиб, олдинга, сал юқорига чиқарилади, тиззалар ростланади. Ўнг қўл “ бир и”, “ икки и”га 6-ҳолат орқали чап кўкрак томонга яқинлашиб, кафтлар пастга қарайди ва шу ҳолда юз олдига келгач, кафтлар ташқарига бурилиб қўл кескин юз рўпара-сигача кўтарилади.

**уч и  
тўрт и**

Оёқ ҳаракати энди чап оёқдан бошланиб, такрорланади.

Ўнг қўл қарама-қарши томонларга ҳаракатланади, 1-ҳолатга кескин қайтиш билан бажарилади. Гавда ва бош такт давомида ўнгга, чапга ҳаракатланиб туради.

**8-14-  
тактлар**

7-такт ҳаракатларини етти марта такрорлаган ҳолда ижрочи сахна орқасининг марказигача келиб, соат мили йўналишига қарши ҳаракатда кичик давра ҳосил қилиб юради. Сахна орқасининг марказида ижрочи ўнг томонга қайрилиб, томошабинга орқа билан қолади. Оёқлар расмий ҳолатда қолади, қўллар 4-ҳолатдан сал юқориоққа чап томонга ўтказилган, кафтлар бир-бирига рўпара, бармоқлар юқорига қараган ҳолатда.

### *II – шакл*

*Муסיқа № 3. 15 такт.*

*Муסיқа ўлчови 4/4.*

**1 - такт  
бир**

Соат мили йўналиши бўйича (биринчисига нисбатан) кичик давра қилиб юради. Оёқ ҳаракати “тўлиқ тепма”.

Чап оёқ кичик қадам билан тўлиғича босилади. Гавда орқага, ўнгроққа энгашади. Қўллар ҳолатини ўзгартирмаган ҳолда қўлдасталар ўзига қаратилиб кескин, қирраси билан букилади.

**и**

Ўнг оёқ чап оёқ ёнига тўлиқ қўйилади, дасталар ўзидан ташқарига ён қирраси билан букилади, гавда ҳолати ўзгармайди.

<b>2 и 3 и 4 и</b>	“Бир и” ҳаракатлари 3 марта такрорланади, гавда ҳолати ўзгармайди.
<b>2-такт</b>	1-такт ҳаракатлари айлана бўйлаб юриб такрорланади. Саҳна орқасининг марказига келади.
<b>3-такт</b>	Саҳна чап томонининг учинчи пардаси сари 1-такт ҳаракатларини такрорлаб келиб, ўнг томонга халққа қараб бир айланади, оёқлар расмий ҳолатда қолади.
<b>4-такт</b>	Жойида.
<b>бир и</b>	6-ҳолатда кўндаланг қарсак (ўнг кафт чап кафт устига), қарсакдан сўнг қўллар кескин расмий ҳолатга тушади, оёқлар 3-ҳолатга келади, ўнг оёқ учи билан қўйилади.
<b>икки и</b>	Қўллар 1- ва 2-ҳолатлар орқали юз олдидан 7-ҳолатга тушади, кафтлар белга, бармоқлар пастга қаратилади.
<b>уч и</b>	“Елка қоқиш” ҳаракати бажарилади: “бир и”га чап елка орқага, ўнг елка олдинга, “икки и”га ўнг елка орқага, чап елка олдинга, “уч-тўрт и”га ҳаракат такрорланади.
<b>тўрт и</b>	Саҳнанинг юқори ўнг бурчаги томон чап елка билан, оёқ товон билан уриладиган “уфори” ҳаракати бажарилади.
<b>5-такт</b>	Ўнг оёқ тўлиқ қўйилиб, ўнг томонга чорак айланиш қилади, чап тизза букилади, товон кўтарилади, қўллар белнинг олдини кучади. Чап оёқ учи ўнг оёқ ёнига қўйилади.
<b>6-такт</b>	Ўнг оёқ тиззаси букилган ҳолда тўлиқ қадам кўяди. Чап оёқ «сирпанма товон тепиш» ҳаракати билан ўнг оёқ ёнида озгина юқорига отилади, тиззалар ростланади. Чап қўл “икки и”га 6-ҳолат орқали 1-ҳолатга кафтлар юқорига қараган ҳолда қўлдасталар урғу бериб аста очилади.
<b>бир и</b>	Чап оёқдан бошлаб ҳаракатлар тўла такрорланади, кафтлари юқорига қаратилган қўллар дастасидан урғу бериб, чап қўл бел олдига келади. Гавда ва бош такт давомида қўл ҳаракатини кузатиб боради.
<b>икки и</b>	6-такт ҳаракатлари икки марта такрорланади, ҳаракат чап томонга бир айланиш билан томошабинга қараган ҳолатда, саҳнанинг ўнг томон юқори бурчагида тугайди, оёқлар 3-ҳолатда, ўнг оёқ — учида.
<b>уч и</b>	Жойида.
<b>тўрт и</b>	6-ҳолатда кўндаланг қарсак, қарсакдан сўнг қўллар тезда расмий ҳолатга тушади.
<b>7-8-тактлар</b>	Қўллар 1- ва 2-ҳолатлар орқали юз олдидан ўтиб, 7-ҳолатга, бармоқлар пастга қараган ҳолатга тушади, кафтлар белга қараган.
<b>9-такт</b>	“Елка қоқиш” ҳаракати (елкалар ҳаракатининг 1-варианти).
<b>бир и</b>	Саҳна орқасининг маркази томон товон уриш билан битта “уфори” ҳаракати ва чап оёқдан чап томонга чорак айланиш билан келинади (томошабинга ўнг елка билан). Қўллар 1-ҳолат орқали белни олдиндан кучади.
<b>икки и</b>	Саҳнанинг орқа маркази томон ҳаракат давом этади — ўнг томонга “уфори” товон уриш ҳаракати билан айланиш: “бир и”, “икки и” га ўнг оёқдан, “уч и”, “тўрт и” га чап оёқдан (ҳаммаси бўлиб битта тўлиқ айланиш).
<b>уч и</b>	Қўллар “гул очилиши” ҳаракатини бажаради: “бир и”, “икки и” га ўнг қўл бармоқлари туширилган ҳолда юз олдидан 2-ҳолатга, кейин 1-
<b>тўрт и</b>	
<b>11- такт</b>	

ҳолатга тушиб, белни олдидан кучади; “уч и”, “ тўрт и” га ҳаракат чап қўлдан такрорланади. Гавда ва бош қўл ҳаракатини кузатади.

**12-13-  
тактлар  
14-15-  
тактлар**

11-такт ҳаракатлари 2 марта такрорланади. Саҳна орқасининг марказида томошабин томон ўнг елка билан.

Жойида. Ўнг томонга ўнг оёқ билан, бир марта чорак айланиш билан, “уфори” товон уриш билан, томошабинга қараган ҳолда. Қўл ҳаракатлари ўзгармайди. Охирги санокда оёқлар 6-ҳолатга келади, чап оёқ – учида, тиззалар букилади. Қўллар бир-бирига чалмашган ҳолда кўкрак олдида, кафтлар ўзига қараган, тирсақлар букилган, гавда ва бош озгина олдинга энгашади.

### **III – шакл**

*Муסיқа № 4.*

*Муסיқа ўлчами 4/4. 20 такт.*

**1-такт  
бир и**

Саҳнанинг юқори чап бурчагига ён билан ҳаракат.

Битта “ён йўрға” ҳаракати ўнг оёқдан чапга кичкина тўлиқ қадам қўйиш билан бажарилади, чап оёқ 6-ҳолатга келади. Бир вақтнинг ўзида қўллар ярим мушт билан 1-ҳолатга, қўллар дастасининг кафтлари юқорига қараб урғу беради, очилишига гавда ростланади.

**икки и**

“Ён йўрға” (ўнг оёқ билан чапга) ҳаракати такрорланади, қўллар қарама-қарши томонга ҳаракатни бажаради, гавда салгина олдинга энгашган.

**уч и**

“Бир и”, “ икки и” ҳаракатларининг такрорланиши.

**тўрт и**

Такт давомида бош ўнгга-чапга ҳаракатланиб туради.

**2-3-**

1-такт ҳаракатлари 2 марта такрорланади, саҳнанинг юқори чап бурчагида томошабинга қараб, оёқлар 6-ҳолатда, чап оёқ учида қолади.

**тактлар**

**4-такт**

Қия йўл билан саҳна маркази томон юзи билан келади.

**бир и**

Битта “уфори” ҳаракати, “сирпанма товон уриш» билан чап оёқдан бошланади; ўнг қўл 1-ҳолат орқали 2-ҳолатга, бармоқлар қирсиллаши билан қўлдасталарни ўзига қаратиб, чап бел орқасига кафтлар терси билан қўйилади. Гавда ва бош ўнг қўл ҳаракатини кузатади.

**уч и**

Ҳаракатнинг такрорланиши ўнг оёқдан бир вақтда чап қўл 1-ҳолат орқали 2-ҳолатга бармоқлар қирсиллатилиши билан кўтарилади; қўлдас-талар кафтлар билан ўзига қараб айлантирилади, ўнг қўл бел орқасига кафт терси билан қўйилади. Гавда ва бош чап қўл ҳаракатини кузатади.

**тўрт и**

**5-6-**

4-такт ҳаракатлари 2 марта такрорланади. Саҳна ўртасида томошабинга қараб қолади, оёқлар 4-ҳолатда, чап оёқ олдинда. Ўнг қўл 1-ҳолатда, чап қўл 7-ҳолатда.

**тактлар**

**7-такт**

Жойида чапга битта тўлиқ айланиш.

**бир и**

Чап оёқ ердан озгина кўтарилиб, чап томонга учи билан қўйилади. Ўнг оёқ “сирпанма” ҳаракат билан чап томонга учи билан ўтади (битта “нуқтали айланиш”). Қўллар ҳолатини ўзгартирмайди.

**икки и**

**уч и**

« Бир и» ҳаракатлари 3 марта такрорланади.

**тўрт и**

7-такт ҳаракатларини такрорлаб, чап томонга айланиш билан тугалланади, қўллар ҳолати ўзгармайди. Охирги санокқа оёқлар 5-ҳолатга келади, чап оёқ олдинда, тиззалар букилган.

**8-такт**

**9-такт**  
**бир и**  
**икки и**  
**уч и**  
**тўрт и**  
**10-такт**  
**бир и**  
**икки и**  
**уч и**

Оёқлар ҳолати ўзгармайди, ўнг қўлдаста қирраси билан чап кўксига аста яқинлашади, кафт пастга қараган, гавда ва бош қўл ҳаракатини кузатади.

Оёқлар ҳолати ўзгармайди, ўнг 1-ҳолатга очилади, гавда ва бош ўнг қўл ҳаракатини кузатади.

Оёқлар ҳолати ўзгармайди, ўнг қўл даста қирраси билан чап кўксига аста яқинлашади, кафт пастга қараган, гавда ва бош ўнг қўл ҳаракатини кузатади.

Қўлнинг 6-ҳолатида кўндаланг қарсак, қарсакдан қўллар 1-ҳолатга кескин очилади, кафтлар юқорига қараган, бир вақтда чап оёқ ердан кўтарилиб расмий ҳолатга тушади, тиззалар ростланади.

**тўрт и**  
**11-такт**

Тиниш.

Соат мили йўналишига қарши, ярим айлана бўйича саҳна орқасининг ўртаси томон, йўналиш бўйича юзи билан ҳаракат.

**бир и**  
**икки и**

Чап оёқдан ерга уриш билан тўлиқ қадам, ўнг оёқ “сирпанма” ҳаракат билан чап оёқ ёнига расмий ҳолатга келади (битта “тўлиқ тепма” ҳаракати). Қўллар 1-ҳолатда салгина орқада, кафтлар олдинга қаратилган.

**уч и**  
**тўрт и**  
**12-13-**  
**тактлар**

Ҳаракат 3 марта такрорланади.

Такт давомида бош галма-галдан ўнгга-чапга бурилади.

11-такт ҳаракатлари 2 марта такрорланади. Саҳна орқасининг ўртасида томошабинга қараб, оёқлар 2-ҳолатда, чап оёқ ўнг оёққа кўндаланг бўлиб қолади.

**14-такт**  
**бир и**  
**икки и**

Жойида.

Тиззалар букилади, қўллар 1-ҳолатда, кафтлар пастга бурилади.

Тиззалар ростланади, кафтлар юқорига бурилади, гавда ва бош салгина ўнгга бурилиб, орқага озгина энгашади.

**уч и**  
**тўрт и**  
**15-такт**

“Бир и”, “икки и” ҳаракатлари такрорланади, гавда ва бош салгина чапга ва орқага бурилиб, энгашади.

**16-такт**

14-такт ҳаракатлари такрорланади. Томошабинга қараб, оёқлар 2-ҳолатда, чап оёқ ўнг оёққа кўндаланг, охириг санокда қўллар белни олдида кучади.

Саҳна марказига айланиб борилади, оёқ ҳаракати “сирпанма товон уриш” билан “уфори”.

**бир и**

Ўнг оёқ билан олдинга тўлиқ қадам қўйилади, чап оёқ тиззаси букилиб, товони ердан озгина кўтарилади. Ўнг қўлдаста туширилиб, юз оша 2-ҳолатга кўтарилади. Гавда ва бош ўнг қўл ҳаракатини кузатади.

Чап оёқ тиззаси букилган ҳолда, ўнг оёқ ёнига учи билан қўйилади, ўнг қўл кафти юқорига қараган ҳолда 1-ҳолатга очилади. Гавда ва бош ўнг қўл ҳаракатини кузатади.

**икки и**

Ўнг оёқдан олдинга ва сал ўнгроққа тўлиқ қадам қўйилади, тизза букилади; чап оёқ товони “сирпанма товон уриш”и билан, олдинга, салгина юқорига чиқарилади, тиззалар ростланади, ўнг қўл олдиндан белни кучади. Гавда ва бош ўнг қўл ҳаракатини кузатади..

**уч и**  
**тўрт и**  
**17-18-**

Чап оёқ ва чап қўлдан ҳаракатлар такрорланади, бир вақтда ўнг томонга битта тўлиқ айланиш бажарилади.

16-такт ҳаракатлари 2 марта такрорланади (иккита тўлиқ айланиш):

## **тактлар**

### **19-такт**

#### **бир и**

#### **икки и**

#### **уч и**

#### **тўрт и**

### **20-такт**

оёқлар 2-ҳолатда, ўнг оёқ чап оёққа кўндаланг. Қўллар 1-ҳолатда, кафтлар юқорига қараган. Саҳна марказида томошабинга қараб қолинади.

Жойида.

Тиззалар букилади, қўллар 1-ҳолатда, кафтлар пастга қаратилади.

Тиззалар ростланади, кафтлар юқорига қаратилади, гавда ва бош салгина ўнгга ва орқага қайрилиб энгашади.

“Бир и” ва “икки и” ҳаракатлари такрорланади, гавда ва бош салгина чапга ва орқага энгашади.

19-такт ҳаракатларининг такрорланиши. Охириг санокқа оёқлар 6-ҳолатга келади, ўнг оёқ учи билан қўйилган. Ўнг қўл кафти билан бош орқасига қўйилади, чап қўл 6-ҳолатдан сал юқорироқда, кафтлар тўғрига, бармоқлар юқорига қаратилган.

## **IV – шакл**

*Муסיқа № 5.*

*Муסיқа ўлчами 4/4. 19 такт.*

*“Авжи”*

### **1-такт**

#### **бир и**

Саҳна олди маркази томон томошабинга қараб юрилади.

Ўнг оёқ тўғрига, чапроққа тўлиқ қадам қўяди, чап оёқ товони ердан кўтарилиб, тиззалар букилади.

Чап оёқ учига – 3-ҳолатга ўтади, тиззалар ростланади, гавда салгина ўнгга қайрилади.

#### **икки и**

Тиззалар 2 марта букилади ва шу заҳоти ростланади (“чалмашли юриш” ярим ўтириш билан битта ҳаракат).

#### **уч и**

#### **тўрт и**

“Бир и” ва “икки и” ҳаракатлари чап оёқдан, гавданинг салгина чапга қайрилиши билан такрорланади. Такт давомида ўнг қўлдаста кафти билан бош орқасига қўйилади, чап қўл 6-ҳолатдан юқорида, кафти тўғрига, бармоқлари юқорига қараган.

### **2-такт**

1-такт ҳаракатлари такрорланади.

### **3-такт**

1-тактнинг “бир и” ва “икки и” ҳаракатлари такрорланади.

#### **бир и**

Чап оёқ ўнг оёқ ёнига, расмий ҳолатга қўйилади. Қўллар “гулбар-ги” дан 1-ҳолатга кафтлар кескин юқорига очилади, бош салгина юқорига қарайди.

#### **икки и**

#### **уч и**

#### **тўрт и**

### **4-такт**

Саҳна орқасининг марказига орқаси билан юради.

#### **бир и**

Ўнг оёқ орқага тўлиқ, чап оёқ ўнг оёқ ёнига расмий ҳолатга қўйилади, қўллар ҳолати ўзгартирилмайди. “Бир и”га гавда салгина ўнгга, “икки и”га салгина чапга бурилади.

#### **икки и**

#### **уч и**

Тиззалар букилади ва ростланади, бир вақтда қўллар белни олдида кучади, гавда салгина ўнгга, кейин чапга бурилади.

#### **тўрт и**

“Чалмашли юриш” ҳаракати билан орқага юрилади.

### **5-такт**

#### **бир и**

Ўнг оёқ ўнг томонга чиқарилиб учига қўйилади, бир вақтда ўнг қўл 1-ҳолатга, кафти ўнгга, бармоқлари юқорига очилади.

<b>икки и</b>	Ўнг оёқ 5-ҳолатга ,яъни ўнг оёқ чап оёқ орқасига тўлиқ қўйилади, тиззалар букилади, ўнг қўл бел олдига қайтади. Гавда ва бош ўнг қўл ҳаракатини кузатади.
<b>уч и</b> <b>тўрт и</b> <b>6-8-</b> <b>тактлар</b> <b>9-такт</b>	Чап қўл ва чап оёқ ҳаракатларининг такрорланиши. Гавда ва бош чап қўл ҳаракатларини кузатади. 5-такт ҳаракатлари 3 марта такрорланади.
<b>10-такт</b> <b>бир и</b>	Ижрочи ўнг оёқдан орқага тўртта оддий майда қадам билан, сахна орқасининг марказига келиб тўхтайди, оёқлар расмий ҳолатда қолади. Қўллар секин-аста 1-ҳолатга, кафтлар юқорига қараган ҳолатга очилади. Гавда ва бош галма-галдан ўнгга-чапга энгашиб туради. Соат мили йўналишига қарши кичик давра қилиб юради. Чап оёқ кичик қадам билан ерга урилади. Оёқ тўлиқ қўйилади ва давра йўналиши бўйлаб айланиш билан бир вақтда олдида қарсак урилади, бармоқлар юқорига қараган ҳолда гавда ва бош орқага, ўнгроққа энгашади.
<b>икки и</b> <b>уч и</b> <b>тўрт и</b> <b>11-12-</b> <b>тактлар</b> <b>13-такт</b> <b>бир и</b> <b>икки и</b> <b>уч и</b> <b>тўрт и</b> <b>14-15-</b> <b>тактлар</b> <b>16-такт</b> <b>бир и</b> <b>икки и</b> <b>уч и</b> <b>тўрт и</b> <b>17-18-</b> <b>тактлар</b> <b>19-такт</b>	Ўнг оёқ чап оёқ ёнига расмий ҳолатга қўйилади, қўллар қарсакдан майинлик билан икки томонга очилади, гавда ва бош орқага, ўнгроққа энгашади, (“тўлиқ тепма” оёқ ҳаракати 1 марта бажарилади). Ҳаракатлар 3 марта такрорланади. 10-такт ҳаракатлари 2 марта такрорланиб, сахна орқасининг марказида томошабинга чап елкаси билан қолади , оёқлар расмий ҳолатда, қўллар кафтлари пастга қараган ҳолда 6-ҳолатда. Саҳнанинг юқори ўнг бурчагига томошабинга қараб чап елкаси билан юради.Битта “расмий уфори” ўнг оёқдан. Қўллар 6-ҳолат орқали тўлқинли ҳаракат билан 5-ҳолатга, ўнг томонга ўтади. Битта “расмий уфори” чап оёқдан, қўллар 5-ҳолатга чап томонга ўтади (қўл ҳаракати “йирик тўлқин”). 13-такт ҳаракатлари 2 марта такрорланади ва томошабинга қараб чап томонга ўнг елка ярим айланади; оёқлар расмий ҳолатга келади, қўллар белни олдидан қучади. Томошабинга ўнг елка билан сахна орқасининг марказига юради. “Сирпанма товон уриш” билан битта “уфори” ҳаракати чап оёқдан бошланади. Ўнг қўл кафти пастга қараб, 1-ҳолатга очилади, бармоқлар ярим мушт ҳолатида. Ўнг оёқдан ҳаракатлар такрорланади, чап қўл 1-ҳолатга, кафти пастга қараган, бармоқлар ярим мушт, бир вақтда ўнг қўл белга қайтади. 16-такт ҳаракатлари 2 марта такрорланади, сахна орқасининг марказида ҳаракат ўнг томонга томошабинга қараб айланиш билан тугайди; оёқлар 3-ҳолатда, ўнг оёқ — учида, қўллар 1-ҳолатга ўтади. 6-ҳолатда бармоқлар юқорига қараган ҳолда қарсак, қарсакдан қўллар 1- ва 2-ҳолатлар орқали (юз оша) расмий ҳолатга келади.

Муסיқа № 6.

Муסיқа ўлчами 6/8. 22 такт.

**1-2-  
тактлар**

Саҳна орқасининг марказида. Оёқлар 6-ҳолатга ўтади, чап оёқ — учида, тиззалар букилган, бир вақтда гавда салгина ўнгга бурилади, бош чапга қарайди ва юзнинг ўнг томонида тезлик билан олтига қарсак чалинади.

**3-8-  
тактлар**

Саҳна марказига соат йўналишига қарши ярим айлана қилиб, йўналиш бўйича юзи билан юради. Чапга ярим айланиб, соат мили йўналиши бўйича қайта ярим айлана билан саҳна орқасининг марказига, йўналиш бўйича юзи билан юради. Оёқ ҳаракати “тўлиқ тепма” чап оёқ билан. Қўллар 1-ҳолатга ўтади ва олтига такт давомида ҳаракат ўзгармайди. Ҳаракатни ўнг томонга битта айланиш билан томошабинга қараб тутатади.

**9-10-  
тактлар**

Саҳна олдининг маркази томон чап оёқдан бошлаб, оддий қадамлар билан юради. Қўллар гавда олдида оддий, кескин ҳаракатларни бажаради. Охирги санокқа қўллар тирсаги букилиб, юз оша 2- ва 1-ҳолатлар орқали кескин кўтарилиб, 6-ҳолатда бармоқлари юқорига қараган ҳолда қарсак чалади, қарсакдан қўллар 1-ҳолатга ярим мушт қилинган бармоқлар билан очилади. Саҳна олди марказида томошабинга қараб қолади, оёқлар 6-ҳолатда, чап оёқ — учида.

**11-такт  
бир  
икки  
уч  
тўрт  
беш  
олти  
12-такт**

“Ён йўрға” ҳаракати билан саҳна олдидан ўнг томондаги паст бурчакка томошабинга қараган ҳолда юради.

Ўнг оёқдан ўнг томонга тўлиқ кичик қадам, чап оёқ 6-ҳолатга оёқ учига қўйилади, тиззалар букилади ва ростланади. Қўллар майинлик билан “гулбарги” ҳаракатига келиб, урғу билан 1-ҳолатга, кафтлар пастга қараган ҳолда, ярим мушт билан очилади.

Юқоридаги ҳаракатларнинг такрорланиши.

11-такт ҳаракатлари такрорланади. Охирги санокқа чап қўлдаста кафти билан кўксига қўйилади, ўнг қўл 1-ҳолатда кафти пастга қараган ҳолда қолади. Саҳнанинг пастки ўнг бурчагида оёқлар 6-ҳолатда, чап оёқ — учида.

**13-такт**

Ижрочи чапга чорак бурилиш қилиб, ярим айлана билан соат мили йўналиши бўйича юзи билан саҳна олдининг марказигача боради.

Оёқ ҳаракати — оддий қадамлар билан, чап оёқдан юрилади. Чап қўл кафти билан кўксига енгил уришлар қилади.

**14-такт**

13-такт ҳаракатлари такрорланади. Саҳна олдининг марказида томошабинга қараб, оёқлар 6-ҳолатда, чап оёқ — учида қолади. Қўллар 1-ҳолатда, кафтлар пастга қараб, бармоқлар ярим муштга йиғилган ҳолда ҳаракат билан тугалланади.

**15-16-  
тактлар**

“Ён йўрға” ҳаракати билан саҳна чап томонининг паст бурчагига юрилади (11-такт ҳаракатлари 2 марта такрорланади). Қўллар ҳар бир тактга “гулбарги” орқали 1-ҳолатга, бармоқлар ярим мушт ва кафтлар пастга қараган ҳолда очилади. Оёқлар ҳаракатини 6-ҳолатда, чап оёқ — учида тугаллайди.

- 17-такт** Ижрочи ўнгга чорак айланиб, қия йўл билан саҳна марказига тез қадамлар билан, йўналиш бўйича юзи билан ўнг оёқдан бошлаб юради. Марказга келиб ижрочи чап томонга бурилиб, томошабинга қараб қолади. Оёқлар 6-ҳолатга келади, чап оёқ — учида. Қўллар такт давомида 1-ҳолатда, бармоқлар ярим муштга йиғилган.
- 18-такт** Жойида. Тиззалар букилади, бир вақтда юзининг ўнг томонида тўртта қарсак чалади. Такт охирида қўллар 1-ҳолатга, кафтлар юқорига қараган ҳолатга очилади.
- 19-такт бир, икки уч, тўрт беш олти** Жойида айланиш — битта тўлиқ айланиш ўнг томонга ўнг оёқ билан, учта “ён йўрға” ҳаракати оёқ тўлиқ ерга тушиши билан. Қўлларнинг тирсаклари букилиб, туширилган қўлдасталари билан елкаларига яқинлашиб, 1-ҳолатга кафтлар юқорига қараган ҳолатда очилади.
- 20-21-тактлар** Ҳаракатларнинг такрорланиши.
- 22-такт бир, икки уч, тўрт беш олти** 19-такт ҳаракатлари 2 марта такрорланади. Саҳна марказида томошабинга қараб қолади, оёқлар 6-ҳолатда, чап оёқ — учида, қўллар 1-ҳолатда — кафтлари юқорига қараган.
- Саҳна орқасининг марказига орқаси билан юриш.
- Чап оёқ учидан орқага урғу билан кичик қадам, ўнг оёқ “сирпанма” ҳаракат билан чап оёқ ёнига 6-ҳолатга қўйилади (“оқсатма” ҳаракати). Қўллар 4-ҳолатнинг ўнг томонидан юқорига олиб ўтилади.
- Оёқ ҳаракатлари 2 марта такрорланади, қўллар ҳолати ўзгармайди.

## **VI — шакл**

*Муסיқа № 7.*

*Муסיқа ўлчами 6/8. 16 такт.*

- 1-2-тактлар** Ижрочи ёнламасига саҳнанинг чап пастки бурчаги томон қия йўналишда, чап елкаси билан саккизта “оқсатма” ҳаракатини чап оёқдан бошлаб бажаради, бир вақтда ўнг томондан 4-ҳолатнинг сал юқорироғида бармоқларини қирсиллатади.
- 3-такт** Ижрочи йўналиши бўйича чап томонга юзи билан бурилиб, чап оёқдан оддий қадамлар билан юришини давом эттиради, қўллар 1-ҳолатга, кафтлар юқорига қаратилиб очилади.
- 4-такт бир** “Шох” жойида.
- Оёқлар 3-ҳолатда қолади, чап оёқ — учида, қўл ўнг томонда 4-ҳолатда, гавда салгина ўнгга бурилади.
- икки уч тўрт беш олти** Чап оёқдан чапга битта тўлиқ айланиш. Қўллар “икки” саноғига 3-ҳолатга (чап қўл юқорида), “уч-тўрт”га “гулбарги”, “беш”га 6-ҳолатга тез қарсак чалиб (бармоқлар юқорига қараган), 1-ҳолатга — кафтлар пастга, бармоқлар ярим мушт ҳолатда очилади. “Шох”дан кейин томошабинга қараб, оёқлар 6-ҳолатда, чап оёқ учида қолади.
- 5-8-тактлар** Ижрочи саҳна олдидан ёнламасига саҳнанинг ўнг пастки бурчаги томон юзи билан томошабинга қараб “ён йўрға” ҳаракатини бажаради. Қўллар ҳар бир тактнинг “бир-икки-уч” саноғига “гулбарги” ҳаракати ва урғу



билан 1-ҳолатга кафтлар пастга қараган, бармоқлар ярим мушт ҳолатда очилади; “тўрт-беш-олти” саноғига қўллар ҳаракати такрорланади. Саҳна-нинг ўнг пастки бурчагида томошабинга қараган ҳолда, оёқлар расмий ҳолатда, қўллар чап томонда 5-ҳолатдан сал юқорида қолади.

#### **9-такт**

Ижрочи ўнг томонга бурилиб, ярим айлана йўналиши бўйича юзи билан саҳна марказига боради.

#### **бир икки**

Ўнг оёқ учи билан олдинга қадам қўйилади, тиззалар букилади бир вақтда чап оёқ “ялатма” ҳаракати билан ердан кўтарилади, оёқ учи пастга қарайди. (“ялатма” юриш ҳаракати). Қўллар чап томонда 5-ҳолатдан юқорида бармоқ қирсиллатиши билан, ўнг қўлдастаси ўзига урғу бериб айланади.

#### **уч тўрт**

Чап оёқ учи билан олдинга қадам қўйилади, тиззалар букилган ҳолда қолади, бир вақтда ўнг оёқ “ялатма” ҳаракат қилиб, оёқ учи ердан пастга қараган ҳолда кўтарилади; қўллар “бир-икки” саноғидаги ҳаракатни такрорлайди.

#### **беш олти**

Ўнг оёқдан битта “расмий уфори”, тиззалар эркин, қўл қирсиллатиши 2 марта.

#### **10-11- тактлар 12-такт**

9-такт ҳаракатлари 2 марта такрорланади. Саҳна марказида томошабинга қараб, оёқлар 6-ҳолатда, чап оёқ учида қолади.

Саҳна марказида ҳаракат жойида: тиззалар букилади, бир вақтда юз-нинг ўнг томонида тўртта қарсак урилади; қарсакдан қўллар 1-ҳолатга, кафтлар юқорига қараб очилади.

#### **13-такт бир, икки уч**

Жойида айланиш.

#### **тўрт беш**

Ўнг томонга иккита “ён йўрға” ҳаракати билан, ўнг оёқдан, тиззалар букилган ҳолатда, оёқлар тўлиқ ерга қўйилиб, тўлиқ айланиш бажарилади. Бир вақтда тирсаклар букилиб, қўлдасталар туширилган ҳолда, қўллар елкаларга яқинлашиб, 1-ҳолатга, кафтлар юқорига қаратилиб очилади. Ҳаракатларнинг такрорланиши.

#### **олти 14-15- тактлар**

13-такт ҳаракатлари 2 марта такрорланади. Саҳна марказида томошабинга қараб қолади, оёқлар 6-ҳолатда, чап оёқ — учида, қўллар 1-ҳолатда, кафтлар юқорига қараган.

#### **16-такт**

Саҳна орқасининг марказига орқаси билан юради. Тактнинг ҳар бир саноғига чап оёқ билан кичик урғули қадам, ўнг оёқ “сирпанма” ҳаракат билан чап оёқ ёнига тўлиқ қўйилади (“оқсатма” ҳаракати). Қўллар “бир” саноғига ўнг томон — 4-ҳолатнинг юқорироғига ўтказилади ва такт давомида ўзгармайди. Саҳна орқасининг марказида томошабинга қараб тўхта-лади, гавда ўнг томонга сал бурилиб, оёқлар 6-ҳолатда, чап оёқ учида қолади.

### **VII — шакл**

*Муסיқа № 8.*

*Муסיқа ўлчами 6/8. 20 такт.*

*“Авжи”*

#### **1-такт бир**

“Нуқтали юриш” билан саҳна олдининг марказига ёнламасига юради. Чап оёқ учи билан чапга қадам қўйилади, чап елка томошабинга бурилади.

**икки  
уч  
тўрт  
беш  
олти**

Чап оёқ озгина чапга сурилади, товон туширилади; ўнг қўл 2-ҳолатга, чап қўл 1-ҳолатдан пастга ўтказилади.

Чапга ўнг оёқ учида чап оёққа чалмаш қилиб қўйилади.

Ўнг оёқ бир оз чапга қўйилади, товон туширилади; қўллар ҳаракати ўзгармайди. Тактнинг ҳар бир саноғига чап елка кўтарилади ва туширилади (“елка қоқиш” ҳаракати).

**2-4-  
тактлар**

1-такт ҳаракатлари 3 марта такрорланади, саҳна олдининг марказида чап томонга битта айланиб томошабинга қараб қолади. Охирги саноққа оёқлар 3-ҳолатда, ўнг оёқ учида қолади; қўлдасталар ташқи томонга урғули айланиш билан 2-ҳолатга, кафтлари юқорига қараб қолади.

**5-такт**

Жойида. Оёқлар ҳолатни ўзгартирмайди. Қўлдасталар ўзига қараб айлантирилиб, “осмон” ҳаракатига кўтарилади.

**6-такт  
бир, икки  
уч, тўрт  
беш  
олти**

Жойида ўнг томонга битта тўлиқ айланиш.

Ўнг оёқ ўнг томонга учи билан қўйилади, сўнг чап оёқ “сирпанма” ҳаракат билан ўнгга, (битта “тепиб айланиш” ҳаракати); бир вақтда қўллар ўзидан ташқарига айланиб, гавда ва бош салгина ўнгга энгашади.

Айланишни давом эттириб, ҳаракатлар такрорланади.

**7-8-  
тактлар**

6-такт ҳаракатлари 3 марта такрорланади, айланиш давом этади. Оёқлар 5-ҳолатда, ўнг оёқ олдинда, томошабинга қараб қолади. Охирги тактнинг сўнгида қўллар белни олдидан кучади.

**9-такт**

Саҳна орқасининг марказига орқаси билан юради.

**бир  
икки  
уч**

Ўнг оёқ учи билан ўнг томонга қўйилади, ўнг қўл 1-ҳолатга, ярим мушт ҳолатига очилади.

**тўрт  
беш  
олти**

Ўнг оёқ чап оёқ орқасига чалмаш қилиб, тўлиқ қўйилади, тиззалар букилади (“чалмашли юриш”), ўнг қўл белга қайтади.

**10-такт**

9-такт ҳаракатлари такрорланади.

**11-такт**

Ўнг оёқдан оддий қадам билан орқага юрилади. Қўллар 1-ҳолатга очилади. Кафтлар юқорига қарайди.

**12-такт**

Бу ҳаракат саҳна орқасининг марказида бажарилади: “Шох” ижро этилади — чап оёқдан бошлаб чап томонга тўлиқ айланиш. Такт охирида оёқ 1-ҳолатга қўйилади, қўл ҳаракати 6-ҳолатда қарсак билан тугайди ва 4-ҳолатга очилади. Ўнг томонда, саҳна орқасининг марказида қолинади, гавда бир оз ўнгга бурилиб, юз томошабинга қарайди.

**13-такт**

Саҳна марказига ён билан юриш.

**бир  
икки  
уч**

Чап оёқ товони билан, кичик урғули қадам билан ёнга қўйилади, тизза букилади ва ростланади. Ўнг оёқ чап оёқнинг ёнига сирпантириб тўлиқ қўйилади. Бир вақтнинг ўзида чорак айланиш ўнг томонга бажарилади (томошабинга чап елка билан). Қўллар ўнг томонга 4-ҳолатга келади, ўнг қўл қирсиллатилади.

**тўрт  
беш  
олти**

Оёқ ҳаракати 2 марта такрорланади, қўллар ҳолати ўзгармайди.

**14-такт**

13-такт такрорланади. Раққоса саҳна марказига бориб чапга бурилади (томошабинга юз билан). Охирги саноққа оёқлар расмий ҳолатга қўйилади, тиззалар букилади, қўллар белнинг олди томонига қўйилади.

## **15-такт**

**бир  
икки  
уч**

**тўрт  
беш  
олти**

Саҳна олдининг марказига қараб “чалмашли юриш” ҳаракати билан юрилади.

Ўнг оёқ ўнг томонга — олдинга, учи билан олиб келинади, тиззалар ростланади, сўнг ўнг оёқ тўлиқ чап оёқнинг устидан чалиштирилиб, тиззалар букилади.

Ўнг қўл 1-ҳолатга очилади, кафтлар мушт ҳолатда белга қайтиб тушади.

Ҳаракатлар чап оёқ ва чап қўлдан такрорланади.

Гавда ва бош такт давомида ҳаракат қилаётган қўлни кузатади.

Саҳна олдининг марказида томошабинга қараб қолинади. Оёқлар 3-ҳолатда, ўнг оёқ учи билан қўйилган.

**16-такт  
бир, икки  
уч**

**тўрт  
беш  
олти**

Жойида. “Секин шох” - чапга чап оёқ билан бажарилади.

Қўллар 6-ҳолатга очилади, кафтлар бир-бирига қарайди, бармоқлар яқинлашган. Гавда бир оз чапга бурилади, бош қўлга эгилади.

Оёқ 3-ҳолатга келади, чап оёқ учида, гавда бир оз ўнгга, бош чапга қарайди. Қўллар 4-ҳолатга, ўнгга олиб ўтилади.

Тиниш.


**17-18-  
тактлар**

“Шох” қайтарилади. Чапга чап оёқ билан тўлиқ айланиш. Қўллар икки такт давомида 3-ҳолатга олиб келинади (чап қўл юқорида), “гулбарги” ўзининг олдида, сўнг 3-ҳолатга олиб келинади (ўнг қўл юқорида). Томошабинга қараб қолинади.


**19-20 -  
тактлар**

“Салом” ижро этилади: чап қўл расмий ҳолатга туширилади, ўнг қўл 1- ва 6-ҳолатлардан кўксига қўйилади, бош ва гавда олдинга майин эгилади.


# «ФАРФОНА РУБОЙЙСИ»




1- ШАКЛ. 1-14 ТАКТЛАР




2- ШАКЛ. 6-9 ТАКТЛАР




3- ШАКЛ. 1-10 ТАКТЛАР



2- ШАКЛ. 1-5 ТАКТЛАР




2- ШАКЛ. 10-15 ТАКТЛАР




3- ШАКЛ. 11-15 ТАКТЛАР


# «ФАРФОНА РУБОЙЙСИ»



3- ШАКЛ. 16-20 ТАКТЛАР




4- ШАКЛ. 4-12 ТАКТЛАР



4- ШАКЛ. 16-19 ТАКТЛАР



4- ШАКЛ. 1-3 ТАКТЛАР




4- ШАКЛ. 13-15 ТАКТЛАР




5- ШАКЛ. 1-8 ТАКТЛАР


# «ФАРҶОНА РУБОИЙСИ»




5- ШАКЛ. 9-12 ТАКТЛАР




5- ШАКЛ. 13-16 ТАКТЛАР




5- ШАКЛ. 17-18 ТАКТЛАР



5- ШАКЛ. 19-22 ТАКТЛАР





6- ШАКЛ. 1-14 ТАКТЛАР



6- ШАКЛ. 5-15 ТАКТЛАР

# «ФАРФОНА РУБОИЙСИ»





### “ТАНОВАР”

Мукаррама Турғунбоева ва Евгений Барановский 1943 йилда сахналаштирган бу рақс — ишонч ва орзу рақсидир. Рақс оддий рақс бўлмай, у жуда кенг мазмунга эга. “Тановар” ноёб мусиқали шоирона асар бўлиб, аёлларнинг бахт ҳақидаги орзу-умидларига бағишланган.

“Тановар” ўзбек миллатининг мумтоз рақсларидан ҳисобланади.

*Мусиқа ўлчови 4/4.*

Ўзбек миллий мусиқаси жўр бўлади.

*Либос:*

Раққосанинг бошида паранг рўмол, дурра қилиб ўралган. Эгнида оқ креплешиндан кўкракбурма, ёқали, енги узун кўйлак, устида бешбел қилиб тикилган, этаги кенгроқ, яъни учбурчак қилиб уланган узун беқасам камзул. Камзулнинг олди тугмасиз, енги узун, енг учидан кўйлакнинг енги бир оз кўриниб туради. Атлас лозимга жияк тutilган. Оёқда ўртача пошнали туфли. Соч майда ўрилган.

*Тақинчоқлар:* сирға, зебигардон, билакузук ва узук.



*Муסיқа № 1. 8 такт.*

*Муסיқа № 2. 6 такт.*

1-тактдан 8-тактгача муסיқа чалинади. 9-тактдан бошлаб ижрочи саҳнага томошабин томонидан қараганда ўнг томондан, иккинчи ён пардадан тўхтамли қадамлар билан, чап елкаси билан қия йўналишда саҳна ўртасига келади. 1-чоракда оёқ ҳаракати: тўхтаб-тўхтаб юриш. Ўнг оёқдан бошлаб расмий қадам, бир вақтда чап оёқ товони сал кўтарилади. Тизза ҳам бир оз эгилади. 2-чоракда раққоса чап оёқ учида озгина олдинга жилади. 3-4-чоракда ҳаракат чап оёқдан такрорланади, бош сал чапга бурилади. Ўнг қўл: 6-ҳолатда, кафти юқорига қаратилади. Чап қўл рўмолнинг чап учини ушлайди.

10-11-12-тактларда ҳаракатлар яна уч марта такрорланади.

13-такт “Расмий уфори”: 1-чоракда ўнг оёқ олдинга расмий қадам босади. Сўнг чап оёқ товони сал кўтарилиб, учи билан ўнг оёқнинг ёнроғига босади. 2-чоракда ўнг оёқ яна олдинга кичик қадам босади. 3-4-чоракларда шу ҳаракатлар чап оёқдан такрорланади. Қўл ҳолати ўзгармайди.

14-такт Саҳна ўртасида. 1-чоракда ўнг оёқ товони сал кўтарилади (4-ҳолат). 2-чоракда тиниш. 3-чоракда ўнг оёқ учи сал орқага босади (оёқлар 6-ҳолатга ўтади). Бир вақтда томошабинга қараб бурилиб қолади. 4-чоракда тиниш. Қўлларнинг туриши ўзгармайди.

## *II – шакл*

*Муסיқа № 3. 6 такт.*

Соат миллари йўналиши бўйича кичик давра билан юради. Сўнг иккинчи даврани соат миллари йўналишига қарши ижро этади ва томошабинга қараб қолади.

### **1-такт**

1-чоракда оёқлар 6-ҳолатга ўтади (ўнг оёқ учида). Бир вақтда қарсак (6-ҳолатда). Гавда ва бош чап ёнга сал эгилганроқ. 2-чоракда гавда ўнг ёни билан ўнг томонга сал, мулойим эгилади. Чап қўл ёнга 1-ҳолатга очилади. Ўнг қўл кафтининг терси билан томоғининг тагидан ўнг юзига яқин келиб, 2-ҳолатга кўтарилади. (Қўллар 3-ҳолатга ўтади). 3-4-чоракларда соат миллари йўналиши бўйича кичик давра қилиб юради. Ўнг оёқдан бошлаб “расмий уфори” ижро этилади.

### **2-такт**

Иккита “расмий уфори” чап оёқдан бошлаб ижро этилади. Сўнг ижрочи томошабинга қараб қолади.

### **3-такт**

Соат миллари йўналишига қарши яна кичик давра қилиб юради. 1-2-чоракларда чап оёқдан бошлаб “расмий уфори” ижро этилади. Шу чоракда қўллар 5-ҳолатга — ўнг томонга ўтади. 3-4-чоракларда чап қўл 6- ва 5-ҳолатлар орқали 2-ҳолатга кўтарилади. Ўнг қўл 1-ҳолатда қолади. (Қўллар 3-ҳолатда).

**4-такт**

1-2-чоракларда чап оёқдан бир “расмий уфори” ижро этилади, сўнг халққа қараб қолади. 3-4-чоракларда оёқлар 2-ҳолатга ўтади. Ўнг оёқ чап оёққа кўндалангроқ. Ўнг қўл 1- ва 2-ҳолатлар орқали юздан пастга, кафти ерга қараб, 7-ҳолатга тушади. Чап қўл дурранинг учини ушлайди.

**5-такт**

Оёқлар 3-ҳолатга ўтади (чап оёқ учиди). Рўмолнинг учи билан юзнинг чап томони беркитилади. Бел ўнг томонга сал эгилади. Юз ҳам ўнг бурчакка қарайди.

**6-такт**

Оёқ 3-ҳолатдалигича қолади. Чап қўл рўмол учини орқага ташлайди. Қўллар икки ёнга очилади.

**III – шакл***Муסיқа № 4. 16 такт.***1-такт**

Раққоса қия йўналишда чап бурчакка қараб кетади. 1-чоракда жойида туриб, чап томондан кўндаланг қарсак уради. Кафтлар ёпишган. Бел чап томонга бир оз эгилган. 2-чоракда ўнг қўлдаста терси билан юзининг ўнг томонидан ўтиб, бош орқасига кафтини қўяди. (“Хаёл” ҳаракати). Чап қўл 6- ёки 1-ҳолатда бўлади. 3-4-чоракларда “нуқтали юриш” билан бурчакка кетилади. Ўнг оёқ учи билан олдинга ўртача қадам босади. Сўнг ўнг оёқ сал олдинга жилади ва тўлиқ босади. Шу ҳаракат чап оёқдан такрорланади (Қўллар “хаёл” ҳаракатида).

2-3-4-тактларда оёқ ҳаракатлари такрорланади.

**5-такт**

1-2-3-чоракларда ўнг оёқдан бошлаб “расмий уфори”, охири чоракда чап оёқ урғу билан ўнг оёқ ёнига тўлиқ босади. (Расмий ҳолатда). Бир вақтда қўллар кўксига рўпара, дасталар чалмаш, кафтлари ўзига қарайди. (“Гулбарги” ҳаракати). Сўнг қўллар 1-ҳолатга очилади. Оёқлар расмий ҳолатда. 4-чоракда тиниш.

**6-такт**

1-чоракда оёқлар “қайчи” ҳаракатини ижро этади. Ўнг оёқ товони ердан сал кўтарилиб, ўнгга бурилиб, тўлиқ ерга тушади. Бир вақтда чап оёқ учи сал кўтарилиб, ўнгга бурилиб, тўлиқ босади. Демак, оёқ учлари бири-бирига яқин келади. “И” га ўнг оёқ учи сал кўтарилиб, ўнгга бурилиб, тўлиққа босади. Чап оёқ товони ердан сал кўтарилиб, ўнгга бурилиб, тўлиқ тушади. Демак, иккала оёқ товони учрашади. “3 и”, “4 и” га ҳаракатлар чап томонга такрорланади.

**7-такт**

Чап қўл расмий ҳолатга тушади. Ўнг қўл 6-ҳолат орқали кафтини кўксига қўяди.

**8-такт**

Табассум билан эгилиб “салом” ижро этилади, саломдан гавда тикланиб, қўл 1- ҳолатдан 2-ҳолатга кўтарилиб, кафтлар бир-бирига рўпара келади.

**9-такт**

Саҳна олдидан томошабинга қараб ўнг томонга юрилади. Оёқ ҳаракати “ён йўрға”. Ўнг оёқ олдинда, чап оёқ ўнг оёқнинг орқасида. Тизза сал букилганроқ, оёқ учи билан юрилади (6-ҳолат). Ўнг оёқ орқадан сал кўтарилиб, ўнгга кичик қадам босади. Ўнг тизза сал эгилади ва расмий ҳолатга қайтади. “И” га чап оёқ ердан сал кўтарилиб, ўнг оёқ орқасига босади. ”2 и”,

“3 и”, “4 и” га уч марта “ён йўрға” ҳаракати такрорланади. 1 “и” га қўллар елка кенглигида ёнга мулойим очилади. Кафтлар ёнга қараган. 2 “и” га қўллар кафти ўзига қараб, бармоқ учлари бир-бирига рўпарароқ бўлиб келади, ёнга очилади. Кафтлар ёнга қараган. “3 и”, “4 и” да ҳаракатлар такрорланади.

10-11-12-тактларда 9-тактдаги ҳаракатлар яна такрорланади. Охирида ижрочи ўнг бурчакда қолади. Оёқлар 3-ҳолатда, қўллар 2-ҳолатда қолади. Мазкур ҳаракатлар билан қиз йигитга “несавдолар тушди менинг бошим-га” дегандек дил хасратини баён этади.

### **13-такт**

1- ва 2-чоракларда оёқлар 3-ҳолатга (ўнг оёқ учида), чап қўл 1-ҳолатга очилади. Ўнг қўл кўксига рўпара, тирсаги букилган, кафти ўзига қараган (5-ҳолат). 3-4-чоракларда чапга бурилади. Бел ўнг томонга сал эгилади. Оёқлар бир “расмий уфори” ҳаракати билан ўнг томонга чорак бурилади. Ўнг қўл 1-ҳолат орқали 2-ҳолатга кўтарилади. Қўлдаста ўзидан ташқарига бир айланиб, кафти юқорига қараб қолади. Чап қўл 1-ҳолатда. Сўнг қўллар 3-ҳолатга қайтади.

### **14-15- тактлар**

14-тактда қўллар 3-ҳолатдан ўнг томонга ўнг оёқдан бошлаб, иккита “расмий уфори” ҳаракати билан уч чорак бурилади. 15-тактда чап бурчакка қараб йигит йўқлигини кўриб, ҳайрон бўлади ва секин томошабинга қараб (қўллар 6-ҳолатда) уларнинг орасидан йигитни қидиргандай бўлади. Йигит ўнг бурчакка ўтганлигини кўриб, қўллар сал ёнга очилиб, бир оз тиниб қолади.

### **16-такт**

Кафтлар терси билан пешонасига чап дастага ўнг даста қўйилади. Бир вақтда сал олдинга эгилади, кафтлари билан юзини беркитади.

## **IV – шакл**

### **Муסיқа № 5. 12 такт.**

Орқаси билан сахна ўртасига қия йўналишда кетади. 1-дан 3-тактгача ол-тита “нуқтали юриш”ни ижро этади. Ҳар тактда иккита ҳаракат. Ўнг оёқ учида орқага қадам босиб, сал эгилиб, тўлиққа тушади. Чап оёқ ҳам шуни так-рорлайди. Қўллар 1-тактда кафтлари ўзига қараб, кўксига рўпара қилинади. 2-3-тактларда қўллар мулойим, 6-ҳолатга чўзилади. Кафтлар юқорига қараган, устма-уст. Йигитга юрагидаги бор дардларини изҳор қилаётгандек бўлади.

### **4-такт**

1-2-чоракларда чап оёқдан “расмий уфори”, 3-чоракда тиниш. 4-чоракда чап қўл билан 1-ҳолатга очилади. Ўнг қўл юз оша 2-, 1-ҳолатлар орқали чап кўксига рўпара келади (Қўллар 5-ҳолатда). Чап томонда.

### **5-такт**

Ўнг оёқдан бошлаб, иккита “расмий уфори” билан соат йўналиши бўйича кичик давра қилиб юриб, томошабинга қараб қолади, шу тактда ўнг қўл 6-, 1-ҳолатлар орқали 2-ҳолатга кўтарилади. (Қўллар 3-ҳолатда).

### **6-такт**

Сахна ўртасига, жойида чап оёққа ўтирилади. Ўнг тиззага чап қўлдаста қўйилади. Ўнг даста юзидан пастга тушиб, чап қўлдаста устига қўйилади. Бармоқ учлари ён-ёнга қараган.

### **7-такт**

Ўнг қўл 6-, 1-ҳолатлар орқали кафти юқорига қараб, забт билан 2-ҳолатга кўтарилади. Кафти пастга, учлари чапга қараб, ўнг тиззага тушади.

### **8-такт**

Чап қўл 7-такт ҳаракатини такрорлайди.

- 9-такт** 1-2-чоракларда ўнг қўл яна 7-тактни такрорлаб, 2-ҳолатдан тушаётиб, кўзидан пастроқда тўхтайди. Кафти пастга, бармоқлари чапга қараган ҳолатда. 3-4-чоракларда туриш.
- 10-такт** 1-2-3-чоракларда бош сал ўнгга, чапга, яна ўнгга бурилади. 4-чоракда қўллар 6-ҳолатга келади. Ўнг даста кафти чап даста терсига қўйилади.
- 11-такт** 1-2-чоракларда қўллар кўксига рўпара келади. 3-4-чоракларда яна 6-ҳолатга чўзилади.
- 12-такт** Жойида туради. Қўл ҳаракатлари давом этади. Оёқлар 2-ҳолатда қолади. Ўнг оёқ чап оёққа кўндалангроқ.

## *V — шакл*

### *Муסיқа № 6. 8 такт.*

- 1-такт** 1-2-чоракларда жойида ён-ёнга иккита тебраниш, қўллар ёнга сал очилган. 3-чоракда 2-ҳолатда кўндаланг қарсак ҳамда тебраниш, 4-чоракда тиниш.
- 2-такт** Чап бурчакка қия йўл билан ўнг оёқдан бошлаб, иккита “расмий уфори” ҳаракати билан айланиб боради. Чап қўл 1-ҳолатга очилади. Ўнг қўл томоғининг тагидан ўнг юзига рўпара, кафтнинг терси билан бармоқлар пастга қараб, сўнг 2-ҳолатга кўтарилади. Гавда ва бош ўнг томонга эгилганроқ бўлади. Охирида қўллар 3-ҳолатда бўлади.
- 3-такт** Бунда юриш давом этади. Ўнг оёқдан бошлаб, иккита “расмий уфори”, лекин айланмасдан. Қўллар 1-ҳолатга очилиб, тўхтаб қолади.
- 4-такт** 1-2-чоракда ўнг оёқ урғу билан расмий ҳолатга қўйилади. Қўллар “гулбарги” ҳаракати орқали 6-ҳолатда, 1-ҳолатдан баландроққа кескин кўтарилади. Кафтлар пастга қараган. 3-чоракда оёқлар расмий ҳолатда, бош сал ўнгга эгилган. Юз чапроққа бурилган. 4-чоракда тиниш.
- 5-6-тактлар** Оёқ ҳаракатлари ён-ёнга, “қайчи” ҳаракати ижро этилади, қўллар сал-сал кўтарилиб тушади.
- 7-такт** 1-2-чоракларда оёқлар 3-ҳолатга ўтади. (Чап оёқ учида). Гавда оғирлиги ўнг оёқда: қўллар 2-ҳолатга кўтарилади. Гавда чап елка билан чап бурчакка бурилиброқ қолади. 3-чоракда қўллар юздан пастга тушиб, кўксига рўпара — “қўлибанд” ҳаракатида бўлади. Чап қўл ўнг тирсакнинг тегида, ўнг қўл чап тирсакнинг устида бўлади. 4-чоракда тиниш.
- 8-такт** 1-2-чоракларда оёқлар 3-ҳолатда, гавда оғирлиги чап оёқда. Бир вақтда қўллар 6-ҳолатда. Чап даста ўнг дастага сирпаниб, қарсак уради. Сўнг қўллар 3-ҳолатга кўтарилади. Ўнг қўл юқорида. Гавда чап ёни билан чап бурчакка эгилганроқ бўлади. 3-4-чоракда тиниш.

## *VI — шакл*

### *Муסיқа № 7. 12 такт.*

- 1-такт** 1-2-чоракларда қия йўл билан ўнг томонга ярим айланиб, сахна ўртасига келади. Оёқ ҳаракати — “расмий уфори”. Ўнг қўл 6-ҳолат орқали 1-ҳолатга очилади. 3-чоракда оёқлар 3-ҳолатга ўтади. Чап оёқ учида. Чап қўл

2-ҳолат орқали кафтини бош орқасига қўяди. 4-чоракда ўнг қўлдаста “чақириш” ҳолатини ижро этади.

**2-такт**

1-такт ҳаракатлари чап оёқдан чапга бурилиб ижро этилади. Бу сафар чап қўлдаста билан “чақириш” ҳаракати такрорланади.

**3-такт**

1-такт ҳаракатлари такрорланади.

**4-такт**

1-2-чоракларда чап оёқдан чапга бир “расмий уфори” билан бурилади. Қўллар 1-ҳолатга очилади. 3-чоракда томошабинга ўнг елка билан қолиб, ўнг қўлдастаси билан “уялиш” ҳаракати ила юзини беркитади. Чап қўл 1-ҳолатда қолади. Оёқлар 2-ҳолатда, ўнг оёқ кўндаланг.

**5-такт**

Ўнг томонга тўлиқ айланади. Оёқлар тўртта “яримқайчи” ҳаракатини ижро этади. 1-чоракда ўнг оёқ учи ердан сал кўтарилиб, ўнгта озроқ жилиб, тўлиққа тушади. “И” га бир вақтда ўнг оёқ товони, чап оёқ учи сал кўтарилиб, бир оз ўнгта тўлиққа босилади. “2 и”, “3 и”, “4 и” да “1 и” ҳаракатлари такрорланади. Қўллар “уялиш” ҳолатида.

**6-такт**

Жойида чорак айланиб, охирида томошабинга қараб қолади. Бешта “яримқайчи” ҳаракатини ижро этади. Қўллар 1-ҳолатга очилади.

**7-такт**

1-2-чоракларда ўнг оёқдан “расмий уфори” билан орқага орқаси билан кетади. 3-чоракда чап оёқ урғу билан расмий ҳолатда тўлиққа қўйилади. Ўнг қўл 7-ҳолатга тушади. 4-чоракда тиниш.

**8-такт**

7-такт такрорланади. “Уфори” чап оёқдан бошланади. Охирида ўнг қўлга чорак бурилади. Томошабинга чап елка билан қолади.

**9-такт**

9-тактдан 14 тактгача сахна олди ўртасига келади. Оёқлар 6-ҳолатда, кафт орқада. Ҳаракат номи “оқсатма”. 1-2-чоракларда чап оёқ учи билан чапга ердан сал кўтарилиб, кичик урғу билан қадам босади. Сўнг ўнг оёқ тўлиқ босилганича силжиб, чап оёқ олдига келади. Демак, оёқлар яна 6-ҳолатда бўлади. 3-4-чоракларда ҳаракатлар такрорланади, қўллар олти тактда: ўнг қўл секин-секин ёндан кўтарилиб, бош устига тушади. Кафти юқорига қараган. Чап қўл дурранинг чап бурчагини ушлаб келади. Юзи томошабинга бурилган.

**15-такт**

Сахна олдига етиб, томошабинга қараб бурилади. Оёқлар 3-ҳолатда бўлади. (Чап оёқ учиди). Қўллар 1-2-3-чоракларда 4-ҳолат, ўнг томонга ўтади. 4-чорак тиниш.

**16-такт**

1-2-3-чоракларда чап қўл юз оша 2-ҳолатга кўтарилади. Сўнг “силдирма” ҳаракатини ижро этади. Гавданинг белдан юқори қисми сал орқага жилиб, секин расмий ҳолатга қайтади. 4-чоракда озгина тиниш. Оёқлар 2-ҳолатга ўтади, чап оёқ кўндаланг. Қўллар бош устида. Елка кенглигида ён-ёнга очилади. Кафтлар рўпара, бармоқ қирсиллатишга тайёрланган. Гавда ва бош ёни билан чапроққа бурилган.

**VII – шакл**

*Муסיқа № 8. 6 такт.*

**1-такт**

**2-3-4-**

**тактлар**

**5-такт**

Жойида чап томонга тўлиқ бир айланиш. Тўрт марта “яримқайчи” ҳаракатини ижро этади. Бармоқлар бирин-кетин қисирлатилади.

1-такт ҳаракатлари уч марта такрорланади, охирида халққа қараб қолади.

1-чоракда ўнг томонга чорак бурилади. Бир вақтда чап оёқ ҳам ўнгга

қадам қўяди. Ўнг оёқ орқада, товони сал кўтарилади. 2-чоракда ўнг оёқ чап оёқ ёнига тўлиқ босади. 3-чоракда чап оёқ яна олдинга қадам босади. 4-чоракда ўнг оёқ яна чап оёқ ёнига тўлиқ босади. Қўллар 1-2-чоракларда дасталари ўзидан ташқарига бир айланиб, кўксига рўпара тушади. Ўнг даста кафтини чап дастанинг терсига қўяди. Бармоқ учлари юқорига қараган. 3-4-чоракларда қўллар ўзидан ташқарига бир буралиб, олдинга чўзилади, чап даста олдинда.

**6-такт**

5-такт оёқ ҳаракатлари чапга ярим бурилиб, ўнг оёқдан бошланади. 5-такт ҳаракатлари чап томонга такрорланади. Сўнг яна 6-ҳолатга қўйилади.

### ***VIII – шакл***

*Муסיқа № 9. 8 такт.*

Орқаси билан орқага — саҳна ўртасига кетади.

**1-такт**

1-2-чоракларда 6-ҳолатга “сирпанма” қарсак билан ўнг кафт чап кафтга кўндаланг сирпаниб урилади. Сўнг қўллар 3-ҳолатга ўтади. Чап қўл юз оша 2-ҳолатга кўтарилади, ўнг қўл ёнга очилади. 3-4-чоракларда тиниш.

**2-такт**

1-2-чоракларда ўнг оёқ учи билан орқага кичик қадам қўйиб, 2-чоракда ўнг оёқ чап оёқ ёнига тўлиқ босганича сирпантирилиб қўйилади. Қўллар 3-ҳолатдалигича қолади. 3-4-чоракларда 1-2-ҳолатлардаги ҳаракатлар такрорланади.

**3-4-  
тактлар**

2-такт ҳаракатлари икки марта такрорланиб, ўнг оёқ 2-ҳолатга қўйилади. Ўнг оёқ кўндаланг. Чап тизза букилганроқ. Қўллар 5-ҳолатда чап томонга ўтади.

**5-6-  
тактлар**

Ҳаракатлар бир жойда. Чап қўл 1-ҳолатда қолади. Ўнг қўл юз оша юқорига кўтарилади. Бармоқ қирсиллатиб, чоракка, 6-ҳолатга тушади. Бош ва гавда ўнг қўлни кузатади. Ўнг оёқ учи билан ҳар чоракка урғу бериб туради.

**7-такт**

1-2-3-чоракларда оёқлар расмий ҳолатда, бирин-кетин сал ердан кўтарилиб, урғу билан яна расмий ҳолатга қайтади. (Ўнг — чап, яна ўнг оёқда). Бир вақтда ўнг қўл 1-, 2-ҳолатлар орқали 7-ҳолатга тушади. Гавда сал ўнг, сўнг чапга бурилиб, кейин тўғрига қараб қолади. 4-чоракда тиниш.

**8-такт**

7-такт ҳаракатлари такрорланади. Бу сафар чап қўл 7-ҳолатга тушади. Оёқ урғулари чап оёқдан бошланади.

### ***IX – шакл***

*Муסיқа № 10. 14 такт.*

(Авжи). Саҳна олдиниинг ўртасига келади.

**1-такт**

1-2-чоракларда чапроққа бурилиб, 6-ҳолатда кўндаланг қарсак уриб, гавда ва бош ёни билан қўлга сал эгилади. Кафтлар ёпишган. Хўрсиниб нафас олаётгандай. Оёқлар 3-ҳолатда, ўнг оёқ учида. Гавда сал ён-ёнга тебранади. 3-4-чоракларда ўнг оёқдан битта “расмий уфори” билан ўнгга бурилади.

**2-такт**

Яна иккита “расмий уфори” билан саҳна олди томонига айланиб келади.

Сўнг томошабинга қараб қолади. Шу тактларда чап қўл 1-ҳолатга очилади. Ўнг қўл томоқнинг тагидан кафтнинг терси билан бармоқ учлари пастга қараб, 2-ҳолатга кўтарилади. Демак, қўллар 3-ҳолатда, ўнг қўл юқорида.

**3-такт**

Олдинга қараб, чап оёқдан бошлаб иккита “расмий уфори” ҳаракати билан сахна олди ўртасига келиб тўхтади. Қўллар 6-ҳолатда. “Гулбарги” ҳаракати орқали 1-ҳолатга очилади.

**4-такт**

Чап тиззага ўтиради, бир вақтда қўллар расмий ҳолатга тушади.

**5-такт**

Ўнг қўл кафти юқорига қараб, 6-ҳолатда юрагига яқинроқдан чап томондан томошабинга қараброқ чўзилади. Чап қўл кафтининг терси ўнг қўл тирсагининг тагига қўйилади.

**6-такт**

1-2-чоракча чап қўл ўнг қўл ҳаракатини такрорлайди. Бу сафар ўнг қўл чап тирсакнинг ички томонига қўйилади. Ўнг томонроққа бурилади. 3-4-чоракларда чап қўл кафти бармоқлари ўнгга қараб, ўнг тиззага қўйилади. Ўнг қўл 6-, 1-ҳолатлар орқали кафтнинг терси билан юзни беркитади. Қиз севгисини ошкор этганидан ҳижолат бўлиб, юзини яширади.

**7-такт**

1-2-чоракларда ўнг қўл кафти пастга, бармоқлари чапга қараб, кўкси рўпарасига тушади. Сўнг даста сал титраб, олдинроққа чўзилади. Ўнг қўлдаста бир титраб, ўзига яқин келади.

**8-такт**

7-такт ҳаракатлари такрорланади.

**9-такт**

1-2-чоракларда қўллар “гулбарги” ҳаракати билан кўксига қўйилади. 3-4-чоракларда ижрочи авждан туради.

**10-такт**

Орқага, орқаси билан сахна ўртасига кетади. Ўнг оёқдан бошлаб, иккита “нуқтали юриш”, қўлдасталар ўзидан ташқарига бир айланиб, ўзидан олдинроққа чўзилади. Кафтлар пастга қараган, устма-уст бармоқлар олдинга қараган, чапдаста пастроққа.

**11-такт**

2-чоракда “нуқтали юриш”, кафтлар юқорига қараб, ўнгдаста устига қўйилган. Бармоқлар олдинга қараган бўлади.

**12-такт**

10-такт оёқ ҳаракатлари такрорланади, дасталар кафтлари юқорига қаратилиб олдинга чўзилади.

**13-такт**

Ўнг оёқдан бир “расмий уфори”, охирида оёқлар расмий ҳолатда қолади. Қўлдасталар ўзидан ташқарига бир айланиб, юз оша 2-ҳолатга кўтарилади. Бармоқ учлари бир-бирига ёпишган бўлади. Охирида тиниш.

**14-такт**

Жойида. Оёқлар расмий ҳолатда, ўнг қўл 1-, 6-ҳолатлар орқали белнинг олдини кучади. Чап қўл кафтнинг терси билан орқа белга қўйилади. Юз томошабинга қараган, бош сал ўнгга эгилган. Сўнг тиниш.

**Х – шакл**

*Муסיқа № 11. 16 такт.*

Сахна олди ўртасига келади.

**1-такт**

Иккита “расмий уфори”, чап тарафдан қўллар 1-ҳолатда очилади.

**2-такт**

1-2-чоракларда чап оёқдан битта “расмий уфори”. Чап қўл расмий ҳолатда туради. 3-чоракда ўнг оёқ урғу билан чап оёқ ёнига қўйилади. Ўнг қўл

кескин расмий ҳолатга тушади. Бош ўнгроққа бурилади. 4-чоракда тиниш. Ён-ёнга жилиш.

**3-такт**

Оёқлар иккита “қайчи” ҳаракати билан чапга жилади. Чап қўл бармоқлари билан бир оз ичкарига букилганича, ярим мушт бўлиб, тўхтаб-тўхтаб, бош баландлигига кўтарилади. Сўнг 1-ҳолат орқали расмий ҳолатга тушади.

**4-такт**

**5-6-**

**тактлар**

Шу ҳаракатлар ўнг қўлдан такрорланади. Оёқ ҳаракатлари давом этади. 3-4-тактларнинг оёқ ҳаракати — “қайчи”. Ўнг томонга жилинади. Қўллар расмий ҳолатдан тўхтаб-тўхтаб бош баландлигига кўтарилади. Қўлдасталар ярим мушт ҳолида. Сўнг томошабинга қараб қолади.

**7-такт**

Саҳна ўртасига кетади. Ўнг оёқдан бошлаб иккита “расмий уфори”. Ўнг оёқ кўндаланг. Қўллар бир-бирига чалмаш. 1-ҳолат орқали 6-ҳолатда ўнг қўлдаста кафти чапдаста терсига қўйилади. Бармоқлар ён-ёнга қараган. Аввало, ўзига яқинроқ тортилади, 3-4-чоракларда 6-ҳолат баландлигига чўзилади.

**8-такт**

**9-такт**

Қўллар яна ўзига тортилиб, сўнг яна 6-ҳолатга чўзилади.

1-2-чоракларда ўнг оёқдан ўнг томонроққа битта “расмий уфори” ижро этилади. Қўллар 1-ҳолатга очилади. 3-чоракда чап оёқ олдинга товонидан бошлаб кичик қадам босади. Ўнг оёқ товони кўтарилади. Чап қўл бел олдига келади. Кафти пастга қараган. Бармоқ учлари ўнг томонга қараган. Бир вақтда ўнг қўл бош устига, кафти юқорига қараган, 4-чоракда чап оёқ урғу билан тўлиққа тушади. Бир вақтда ўнг оёқ учи пастга қараб тиззаси эгилганроқ бўлиб, сал ердан кўтарилади. Ўнг кафт бош орқасига қўйилади. Чап қўл белни кучади.

**10-такт**

Орқага орқаси билан ўнг оёқдан бошлаб иккита “расмий уфори”. Қўллар 1-ҳолатга очилади. Ижрочи саҳна ўртасида қолади.

**11-12-**

**тактлар**

9-10-тактлардаги ҳаракатлар такрорланади. Бу тактларда ҳаракатлар чап томонга чап оёқдан бошланади. Қўллар ҳам жойларини алмаштиради. Қўллар 1-ҳолатда очилган.

**13-такт**

Тиззалар сал эгилиб, яна расмийга қайтади. Ўнг қўл белни кучади, чап қўл бош орқасида бўлади.

**14-такт**

13-такт ҳаракатлари такрорланади.

**15-такт**

Оёқлар 2-ҳолатда. Чап оёқ кўндаланг. Ўнг қўл 7-ҳолатда майда титрайди. Чап қўл расмий ҳолатда.

**16-такт**


Оёқлар расмий ҳолатда. Ўнг қўлни кўксига қўйиб “салом” —(таъзим) қилади.

9-10-11-тактларда ҳаракатлар “ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадир” деган маънони англатади. 15-тактда ижро этилган ҳаракатлардан “сени кўрсам вужудим ларзага тушади” деган маънони англаш мумкин.







1- ШАКЛ. 1-14 ТАКТЛАР




3- ШАКЛ. 1-8 ТАКТЛАР




4- ШАКЛ. 1-12 ТАКТЛАР




2- ШАКЛ. 1-6 ТАКТЛАР



3- ШАКЛ. 9-16 ТАКТЛАР



5- ШАКЛ. 1-8 ТАКТЛАР




6- ШАКЛ. 1-4 ТАКТЛАР




6- ШАКЛ. 7-8 ТАКТЛАР



7- ШАКЛ. 1-4 ТАКТЛАР









6- ШАКЛ. 5-6 ТАКТЛАР



6- ШАКЛ. 9-16 ТАКТЛАР



7- ШАКЛ. 5-6 ТАКТЛАР

	
<p>8- ШАКЛ. 1-8 ТАКТЛАР</p>	<p>9- ШАКЛ. 1-9 ТАКТЛАР</p>
	
<p>9- ШАКЛ. 10-14 ТАКТЛАР</p>	<p>10- ШАКЛ. 1-6 ТАКТЛАР</p>
	
<p>10- ШАКЛ. 7-8 ТАКТЛАР</p>	<p>10- ШАКЛ. 9-16 ТАКТЛАР</p>



## “ПАХТА”

“Пахта” рақси 1935 йилда саҳналаштирилган бўлиб, ўзбек хореографиясида янгилик эди. Бу рақс дастлаб Фарғонача рақс мактаби асосида яратилган. “Пахта” рақсида уруғ қадашдан то ҳосил теришгача бўлган жараён тасвирланган.

Рақсда қўл ҳаракатлари шохларнинг шамолда тебранишини, бармоқларнинг титратмаси эса ирмоқларнинг тўлқинланишини, ярим мушт бармоқларнинг аста-секин очилиши пахта очилишини ифодалайди.

“Пахта” — ўзбек миллий рақс санъатининг ўзига хос ёрқин намунасидир.

Ушбу сюита рақс халқ чолғу асбоблари оркестри жўрлигида ижро этилади. Ижрочи қизлар — 30 нафар.

*Либослар :*

Пахталарни тасвирловчи қизлар учун.

Бош кийим оқ шойи матодан: 15 x 8 см бурчаги учли рўмол. Рўмолда пахтанинг очилган ҳолати чизиб кўрсатилган.

Кўйлак оқ ҳарир матодан, белбурмали, ўн тўртбел қилиб тикилган, кенг, узун енгли, ёқаси оқ крепдан майда бурма қилинган, тик турувчи.

Кўйлакнинг белдан юқориси оқ шойидан, белдан пасти ҳам астари билан оқ крепдан тикилган. Кўйлак этаклари ва енглари оқ крепдан уч қават бурмалар билан тикилган.

Нимча белдан пастроққача тушган оқ шойидан тикилган. Олди тарафдан икки томонида рельеф пастасида 5 тадан очилган пахталар учтадан барглари билан тасвирланган.

Лозим оқ крепдешиндан, жияк тутилган. Оёқ кийими оқ рангдаги ўртача пошналар туфли.

*Тақинчоғи-сирға.*

### ***Теримчи қизлар учун.***

Тўртбурчак дўппи, қора бахмалдан жияк тикилган.

Кўйлак узун, белбурмали, олтибел, кенг ва узун енгли, ёқаси қайтарилган хонатласдан тикилган. Нимчаси белдан пасти бир оз кенгайтирилган, енгсиз, қизил помбархитдан тикилган. Нимча жияклари зар ип билан тикилган.

Лозим хонатласдан, жияк тутилган. Оёқ кийими қизил, ўртача пошналар.

### ***I-қисм. “Пахта”***

#### **Фарғона қизлари ижро этади.**

*Муסיқа №1, муסיқа ўлчови 4/4.*

*66 такт.*

Пахтани тасвирловчи қизлар — 24 та, теримчилар — 6 та.

“Пахта” — 24 та ижрочининг ҳаммаси иккала тиззага ўтирган ҳолда, 6 тадан 4 қатор бўлиб шахмат тартибида.

Ижрочиларнинг қўллари пешона олдида “қўлибанд” ҳаракатида, эгилиб ўтирадилар, қўллар ерга, пешона эса қўлларга тегиб туради.

Муסיқанинг кириш қисми бошланган вақтда парда очилади.

Муסיқа чалинади.

Ижрочилар аста кўтарила бошлайдилар, ўнг томондан гавда тебрана бошлайди.

Гавда кенгроқ тебранади.

Қўллар пешона олдида, “гулбарги” ҳаракати - бармоқлар туширилган ҳолда бажарилади. Шу вақтнинг ўзида гавда ва бош ҳолати тўғриланади. Бармоқлар ҳам майинлик билан тўғриланиб, қўллар 2-ҳолат орқали 1-ҳолатга, кафтлар тепага қараган ҳолда очилади. Охириг санокқа қўллар яна аввалги, яъни пешона олдидаги ҳолатига қайтади.

7-10-тактлардаги ҳаракатлар тезлаштирилган ҳолатда қайтарилади.

11-12-тактлардаги ҳаракат қайтарилади, охириг санокқа чап қўл олдиндан белни қучади, ўнг қўл тирсақлар букилган ҳолда чап қўл тирсаги

***1-2-тактлар  
3-4-  
тактлар  
5-6-тактлар  
7-10-  
тактлар***

***11-12-  
тактлар  
13-14-  
тактлар***

устига бармоқлар туширилган ҳолда тушади, шу вақтнинг ўзида иккала оёққа ўтирилади.

**15-такт**

Ўнг қўл бармоқлари букилиб-очилич, 2-ҳолат орқали 1-ҳолатга, кафтлар юқорига қараган ҳолда очилади ва такт охирида бел олдида тушади, шу вақтда чап қўл бармоқлари ўнг қўл тирсаги устида бармоқлари билан очилади.

**16-такт**

15-тактдаги ҳаракат чап қўлдан бажарилади. Охирги саноққа қўллар туширилган бармоқлар билан 1- ва 2-ҳолатлар орқали “гулбарги” ҳаракатига пешона олдида қайтади, шу вақтда гавда ва бош тезда яна энгашади.

**17-18-тактлар**

Гавда ва бош аста-секин тўғриланади, шу вақтда қўллар билан бармоқлар ҳар бир саноққа букилиб-очилич, аста-секин 2-ҳолат орқали 1-ҳолатга — кафтлар юқорига қараган ҳолда очилади. Охирги саноққа қўллар чап томонга 5-ҳолатга очилади.

**19-20-тактлар**

Қўллар тезлик билан ўнг томонга 5-ҳолатдан озгина юқориноқ, кафтлар пастга қараган ҳолатга ўтказилади, шу вақтда ижрочилар тезда тиззага кўтариладилар. Сўнг қўллар бармоқ титратмаси билан аста-секин 6-ҳолатга, кафтлар пастга қараган ҳолатда келади. Ижрочилар яна оёқлари устига ўтирадилар.

**21-22-тактлар**  
**23-такт**

19-20-такт ҳаракатлари чап томонга бажарилади.

Бу ҳаракат ўтирган ҳолатда бажарилади. Гавда ва бош озгина олдинга эгилади. Бир вақтнинг ўзида қўллар 6-ҳолатдан сал пастроқда, “сув мавжи” ҳаракати бажарилади.

**24-такт**

Кафтлар бир-бирига яқинлашиб “косагул” ҳаракати орқали сув ичиш кўрсатилади, охирги саноққа қўллар кўкракка, ўнг қўл чап қўл устига қўйилади, гавда ва бош тўғриланади.

**25-26-тактлар**  
**27-28-тактлар**

Қўллар шу ҳолатда, ўнгга-чапга “тебраниш” ҳаракати бажарилади.

Қўллар ўнг томонга тезлик билан 5-ҳолатдан сал юқориноққа ўтказилади, кафтлар тирсаги пастга қараган ҳолатда, бир вақтнинг ўзида ижрочилар тиззаларига кўтариладилар, сўнг бармоқ титратмаси билан аста-секин кафтлар пастга қараган ҳолда 6-ҳолатга ўтказилади ва ижрочилар аста оёқлар устига ўтирадилар.

**29-30-тактлар**  
**31-такт**

27-28-такт ҳаракатлари чап томондан бажарилади.

Гавда ва бош озгина олдинга энгашади, бир вақтнинг ўзида қўллар 6-ҳолатдан пастроқда сувни сийпалаб (билаклар бир-бирига қараган ҳолда яқинлашиб, яна бир-биридан узоқлашади, бармоқлар тўғрига қараган бўлади).

**32-такт**

Кафтлар “косагул” ҳаракатида бирлашиб, сўнг, сув олиб, лабларга яқинлашади, Такт охирида кафтлар кўкракка (ўнг қўл чап қўл устида) қўйилиб, гавда ва бош тўғриланади.

**33-34-тактлар**  
**35-36-тактлар**

Қўл ҳолатини ўзгартирмаган ҳолда “тебраниш” ҳаракати (ўнгга, чапга) бажарилади.

Ижрочилар тезда тиззаларига турадилар. Бир вақтнинг ўзида чап қўл белни олдиндан кучади, ўнг қўл тезлик билан юқорига, сал олдинроққа кўтарилиб, кафт ўнг томонга қараган ҳолда, бармоқлар юқорига қараб “шамол” ҳаракати бажарилади. Гавда ва бош озгина чапга, юз ўнг қўл бармоқларига қарайди.

**37-38-  
тактлар**

Ижрочилар иккала оёққа ўтирадилар, бир вақтнинг ўзида гавда ва бош чап томонга, озгина олдинроққа энгашади. Ўнг қўл юзни беркитади, бармоқлар туширилади, чап қўл белда. Сўнг гавда аста-секин тўғриланади, ўнг қўл бармоқлари бурилиб-очиблиб 6- ҳолат орқали ўнг томонга ва ўзидан ташқарига бармоқларни айлантириш билан 1-ҳолатга келади; бош ўнг қўл ҳаракатини кузатиб боради.

**39-40-  
тактлар**

Ижрочилар тезда тиззаларига кўтариладилар, бир вақтда чап қўл белни олдиндан кучади; ўнг қўл тезлик билан юқорига, олдинроққа кўтарилиб “шамол” ҳаракати бажарилади; Гавда ва бош озгина чапга эгилган.

**41-42-  
тактлар**

Ижрочилар иккала оёқларига ўтирадилар. Бир вақтда гавда ва бош чапга, олдинроққа эгилади, ўнг қўл юзни беркитади, бармоқлар туширилган, чап қўл белда. Сўнг гавда секин-аста тўғриланади, ўнг қўл букилиб-очиблиб, 6-ҳолат орқали ўнг томонга урғу билан ўзидан ташқарига бармоқлари билан айланиб, 1-ҳолатга очилади, бош ўнг қўл ҳаракатини кузатиб боради.

**43-44-  
тактлар**

43-тактнинг “бир” саноғига қўллар пешона олдида “гулбарги” ҳаракатига келиб, бармоқлар туширилади. Гавда ва бош озгина олдинга энгашган: Сўнг гавда ва бош аста-секин тўғриланади, бир вақтда қўллар майин букилиб, урғу билан ҳар бир саноққа бармоқларни тўғрилаб, секин-аста 2-ҳолат орқали кафтлар юқорига қаратилиб 1-ҳолатга очилади. Охирги саноққа гавда ва бош тезлик билан олдинга эгилади.

**45-46-  
тактлар**

43-44-такт ҳаракатлари қайтарилади. Фақат охирги саноққа чап қўл бел кучиш ҳаракатига, ўнг қўл тирсак букилган ҳолда чап қўл тирсаги устида бармоқлари туширилган ҳолатга келади.

**47-такт**

Ўнг қўл бармоқлари букилиб-тўғриланиб, 2-ҳолат орқали кафт юқорига қараган ҳолда 1-ҳолатга очилади ва такт охирида олдинга “бел кучиш” ҳаракатига келади, шу вақтнинг ўзида чап қўл бармоқлари туширилган ҳолатда ўнг қўл тирсаги устига келади.

**48-такт**

44-такт ҳаракатлари чап қўлдан такрорланади. Такт охирида қўллар туширилган бармоқлар билан 1- ва 2- ҳолатлар орқали пешона олдида “гулбарги” ҳаракатига ёпилади, бир вақтнинг ўзида гавда ва бош тезда олдинга эгилади.

**49-50-  
тактлар**

Қўлларнинг бармоқлари ҳар бир саноққа шиддатлироқ ҳаракат билан тўғриланиб, сўнг туширилиб, аста-секин 2-ҳолат орқали 1-ҳолатга кафтлар юқорига қараган ҳолда очилади, бир вақтнинг ўзида гавда ва бош тўғриланади. Охирги саноққа ўнг қўл тирсаги озгина букилган ҳолда 6-1-ҳолат оралиғига, кафт юқорига қараган ҳолга келади, бармоқлар ярим мушт шаклига келиб пахта кўсаги тасвирланади; Чап қўл ўнг қўл тирсаги тагига кафт билан келади.

**51-такт**

Ўнг қўл билан “пахта очилиши” ҳаракати бажарилади; Билакларнинг шиддатлироқ ҳаракати билан бармоқлар аста-секин очилади, гавда ва бош озгина ўнг томонга қарайди.

**52-такт**

51-такт ҳаракатлари чап қўлдан қайтарилади, гавда ва бош озгина чап томонга қарайди.

**53-54-  
тактлар.**

51-52-тактларнинг ҳаракатлари такрорланади. Охирги саноққа қўлларнинг кафтлари юқорига қараган ҳолда биринчи ҳолатга очилади, бармоқлар ярим муштга йиғилиб пахта кўсаклари тасвирланади.

**55-56-  
тактлар.**

Гавда ва бош аста-секин ўнг томонга энгаша бошлайди, юз қарама-қарши томонга қарайди, сўнг гавда ва бош тўғриланади. Бир вақтнинг ўзида билаклар “пахта очилиши” ҳаракатини бажаради.

**57-58-  
тактлар.**

55-56-тактларнинг ҳаракатлари чапга энгашган ҳолда такрорланади. Охирги санокқа гавда ва бош тезда олдинга энгашади, бир вақтнинг ўзида қўллар туширилган, бармоқлар билан пешона олдида “гулбарги” ҳаракатига ёпилади.

**59-60-  
тактлар**

Гавда ва бош секин-аста тўғриланади, бир вақтнинг ўзида қўллар 2-ҳолат орқали, ҳар бир санокқа муддати билан билаклар букланиб, тўғриланиб аста-секин кафтлар юқорига қаратилиб, 1-ҳолатга очилади. Охирги санокда гавда ва бош тезда олдинга эгилади, қўллар туширилган, бармоқлар пешона олдида “гулбарги” ҳаракати билан ёпилади.

**61-62-  
тактлар**

59-60-тактларнинг ҳаракатлари такрорланади. Охирги санокқа ўнг тирсакни буккан ҳолда, кафт юқорига қаратилиб 6- ва 1-ҳолатлар оралиғига келади, кафт ярим мушт ҳолига келади; Чап қўл кафти ўнг қўл тирсаги тагига келади.

**63-такт**

“Пахта очилиши” ҳаракати ўнг қўлдан бажарилади; кафт шиддат билан ҳар бир санокқа бармоқларни очади, гавда ва бош озгина ўнг томонга қарайди.

**64-такт**

63-такт ҳаракатлари чап қўлдан қайтарилади, гавда ва бош салгина ўнг томонга қарайди. Охирги санокқа гавда ва бош тезда олдинга энгашиб, бир вақтнинг ўзида қўллар туширилган бармоқлар билан пешона олдида “гулбарги” ҳаракатига ёпилади.

**65-66-  
тактлар**

Гавда ва бош тўғриланади, бир вақтнинг ўзида қўллар 2-ҳолат орқали кафтлар юқорига қараган ҳолда очилиб, бармоқлар ярим мушт билан ёпилади.

## **2-қисм “Зафар”**

*Муסיқа №2, муסיқа ўлчами 4/4.*

*79 такт*

А. Пахтани тасвирловчи ижрочилар учун ҳаракатлар.

79 тактга мўлжалланган барча ҳаракатлар “пахта”ни тасвирловчи 24 ижрочи ва 6 теримчи қиз томонидан бир вақтнинг ўзида ижро этилади. Теримчи қизларнинг ҳаракатлари алоҳида берилади.

**1-2-  
тактлар**

Ижрочилар (биринчи қисмдаги каби) ҳар бир қаторда 6 тадан 4 қатор бўлиб, шахмат тартибида иккала оёқ устида ўтирадилар. 1-тактда гавда ва бош ўнгга майин, 2-тактда чапга энгашади; Юз қарама-қарши томонга қарайди. Бир вақтнинг ўзида қўллар “пахта очилиши” ҳаракатини бажаради. Ҳар бир санокқа билаклар шиддат билан бармоқлар очилишига ёрдам беради. Охирги санокқа чап қўл белни қучади, ўнг қўл чап қўл тирсаги устига бармоқлари туширилган ҳолатда келади.

**3-4-  
тактлар**

Ўнг қўлнинг билагини шиддат билан очилиб, майин букилади. 2-ҳолат орқали, 1-ҳолатга очилиб, билак ташқарига айлантирилиб ҳаракат тугалланади.

**5-6-  
тактлар**

3-4-тактларнинг ҳаракатлари чап томонга чап қўл билан такрорланади.



- 7-такт** “Қийғир бүйин” ҳаракати бажарилади.
- 8-12-тактлар** 3-4-тактларнинг ҳаракатлари такрорланади, охирги саноққа чап қўл белни кучади, ўнг қўл 1 - ҳолатга очилади.
- 13-15-тактлар** Ижрочилар тезда тиззаларига турадилар ва шу заҳоти чап томонга, сал олдинроққа энгашадилар. Чап қўл бел кучишда, ўнг қўл бармоққа туширилган ҳолда 2-ҳолат орқали юзга туширилиб, 6-ҳолат орқали 1-ҳолатга очилади. Охирги саноққа чап қўл ўнг қўл каби 1 -ҳолатга очилади.
- 16-17-тактлар** Қўллар 1-ҳолатда тўлқинли ҳаракат бажарилади, гавда ва бош ўнгга, чапга энгашади, юз қарама-қарши томонга қарайди. Охирги саноққа иж-рочилар иккала оёққа ўтирадилар.
- 18-22-тактлар** 13-17-тактларнинг ҳаракатлари қайтарилади. Охирги саноққа гавда ва бош олдинга энгашади, бир вақтнинг ўзида туширилган бармоқлар билан пешона олдига “гулбарги” билан энгашилади.
- 23-26-тактлар** Гавда ва бош секин-аста тўғриланади, бир вақтнинг ўзида қўллар бар-моқларни қирсиллатиб 2-ҳолат орқали 1- ҳолатга очилади ва билак айла-ниши билан ҳаракат тугалланади.
- 27-28-тактлар** 1-тактда гавда ва бош ўнгга, 2-тактга чапга энгашади, юз қарама-қар-ши томонга қарайди. Шу вақтнинг ўзида қўллар 1-ҳолатда бармоқлар ҳар бир тактда икки мартадан бармоқ қирсиллатиш ҳаракатини бажаради.
- 29-30-тактлар** Ижрочилар ўнг тиззадан кўтарила бошлайдилар, чап оёқ ўнг тизза ол-дида, қўллар 1-ҳолатда, бармоқ қирсиллатиш давом эттирилади.
- 31-такт** Ўнг қўл олдиндан чап қўл орқадан “бел кучар” ҳаракатига келади, бир вақтнинг ўзида ижрочилар туриб оладилар, оёқлар 2 -ҳолатда (ўнг оёқ чап олдида кўндаланг) туради.
- 32-35-тактлар** Ҳаракат жойида бажарилади. Ўнг оёқдан “ён йўрға” ҳаракати билан 4 марта айланилади, қўллар “бел кучар” ҳолатида.
- 36-такт** Ижрочилар яна иккала оёқларига ўтирадилар ва қўллар 1-ҳолатга очилади.
- 37-40-тактлар** Ижрочилар ўнг ва чап томонга “тебраниш” ҳаракатини бажаради, бош қарама-қарши томонга қарайди, қўллар 1-ҳолатда бармоқлар қирсиллатиб турилади.
- 41-42-тактлар** 1 та тактга ижрочилар тиззаларига кўтариладилар, шу вақтнинг ўзида қўллар юз олдида “қўлибанд” ҳаракати билан ёпилади, бош олдинга энга-шади; 2 такт тиниш.
- 43-44-тактлар** Ижрочилар секин-аста иккала оёққа ўтирадилар; қўллар секин-асталик билан 6-ҳолат даражасигача туширилади, бош секин тўғриланиб “қийғир бүйин” ҳаракати бажарилади.
- 45-50-тактлар** “Йирик тўлқин” ҳаракати бажарилади: “бир-икки”га 6-ҳолат орқали бар-моқлар туширилиб, майин, 5-ҳолатга ўнг томонга ўтказилади. Қўлдаста-лар сал букилиб, ҳаракат чап томонга бажарилади.
- 51-52-тактлар** 1-тактга ижрочиларнинг тиззалари кўтарилади, бир вақтнинг ўзида қўллар “қўлибанд” ҳаракатига юз олдига ёпилади, бош олдинга энгашади; 2 такт тиниш.
- 53-54-тактлар** Ижрочилар секин-аста иккала оёқларига ўтирадилар: қўллар шу ҳолатда ма-йин 6-ҳаракат даражасига туширилади, гавдага яқинлаштирмасдан бош секин-аста тўғриланади, бир вақтнинг ўзида “қийғир бүйин” ҳаракати бажарилади.

- 55-60-тактлар** “Бир-икки”га қўллар 6-ҳолат орқали, қўлдасталарни тушириб, майинлик билан ўнг томонга 5- ҳолатга ўтказилади, сўнг ҳаракат чап томонга такрорланади, “тез”, “йирик тўлқин” ҳаракати.
- 61-63-тактлар** Ҳамма ижрочилар расмий ҳолатда туриб оладилар. Бир вақтнинг ўзида қўллар туширилган, қўлдасталар билан “гулбарги” ҳаракатида бармоқ қирсиллатилиши билан 2-ҳолат орқали 1-ҳолатга очилади. Охирги саноққа ўнг қўл олдидан белни кучади, чап қўл 1-ҳолатда қолади.
- 64-такт** Жойида ўнг томонга ўнг оёқ учида ўнг қўл тезлик билан 2-ҳолатга (3-қўл ҳолати) чиқиб тўлиқ айланиш; такт охирида ўнг қўл кафт терси билан бағбақа тагига (орасида озгина масофа қолади) келади.
- 65-68-тактлар** 1-2-3—тактлар ўртасидан 2 тадан ижрочи ўнг елка билан саҳна маркази томон, 6 қиррали “юлдузча” тасвирига келишади. Соат мили бўйича оёқ ҳаракати “ён йўрға”, қўл ҳаракати “бағбақа силаш” (ўнг қўл бағбақа тагидан қўлдаста терси майинлик билан силаниб ўтиб, 1-ҳолатга келади). Қолган “пахта” ижрочилари ҳаракатларни бажариб, катта умумий доирага, соат миллари ҳаракати бўйича келадилар.
- 69-такт** “Юлдузча” тасвиридаги 6 та ижрочи ўнг оёқ учида ўнг томонга айланади, шу вақтнинг ўзида ўнг қўл 1-ҳолат орқали 2-ҳолатга келади (3-қўл ҳолати) ва юз билан айлана бўйича қолинади. Охирги саноққа “юлдузча” тасвиридаги ижрочилар бир-бирларининг елкаларига кафтларини 1-ҳолатда қўядилар. Қолган 4 ижрочи айлана бўйлаб ўнг томонлари билан бурилиб, қўлларини ушлаб оладилар.
- 70-73-тактлар** Айлана бўйлаб ҳаракатлар: “юлдузча” тасвиридаги ижрочилар соат милларига қарши томонга қарши кичик айлана бўйлаб катта айланадилар, соат миллари бўйича ўнг оёқ билан, “ён йўрға” билан, қўллар ўша ҳолатда; бош 1 та тактга олдинга эгилади.
- 74-76-тактлар** 70-73-тактларнинг ҳаракатлари такрорланади. “Юлдузча” тасвиридагилар яна битта айлана бўйлаб, катта айланадагилар ҳам яна битта айланиш қилиб келадилар.
- 77-такт** Катта айланадаги қизлар оддий қадамлар билан саҳна марказига айлани кичрайтириб келадилар: қўллар аввалги ҳолатида, гавда ва бош тўғрига қаратилган. “Юлдузча” тасвиридагилар жойларида қоладилар.
- 78-79-тактлар** Ҳамма ижрочилар (катта айлана ва “юлдузча”дагилар) ўнг оёқларини 4-ҳолатга, оёқ учига қўядилар; Сўнг ҳамма аста-секинлик билан орқага энгаша бошлайди, бош ўнгга қараган ҳолда, қўллар аввалги ҳолатда.
- Б. Теримчилар ҳаракатларини тасвирловчи ижрочилар учун ҳаракатлар. 79 тактга мўлжалланган ҳаракатлар “пахта”ни тасвирловчилар билан ижро этилади.
- 1-2-тактлар** Чиқиш. Саҳнанинг чап томондаги пардаси орқасидан битта ижрочи қувончли, оддий қадамлар билан 3 - ва 4-қаторлар орасидан юриб келади, кейин 3 -қатордаги 5-қиз орқасида томошабинга қараб, 6-ҳолатда қарсак чалиб, қўллар расмий ҳолатда қолади. Қиз диққат билан “очилган пахта”ларга қарай бошлайди.
- 3-5-тактлар** “Теримчи” қия йўналиш бўйича саҳна марказига “расмий уфори” оёқ ҳаракати билан ўнг оёқдан бошлаб, қўллар “бағбақа силаш” (чап қўл 1-

ҳолатда), ўнг қўл қўлдаста терси билан бағбақа тегидан силаниб ўтиб, 1-ҳолатга очилади, сўнг ҳаракат чап қўлдан қайтарилади; шу вақтнинг ўзида “теримчи” атрофидаги “пахта”ларга қарайди. 5-такт охирида қиз саҳна марказида 2-,3-тактлар орасида томошабинга қараб тўхтайди. Охирги саноққа чап қўл олдиндан белни кучади, ўнг қўл 6-ҳолатга, кафти ўзига қаратилиб, бармоқлар чапга қарайди.

**6-такт** Жойида. Оёқ учида озгина қадам қўйиб ўнг томонга бир айланиш; ўнг қўл олдиндан тезлик билан 1-ҳолат орқали 2-ҳолатга кўтарилади.

**7-такт** 6-такт ҳаракати орқадан такрорланади; ўнг қўл 1-ҳолат орқали олдиндан бел кучади, чап қўл 2-ҳолатга кўтарилади.

**8-11-тактлар** “Теримчи” 2 та тактга саҳна олд қисмига, 1-қаторнинг 4-5- “пахта” ижрочилари ўртасига, томошабинга ўнг оёқдан “расмий уфори” ҳаракати билан қараб келади, 11-тактда “теримчи” чап тиззасига ўтиради ва қўллар 1-ҳолатга келади.

**12-такт** “Қийғир бўйин” ҳаракати бажарилади, охирги саноққа ўриндан туради, қўллар 1-ҳолатда.

**13-такт** Ижрочи ўнг томонга чорак қисм қайрилиб, чап елкаси билан томошабин томонга “пахта”ларнинг 1-, 2-қаторлари орасидан саҳнанинг ўнг томонидаги 1-пардаси томон “расмий уфори” билан келади, қўл ҳаракати — “новда эгилиши” (бармоқ қирсиллатиш билан ўнг томондан 3-ҳолат, чап томонга 3-ҳолатга майинлик билан ўртада.)

**14-такт** Ўнг оёқ учида жойида туриб битта айланади, 6-ҳолатда тўхтайди, чап оёқ учида, ўнг қўл юқорида 3-ҳолатда.

**15-такт** Ижрочи қўлдастани лабига яқинлаштиради (дугоналарини чақиритиш мақсадида) такт охирида қўллар 6-ҳолатдан салгина юқорида туради, чап қўлнинг тирсаги озгина букилган, кафт юқорига қараган ҳолатда бўлади.

**16-17-тактлар** Қўлдасталар букилиб, қўллар чап томонга 5-ҳолатдан сал чапроққа ўтказилади. (пахта теришга чақирилади.)

**18-такт** “Теримчи” ўнгга ярим айланиш қилиб, саҳнанинг чап томонидаги охирги парда томонга “расмий уфори” ҳаракати билан “пахта”ларнинг 4-қатордаги 5-ижрочи олдида томошабинга ўнг елка билан қолади.

**19-22-тактлар** 14-17-тактлар ҳаракатлари чап томонга чап оёқ учида айланиш билан такрорланади. Охирги такт сўнгида қўллар ўнг томонга 5-ҳолатнинг сал пастроғига ўтказилиб, бир вақтнинг ўзида ижрочи ўнг томонга ярим айланиш қилиб, томошабинга чап елка билан қолади.

**23-24-тактлар** Қолган 5 та “теримчи”нинг чиқиши: ижрочилар саҳна ўнг томонининг ҳар бир пардаси орқасидан 1 тадан ва чап томондаги 1- ва 2- парда орқасидаги “пахта” қаторлари орқасидан бир-бирларига қараб, яқинлашмасдан тўхталади, сўнг томошабинга қараб 2 та пастки бурчакка саҳна орқа томони йўналишида 2 та қия йўл билан ҳаракат қилинади.; Энг биринчи чиққан “теримчи” чап томондаги қия йўлга ўтиб олади. Оёқ ҳаракати “расмий уфори”, қўл ҳаракати “бағбақа силаш”, ўнг оёқ ва ўнг қўлдан бажарилади. Охирги саноққа ҳамма теримчилар “пахта” ҳаракатини 6-ҳолатда бажаради.

**25-такт** Ҳаракат жойида бажарилади; оёқ 6-ҳолатда, ўнг оёқ билан урғу берилади, шу вақтнинг ўзида қўллар “новда эгилиши” ҳаракатини бажаради (ўнгга, чапга).

## **26-такт**

Ҳамма теримчи ўнг оёқ учидан ўнг томонга айланади; Қўллар 3-ҳолатга (ўнг қўл юқорида) ўтади.

Ижрочиларнинг ўтиш тартиби: 1-теримчи чапга қайрилиб соат мили йўналиши бўйича 1-қатор “пахта”ларнинг 3-ва 2- қизларини айланиб ўтади.

2- “теримчи” ўнг томонга қайрилиб соат милига қарама-қарши йўналишда 1 - қаторнинг 4-5-қизларини айланиб ўтади. 3-“теримчи” ўнг томонга айланиб соат мили бўйича 3-қаторнинг 1- ва 2- қизларини айланиб ўтади; 4-“теримчи” чапга айланиб соат милига қарама-қарши йўналиб 3-қаторнинг 6-ва 5- қизларини айланиб ўтади. 5-“теримчи” ўнгга қайрилиб соат мили йўналиши бўйича 4-қаторнинг 3-ижрочисини айланиб ўтади; 6-“теримчи” чапга қайрилиб соат милига қарама-қарши йўналишда 4-қаторнинг 5- ижрочисини айланиб ўтади. Охирги тактнинг сўнгида “теримчилар” кичкина айлана ҳосил қилиб айлана марказига қараб қоладилар, оёқлар расмий ҳолатда, айлана марказида “пахта”ларнинг 2-қаторидаги 4-ижрочи қолади.

## **30-такт**

Жойида. Оёқлар 2 - ҳолатга келади, ўнг оёқ чап оёқ олдида кўндаланг, бир тактнинг ўзидан ўнг қўл олдиндан белни кучади, Чап қўл 1-ҳолатда қолади.

## **31-такт**

Ўнг оёқ учидан ўнг томонга айланиш, ўнг қўл кескин ҳаракат билан 6-, 1- ҳолатлар орқали 2-ҳолатга кўтарилади. (3-ҳолат). Охирги санокқа “теримчилар” қўлларини 1-ҳолат даражасида ушлайдилар, юзлари айлана йўналиши бўйича қарайди.

## **32-35-**

## **тактлар**

## **36-38-**

## **тактлар**

“Теримчилар” чап оёқдан “расмий уфори” ҳаракати билан соат мили йўналиши бўйича айлана бўйлаб юрадилар, қўл ҳаракати ўзгармайди.

“Теримчи”лар яна айланадан аввалги 2 та қия йўлга тарқалишиб кетадилар (ўнг қия йўл ўнг бурчакдан саҳна орқасигача, чап қия йўл чап бурчакдан саҳна орқасигача). Ҳамма ижрочилар кетаётган томонларига қараб кетадилар.

*Ҳаракатлар тартиби:*

1-“теримчи” ўнгга қайрилиб, “пахта” ларнинг 1-қатордаги 3-, 2-ижрочисини соат мили йўналиши бўйича айланиб ўтади;

2-“теримчи” чапга қайрилиб, “пахта”ларнинг 1-қатордаги 4-, 5-ижрочиларини соат милининг йўналишига қарши томонга айланиб ўтади; 3-“теримчи” ўнгга қайрилиб, соат мили йўналиши бўйича “пахта”ларнинг 2-қатордаги 3-, 2- ижрочиларини айланиб ўтади; 4-“теримчи” чапга қайрилиб, соат милига қарама-қарши томонга “пахта”ларнинг 2-қатордаги 5-, 6-ижрочисини айланиб ўтади; 5-“теримчи” чапга қайрилиб, соат мили бўйича “пахта”ларнинг 3-қатордаги 3-, 2-ижрочиларини айланиб ўтади;

6-“теримчи” ўнгга қайрилиб соат милига қарши “пахта”ларнинг 3-қатордаги 4-, 5- ижрочиларини айланиб ўтади.

Оёқ ҳаракати ўнг оёқдан бошлаб, “расмий уфори”; қўл ҳаракати “бағбақа силаш”, ўнг қўлдан ва чап қўлдан. Охирги санокқа ҳамма “теримчи”лар томошабинга қараб қайрилиб, оёқлар 2 - ҳолатга, ўнг оёқ чап оёққа кўндаланг келади. Қўллар 1-ҳолатда.

## **39-такт**

Оёқлар ҳолатини ўзгартирмайди; ўнг қўл олдиндан белни кучади, чап қўл 1- ҳолатда қолади.

**40-такт**

Жойида айланиш: ҳамма “теримчи” ўнг томонга ўнг оёқ учида — тўлиқ айланиш бажарилади, ўнг қўл 2-ҳолатга кескин кўтарилади (3-қўл ҳолати).

**41-42-  
тактлар**

Оёқлар 2-ҳолатда, ўнг оёқ чап оёққа кўндаланг. Қўллар туширилган қўлдаста терси билан бағбақага яқинлашади, сўнг 6-, 1-, 2-ҳолатлар орқали юз олдида “қўлибанд” ҳаракатига ёпилади ва бош олдинга эгилади. Охирги санокқа тиниш.

**43-44-  
тактлар**

Ҳамма “теримчи” “қийғир бўйин” ҳаракатини бажариб туриб, бошларини кўтаради, қўллар ўша ҳолатдан 6-ҳолат даражасига тушади—гавдадан узоқроқда.

**45-49-  
тактлар**

Ҳамма “теримчи” “расмий уфори” ҳаракати билан “пахта”ларнинг 2-қатори ўртасига йўналиш бўйича қараб келади. Чап қўл билан этакни ушлаб, ўнг қўл билан “пахта териш” ни тасвирлайди (пахта териш этакка солинади). Гавда ва бош озгина олдинга эгилган.

*Ҳаракатлар тартиби:*

1-“теримчи” чапга қайрилиб, соат мили бўйича “пахталар”нинг 1-қаторидаги 3-, 2-ижрочиларини айланиб ўтади;

2- “теримчи” ўнгга қайрилиб, “пахталар”нинг 1-қатордаги 4-, 5-ижрочини соат милига қарши йўналишида айланиб ўтади; 3-“теримчи” ўнгга қайрилиб, соат мили бўйича “пахта”ларнинг 3 қаторидаги 1-, 2-ижрочиларини айланиб ўтади; 4-“теримчи” чапга қайрилиб, соат милига қарши йўналишда 3-“пахта” қаторидаги 6- ва 5-ижрочиларни айланиб ўтади;

5-“теримчи” ўнгга қайрилиб, соат мили бўйича “пахта”ларнинг 4-қатордаги 3-ижрочини айланиб ўтади;

6-“теримчи” чапга қайрилиб, соат милига қарши йўналиш бўйича 4-қатордаги 5-ижрочини айланиб ўтади. Охирги тактнинг сўнгида “теримчи”лар кичкина айлана ҳосил қилиб, айланага қараб, оёқлар расмий ҳолатда қолади. “Теримчи”лар айланмаси марказида, “пахта”лар 2-қаторининг 4-ижрочиси қолади.

**50-такт**

Этакни икки қўл билан ушлаб, “теримчи”лар, пахта тўкиш ҳаракатини бажарадилар. Охирги санокқа “теримчи”лар тезда томошабинга бурилиб оладилар.

**51-53-  
тактлар**

Айлананинг ўнг томонидаги 3 та “теримчи” ўнг томонга, ўнг оёқ билан оддий қадам билан айланади, шу вақтда айлананинг чап томонидаги 3 та “теримчи” чап томонга чап оёқ билан айланади. Кейин ҳамма “теримчи” сахнанинг пастки бурчакларидан сахна орқасигача 2 та қия йўлга тарқалиб кетади. Қўллар 1- ва 2- ҳолатлар орқали юз олдида “қўлибанд” ҳаракатига ёпилади, бош секингина олдинга эгилади. Ўтиш тартиби: тоқ сонли “теримчи”лар ўнг томонга қайрилиб, ўнг қия йўл билан юриб, томошабинга қараб битта айланиш билан оёқлар расмий ҳолатда қолади. Жуфт сонли “теримчи”лар чап томонга қайрилиб, чап қия йўл бўйича қараб бориб, томошабинга қараб битта айланиш билан оёқлар расмий ҳолатда қолади.

**54-такт**

Қўллар ҳолатини ўзгартирмасдан, 6-ҳолат даражасига тушириб бош аста-секин тўғриланиб “қийғир бўйин” ҳаракати бажарилади.

**55-59-  
тактлар**

“Расмий уфори” оёқ ҳаракати билан ҳамма “теримчи” “пахта”ларнинг 2-қаторининг ўртасига келади. Чап қўл кўйлак этагини ушлайди, ўнг қўл

пахта теримини тасвирловчи ҳаракат қилади, гавда ва бош озгина олдинга эгилади.

*Ўтиш тартиби:*

1-“теримчи” чапга қайрилиб, соат мили бўйича “пахта” 1- қаторининг 3-, 2- ижрочиларини айланиб ўтади;

2-“теримчи” ўнгга қайрилиб, соат милига қарши “пахта” 1-қаторининг 4-, 5- ижрочиларини айланиб ўтади;

3-“теримчи” ўнгга қайрилиб, соат мили бўйича “пахта” 3-қаторининг 1-, 2-ижрочиларини айланиб ўтади;

4-“теримчи” чапга қайрилиб, соат милига қарши “пахта” 3-қаторининг 6-, 5-ижрочиларини айланиб ўтади;

5-“теримчи” ўнгга қайрилиб, соат мили бўйича “пахталар” 4-қаторининг 3-ижрочисини айланиб ўтади;

6-“теримчи” чапга қайрилиб, соат милига қарши “пахталар” 4-қаторининг 5- ижрочисини айланиб ўтади.

Сўнгги такт охирида “теримчи”лар кичкина айлана ҳосил қилиб, айланага қараб қолади, оёқ расмий ҳолатда. “Теримчилар” айланасининг марказида “пахталар” 2- қаторининг 4-ижрочиси қолади.

**60-такт**

“Теримчилар” иккала қўл билан этакни ушлаб пахтани тўкишни тасвирловчи ҳаракатни бажаришади. Охирги саноққа “теримчилар” тезда томошабин томонга қараб, оёқлар расмий ҳолатда, қўллар 3-ҳолатда, ўнг қўл юқорида қолади.

**61-62-**

**тактлар**

“Теримчилар” айланаси 1 та тўғри чизиққа очилиб, саҳна олдида йўналиш бўйича қараб, “пахталар” орасидан югуриб ўтадилар. Оёқ ҳаракати “расмий уфори”, ўнг оёқдан бошланади, қўл ҳаракати “узум узиш”.

**63-64-**

**тактлар**

“Расмий уфори” ҳаракати билан “теримчилар” саҳна олдида келиб, катта оралиқ масофада туриб, қўллар “новда эгилиш” ҳаракатини бажаради. Охирги саноққа оёқлар расмий: чап қўл белни олдиндан қучади, ўнг қўл 6-ҳолатда, кафти ўзига қараган, бармоқлар чапга.

**65-такт**

Ўнг оёқ учида ўнг томонга бир айланиш, шу вақтда ўнг қўл зарб билан 1-ҳолат орқали 2-ҳолатга кўтарилади, чап қўл белда қолади.

**66-такт**

**67-68-**

**тактлар**

Чап оёқ учида чапга бир айланиш, шу вақтда ўнг қўл олдиндан белни қучади, чап қўл 6-, 1-ҳолатлар орқали зарб билан 2- ҳолатга кўтарилади. 65-66-тактларнинг ҳаракатлари такрорланади.

**69-такт**

Ўнг оёқ учида ўнг томонга жойида бир яримта айланиш, томошабинга орқаси билан қолади, ўнг қўл зарб билан 6-, 1-ҳолатлар орқали 2-ҳолатга чиқади.

**70-73-**

**тактлар**

“Хирмон”га пахта йиғиш тасвирланади. “Теримчилар” ён юриш билан ярим айланага соат милига қарши юришади. (“пахта” 2 та айланада, катта ва кичик “пахталар” “теримчи”лар атрофидан ўтади). Оёқ ҳаракати “расмий уфори”, ўнг оёқдан бошлаб юрилади. Қўллар ҳар бир тактнинг «бир» саноғига расмий ҳолатдан урғу билан юқорига кўтарилади, пахталарни ташлаётгандек “икки” саноғига расмий ҳолатга қайтадилар; “уч — тўрт”га ҳаракат қайтарилади. Чап пастки бурчакдаги “теримчи” юришни бошлайди, унинг ортидан қолганлари кетади.

**74-76-  
тактлар**

“Теримчилар” ярим айланадан ўтганларидан кейин, яна ён юриш билан саҳна олдига келадилар, томошабинга орқалари билан қолади. Оёқ ҳаракати “расмий уфори”, қўллар 3-ҳолатда, чап қўл юқорида. Охириги санокқа ўнгга қайрилиб, томошабинга қараб, оёқлар расмий ҳолатга келади, қўллар 1-ҳолатга очилади.

**77-такт**

Ҳаракат жойида “бир-икки” га оёқлар 2-ҳолатга ўтказилади, ўнг оёқ чап оёқ ёнида кўндаланг. Ўнг қўл белни олдида кучади, чап қўл 1-ҳолатда қолади.

**уч  
тўрт**


Ўнг оёқ учида, ўнг томонга жойида 1 та айланиш ва “теримчи”лар чап тиззага ўтирадилар, ўнг оёқ чап тизза ёнига тўлиқ келади. Шу вақтда қўллар 2-ҳолат орқали кафтлар билан ўнг тиззага тушади, ўнг кафт чап кафт устида, бармоқлар ён томонга йўналган.

**78-такт**


“Теримчи”лар турадилар, оёқлар 2-ҳолатга, ўнг оёқ чап оёққа кўндаланг; шу вақтда қўллар “гулбарги” 6-ҳолатда, бармоқлар қирсиллатиши билан, олдиндан 2-ҳолатга ва 1-ҳолатга очилади; такт якунида ўнг қўл олдиндан белни кучади, чап қўл 1-ҳолатда қолади.

**79-такт**


“Ён йўрға” ҳаракати билан жойида ўнг томонга ўнг оёқ билан 2 марта айланиш, қўллар ўзгармайди.




1- ҚИСМ. 1-66 ТАКТЛАР




2- ҚИСМ. «А», «Б». 23-26 ТАКТЛАР




2- ҚИСМ. «А», «Б». 32-40 ТАКТЛАР



2- ҚИСМ. «А», «Б». 1-22 ТАКТЛАР




2- ҚИСМ. «А», «Б». 27-31 ТАКТЛАР




2- ҚИСМ. «А», «Б». 41-50 ТАКТЛАР







2- ҚИСМ. «А», «Б». 51-54 ТАКТЛАР




2- ҚИСМ. «А», «Б». 61-64 ТАКТЛАР




2- ҚИСМ. «А», «Б». 65-68 ТАКТЛАР  
(ТУГАШИ.)




2- ҚИСМ. «А», «Б». 55-60 ТАКТЛАР




2- ҚИСМ. «А», «Б» 65-68 ТАКТЛАР  
(БОШЛАНИШИ)




2- ҚИСМ. «А», «Б» 69 ТАКТ



2- ҚИСМ. «А», «Б». 70-73 ТАКТЛАР



2- ҚИСМ. «А», «Б». 74-76 ТАКТЛАР



2- ҚИСМ. «А», «Б». 77-79 ТАКТЛАР



## “МУНОЖОТ”

“Муножот” рақсининг лирик қаҳрамони юлдузлар билан сўзлашаоладиган, турмуш қийинчиликларини ғолибона енгиб ўтаётган мағрур инсондир.

**Халқ чолғу асбоблари дастаси жўрлигида ижро этилган**

*Либос:*

Тўртбурчак дўппи, кўк духобадан тикилган. Чети қора духоба билан тикилган. Тиллақош. Дурра 2 метр, оқ ҳарир матодан 2 қават қилиниб, дўппига буриб тикилган. Кўйлак қора тўрдан, ён томони бўксагача майда тўр гафре қилиб тикилган, енглари узун, тор. Кўйлак ичида енгсиз целондан ички кўйлак. Туфли сариқ, ялтироқ, ўрта пошнали.

*Тақинчоқлар:* зирак, зебигардон.

## ҲАРАКАТЛАР

### 1-шакл

*Муסיқа №1, муסיқа ўлчови 4/4. 10 такт.*

**1-8-  
тактлар**

Чиқиш. 7 такт муסיқа чалинади. 8-тактга чап томондаги 2-парда орқасидан ижрочи томошабинга чап елка билан чиқади, чап қўл дурранинг четини ушлайди. Ўнг қўл расмий ҳолатда. Юз томошабинга қаратилган. Юришда давом этади. Қўлни ёнга бир оз очади. Охирги саноққа чапга қайрилиб, томошабинга тўғри қараб, салом беради: оёқ расмий ҳолатда, қўл 1-ҳолатдан 6 - ҳолатга ҳамда кўкракка яқинлашади. Кафт юрак устида. Бир вақтда олдинга майин эгилади.

**9-такт  
10-такт**

Гавда ва бош аста-секин тўғриланади.

Гавда у томондан бу томонга, бошга қарама-қарши тебранади.

### 2 шакл

*Муסיқа №2, муסיқа ўлчами 4/4. 18 такт*

**1-такт  
бир  
икки**

А. Ижрочи қия йўлга қараган ҳолда қия йўл бўйича ўнг пастки бурчакка қараб юради.

Битта тўхтаб юриш ўнг оёқдан: “бир” саноғига ўнг оёқ тўлиқ олдинга қўйилади, чап оёқ тиззаси букилиб, товон ердан узилади. Қўллар битта ичкарига айлангириш билан 6-ҳолатга олиб келинади, кафт юқорига қарайди, тирсак букилган; “икки” саноғига чап оёқ букилган тизза билан жойидан бир оз сурилади, гавда ҳам бир оз олдинга интилади. Ияк кўтарилади. Охирги чорагида бир оз тўхтаб турилади.

**уч  
тўрт**

Чап оёқда “расмий уфори”, қўл ўзгармайди.

**2-4-  
тактлар  
5-такт**

1-такт 3 марта қайтарилади, қўл 6-ҳолатда, кафтлар юқорига қарайди, тирсаклар букилган. Томошабинга юзланган ҳолатда қолинади. Оёқ 6- ҳолатда.

**бир, икки  
уч  
тўрт**

Жойида. Чап қўл 1-ҳолатда, ўнг қўл 1 - ва 6-ҳолатлар ўртасида, кафт юқорига қараган, бармоқлар бўш қўйилган.

Ўнг қўл орқаси билан юз беркитилади. Гавда ва бош бир оз олдинга эгилади.

**6-такт**

Б. Қия йўл бўйича саҳна орқасининг марказига айланиш билан юрилади.

**7-8-  
тактлар  
9-такт  
бир**

2 та “расмий уфори” билан ўнг оёқдан тўлиқ айланади. Қия йўлда қўллар 3-ҳолатда, ўнг қўл тепада.

6-тактдаги ҳаракат 2 марта қайтарилади. Саҳна орқасининг ўртасида томошабинга қараб қолинади, оёқ расмий ҳолатда.

Ҳаракат саҳна орқасининг ўртасида бажарилади.

**икки**

Ўнг оёқдан ўнг томонга ярим айланиш билан, томошабинга орқа билан қолинади.

Чап оёқ расмий ҳолатда, ўнг оёқ ёнига қўйилади. Қўл расмий ҳолатда.

**уч, тўрт**

Қўл 1-ҳолатга қўтарилади. Тўлқинсимон ҳаракат қилиб, 2-ҳолатга олиб ўтилади, бармоқларни чалиштириб, ўнг қўл кафти чап қўл кафтига қарайди (“ғунча”).

**10-такт**

Оёқлар расмий ҳолатда, қўллар ҳолати ўзгармайди. Гавда ўнгга, чапга тебранади, бош орқага ташланади. Юз бармоқларга қарайди.

**11-такт**

В. Саҳна орқасининг ўртасида томошабинга орқа билан қолади.

**бир, икки**

“Нуқтали юриш” ҳаракати.

Ўнг оёқ учи билан орқага қадам ташланади, тиззалар бўш қўйилган.

Ўнг оёқ бирдан қўтарилиб, бир оз жойидан жилиб, яна тўлиқ ерга қўйилади.

**уч, тўрт**

Ҳаракат чап оёқдан қайтарилади. Қўллар “ғунча” ҳолатида.

**12-такт**

11-такт қайтарилади.

**13-такт**

2 та “расмий уфори” ўнг оёқдан. Қўллар ёнга очилиб кафтлар юқорига қарайди. Саҳна ўртасида томошабинга орқа билан туради, оёқ расмий ҳолатда, бош орқага ташланган.

**14-15-**

Ижрочи гавдани у ёндан бу ёнга тебратади. Охирги санокда оёқ 2-ҳолатга келади. Ўнг оёқ чап оёқ ўртасида.

**тактлар**

**16-17-**

Жойида. “Яримқайчи” билан ярим айланиш: ҳар бир тактнинг “бир” санокига ўнг оёқ учи ўнгга қўйилади. “Икки”га ўнг оёқ товони ва чап оёқ учи ўнгга қўйилади, “уч-тўрт”га ҳаракат қайтарилади. Қўллар аста-секин белни кучади. Ўнг қўл олдинда. Гавда ва бош ўнг қўлни кузатади. Томошабинга юз билан қарайди, оёқ 2-ҳолатда, ўнг оёқ чап тўпиқ ўртасида. Охирги санокқа “гулбарги” ҳолатига келади. Кўкрак олдида кафт ичкарига қарайди.

**тактлар**

**18-такт**

Оёқ 3-ҳолатга бурилади, чап оёқ учи билан қўйилган. Чап қўл расмий ҳолатга тушади. Ўнг қўл кескин тепага қўтарилади. Кафт ўнгга қарайди, бош орқага ташланади. Юз ўнг қўлга қарайди.

**бир**

**и к к и , у ч ,  
тўрт**

Шу ҳолатда турилади. Ўнг қўл “гулбарги”дан эгилиб- букилиб майда тўлқинсимон ҳаракат қилади.

### **3-шакл**

*Муסיқа №3, мусиқа ўлчови 4/4. 14 такт.*

А. Ҳаракат жойида.

**1-такт**

Чап тизза букилиб, оёқ ердан узилади ва ўнг томонга, олдинга олиб борилади. Ўнг оёққа чалмаштириб қўйилади. Ўнг оёқ олдинда бўлади. Гавда томошабинга қаратилган. Бир вақтда қўл 1-ҳолатда бўлади. 6-чапак ижро этилади. Чапакдан сўнг бармоқлар букилиб қўл бош тепасига қўтарилади.

**бир**

**уч**

Чап оёқ тиззалари букилиб оёқ тўлиқ ерга қўйилган ҳолда ўнг оёққа чалмаштириб қўйилади. Ўнг тизза букилади. Қўл кўкрак олдида “қўлибанд” ҳолатида, бош олдинга эгилади.

**тўрт**

**2-такт**

“Қўлибанд” ҳолатда қўллар тирсак устида кичик тўлқинсимон ҳаракат қиладилар.

**уч**

Қўл 1-ҳолатга келади, тизза тўғриланади. Қўллар тўлқинсимон ҳаракатни давом эттириб ёнга очилади.

**тўрт**

**3-4**

1-2-тактлар ўнг оёқда қайтарилади. Томошабинга юзланади, оёқ расмий ҳолатда. Қўллар охирги санокқа белни олдида кучади.

**тактлар**

<b>5-такт</b>	<p>Б. Қия йўл бўйича айланиш билан ўнг пастки бурчакка юриш.</p> <p>2 та “расмий уфори” билан ўнг оёқдан ўнгга тўлиқ айланиш. Бурчакка қараб юрилади, “бир-икки”га чап қўл ҳолати ўзгармайди. Ўнг қўл 2-ҳолатдан 1-ҳолатга келади ва белни олдида қучади, “уч-тўрт”га чап қўлдан қайтарилади.</p>
<b>6-такт</b> <b>7-такт</b>	<p>Ўнгга айланиш бурчакка жилиш билан қайтарилади. Ўнг қўл тепада.</p> <p>Жойида. Ўнг пастки бурчакда 1-ҳолатдан қўллар бир-бирларига яқинлашади, кафтлар ичкарига қарайди. Сўнг кафт тепага бурилиб, 6-ҳолатдан олдинга олиб борилади; оёқ 3-ҳолатда, чап оёқ учида туради. Гавда ва бош қўлни кузатади.</p>
<b>8-такт</b>	<p>В. Саҳна марказига- орқа билан орқага юриш.</p> <p>Чап оёқдан бошлаб 2 та “расмий уфори” юриш билан қўллар “илон” ҳаракатини бажаради: “бир-икки”га қўл чалиштирилиб “гулбарги” ўнг қўл устида, тирсақлар букилиб, ўзига тортилади. “Уч-тўрт”га ўзидан ташқарига бармоқларни айлантириб, қўллар олдинга олиб борилади, кафтлар бир-бирига зичлаштирилади.</p>
<b>9-такт</b>	<p>Чап оёқдан 8-такт қайтарилади. Саҳна ўртасида томошабинга қараб турилади.</p>
<b>10- 12</b> <b>тактлар</b>	<p>Г. Чап пастки бурчакка айланиш билан бориш.</p> <p>5-7-тактдагиларни чапга қайтариш.</p>
<b>13-14-</b> <b>тактлар</b>	<p>Д. Саҳна ўртасига- орқа билан орқага юриш.</p> <p>8-9-тактларни қия йўлга юриш билан қайтариш. “Расмий уфори” ўнг оёқдан бошланади, саҳна ўртасида томошабинга юзи билан қолинади, оёқ расмий ҳолатда.</p>

#### 4-шакл

*Муסיқа №4, муסיқа ўлчами 4/4. 32 такт “авжи”*

<b>1-такт</b> <b>бир</b> <b>икки</b>	<p>А.Саҳна олдида айланиш билан келиш.</p> <p>Ўнг оёқ билан тўлиқ олдинга қадам ташланади. Чап оёқ тиззаси букилади, оёқ учи тўпиққача кўтарилади, оёқ учи пастга қарайди. Қўл “гулбарги” дан 6-ҳолатга келади, кафт ичкарига қарайди. 3-ҳолатга очилади. Ўнг қўл тепада. Охирида тиниш.</p>
<b>уч</b> <b>тўрт</b> <b>2-такт</b> <b>3-такт</b>	<p>Битта “расмий уфори” билан тўлиқ ўнгга айланиш, чап оёқдан бошланади, қўл 3-ҳолатда қолади.</p> <p>1-такт қайтарилади. Охириги санокқа қўл, оёқ 1-ҳолатга келади.</p> <p>Ўнгга 3 та тез “чарх” билан олдинга юриш, ҳар бир “чарх”га олдинга ўнг оёқ учида қадам қўйилади. Чап оёқ учи билан ўнг оёқ ёнига қўйилади. Сўнг ўнгга оёқ учида тўлиқ айланилади. Ўнг оёқ ердан узилади, такт охирида саҳна олдининг ўртасида томошабинга қараб қолади, оёқ 6-ҳолатда, чап оёқ — учида, қўл, гавда, бош 1-ҳолатда.</p>
<b>4- 5</b> <b>тактлар</b>	<p>Б. Ҳаракат жойида бажарилади.</p> <p>Ижрочи 2 та тиззаси билан ўтиради. Шу пайтда қўл 2- ҳолатдан “қўлибанд” ҳаракатига келади.</p>

**6-такт**

Қўллар 6-ҳолатда, кафтлар бирлашиб, бармоқлар тепага қарайди, (ўнг бармоқлари устида) бармоқлар учларини ажратмасдан. Ўнг бармоқ ярим мушт ҳолида. Иккала қўл бармоқлари айлантирилади, чап бармоқ устида қолади. Кейин чап қўл ярим муштга букилади. Ўнг қўл тўғриланади. Иккала қўл бармоқлари айлантирилади. Ўнг қўл устида қолади. (“илон” ҳаракати). Бу ҳаракат билан қўллар бошгача қўтарилади. Бармоқлар тепага қарайди.

**7-такт**

6-такт давом эттирилади. Қўллар 2-ҳолатгача бориб 1-ҳолатгача очилади.

**8-такт**

“Илон” “а” кўриниши бажарилади: қўллар 1-ҳолатда, кафт пастга қарайди. Бармоқ учлари ажралмасдан (илоннинг боши тасвирланади) бармоқлар кафтлар билан айланади ва ичкарига букилади. Сўнг қўллар тирсакдан букилиб ташқарига айланади. Бармоқлар 1-ҳолатга очилади. Кафт орқага қарайди. Гавда ўнгга ва чапга ярим айланади. Такт давомида 2 марта қайтарилади.

**9-такт**

8-такт қайтарилади.

**10-такт**

8-такт галма-галдан қайтарилади “бир” - “уч” - ўнг қўл билан, “икки” - “тўрт” - чап қўл билан.

**11-такт**

10-такт қайтарилади.

**12-17-**

6-11-тактлар қайтарилади. Такт охирида қўл расмийга туширилади.

**тактлар****18-19-****тактлар**

Тиззадан аста-секин турилади. Оёқ расмий ҳолатда, қўл тирсакдан букилиб тўлқинли ҳаракат қилади, кафт ичкарига қарайди. Кўкрак рўпарасида бўлади.

**20-такт**

2 та “расмий уфори” билан ярим айланиш, ўнг оёқ билан бошланади. Қўллар “гулбарги”дан 1-ҳолатга очилади. Томошабинга орқа билан турилади. Оёқ, қўл расмий ҳолатда.

**21-такт****бир****икки**

Қўллар тирсакдан букилиб елка баробарига, бармоқлар йиғилиб бош рўпарасига келади ва 1-ҳолатдан юқорига очилади, бармоқлар тўғриланади.

**уч, тўрт**

“Бир”, “икки” - ҳаракати қайтарилади.

**22-такт**

21-такт қайтарилади. Қўллар 3-ҳолатда. Ўнг қўл тепада, оёқ расмий ҳолатда.

В. Айлана бўйича соат милага қарши юриш.

**23-26-****тактлар**

Чап оёқдан бошлаб “расмий уфори”, қўл 3-ҳолатда, ўнг қўл тепада. 26-тактнинг “бир” саноғига ўнг қўл 1-ҳолатдан “бел қучар”га келади. Саҳна олдининг ўртасига юриш тугайди. Халққа орқа билан, қўл, оёқ 1-ҳолатда.

Г. Саҳна марказида халққа орқа билан қолинади.

**27-30-****тактлар**

4 та “расмий уфори” ўнг оёқдан бошланади. “Илон” ҳаракатининг “а” кўриниши, галма-гал қўллар билан. Охирги саноққа ўнгга бурилиб қолади. Саҳна марказида туриб, оёқлар 1-ҳолатга, қўллар 5-ҳолатга чап томонга олиб борилади.

**31-такт****уч**

Ўнг оёқнинг учи билан ўнгга тўлиқ айланиш. “Бир”га ўнг қўл 3-ҳолатга келади. “Икки”га 5-ҳолатга келади.

**тўрт**

“Бир-икки” саноғидаги ҳаракат қайтарилади.

**32-такт**

31-тактни “бир-икки” ҳаракати қайтарилади.

**бир, икки**

Оёқ 6-ҳолатга келади, чап оёқ учида, тизза букилган. Ўнг қўл юз

### 5-шакл

*Муסיқа №5, муסיқа ўлчови 6/8. 38 такт.*

- 1-такт** Жойида. Қўллар 5-ҳолатда чап томонда “юрак тошқини” ҳаракатини бажаради: Ўнг қўл майда бармоқлар ҳаракатини бажаради ва олдга келади.
- 2-такт** Ўнг қўл майинлик билан жойига келади. Гавда олдинга, орқага тебранади.
- 3-4-тактлар** 1-2-тактлар қайтарилади.
- 5-такт** Ўнг пастки бурчакка қараб юриб боради. 1 та “расмий уфори” ўнг оёқ билан, қўллар юз олдидан бошдан юқори кўтарилади, “ғунча” “а” кўринишига келади.
- 6-такт** 5 -такт қайтарилади. Қўл юз олдидан “гулбарги”га тушади, кафт ичкарига қарайди.
- 7-8-тактлар** 5-6-тактдаги ҳаракат орқага юриш билан қайтарилади. Чап қўл тортилган, ўнг қўл кўкси рўпарасида.
- 9-12-тактлар** 5-8-тактлар чап пастки бурчакка жилиш билан қайтарилади ва қайтилади.
- 13-16-тактлар** 5-8-тактлар ўнг пастки бурчакка қайтарилади ва қайтилади.
- 17-20-тактлар** 5-8-тактлар сахна олдининг марказига қараб қайтарилади. Юз томошабинга қарайди, оёқ расмий ҳолатда. Қўл 6-ҳолатда “ғунча” “а” кўринишида.
- 21-такт** Соат мили йўналиши бўйича ярим даврага сахна орқаси томон юриш, 1 та “расмий уфори” ўнг оёқ билан, қўллар “гулбарги” ҳаракатида, кафт ичкарига қарайди.
- 22-такт** 1 та “расмий уфори” чап оёқдан, қўллар 1 та айланиб, 6-ҳолатга очилади, тепага қарайди. Бармоқлар тўғрига қарайди, бармоқлар бир-бирига яқин туради.
- 23-26-тактлар** 21-22-тактлар 2 марта қайтарилади. Охирги санокқа чап қўл биринчи ҳолатга очилади. Ўнгга, ўзига тортилади, кафт ичкарига қарайди. Бармоқлар чапга қарайди. Сахна орқасининг марказида қолинади, оёқ расмий ҳолатда.
- 27-такт** 1 та “расмий уфори” ўнг оёқдан бошлаб ўнг пастки бурчакка. Ўнг қўл ичкарига айланиб 6-ҳолатга келади. Кафт тепага қарайди.
- 28-такт** 1 та “расмий уфори”, орқа билан орқага юриш, чап оёқдан бошланади. Ўнг қўл 1-ҳолатга очилади. Чап қўл ўзига тортилади.
- 29-30-тактлар** 27-28-такт чап пастки бурчакка қараб бажарилади ва қайтилади.
- 31-32-тактлар** 27-28-такт ўнг пастки бурчакка қараб бажарилади ва қайтилади.
- 33-34-тактлар** 27-28-такт чап юқори бурчакка қараб бажарилади ва қайтилади. Оёқ 1-ҳолатда қолади. Ижрочи сахна ўртасида томошабинга юз билан қолади.
- 35-такт** Ёнга, ўнгга жилиш.



**бир  
икки, уч  
тўрт**

Ўнгга 1 қадам ўнг оёқ билан тўлиқ қўйилади, тиззалар букилиб, қўл расмий ҳолатдан 5-ҳолатга олиб ўтилади — ўнг томонга, кафтлар тепада.

Чап оёқ тиззаси букилиб, учи билан ўнг оёқ товони олдига қўйилади. Қўл 5-ҳолатда юқорига, ўнгга кўтарилади.

**36-такт  
бир, икки  
уч, тўрт  
беш, олти  
37-38-  
тактлар**

Ўнг оёқ 1-ҳолатга чап оёқ олдига қўйилади, тиззалар тўғриланади, қўл билан “дучоба” ҳаракати бажарилади.

Тиниш.

Ёнга, ўнгга-чапга юриш: 35-36-тактлар чапга чап қўл билан қайтарилади, қўл айнан шу ҳаракатларни қарама-қарши томонга қайтаради.

### **6-шакл**

*Муסיқа №6, муסיқа ўлчами 4/4. 8 такт.*

**1-такт**

Жойида “расмий уфори” билан, ўнг оёқ билан ўнгга айланилади. Қўл 3-ҳолатда, ўнг қўл тепада.

**2-такт  
бир  
икки  
уч  
тўрт  
3-такт**

Ўнг оёқ тўлиғича олдинга, қия йўл бўйича ўнг пастки бурчакка қараб бир қадам қўяди. Шу вақтда тизза букилиб, товон ердан кўтарилади. Сўнг учи билан жойида бир оз сурилади (тўхтаб юриш).

Ҳаракат чап оёқдан қайтарилади. Қўллар такт давомида 1-ҳолатдан расмийга туширилади.

2-такт ҳаракатлари қайтарилади. “Бир”-“икки” саноғида қўл кафтлари кўксига яқинлашади. “Уч-тўрт” саноғига кафт юқорига бурилади ва олдинга тортилади. Гавда қўл томонга секин йўналади.

**4-такт**

2-тактдаги оёқ ҳолати қайтарилади (тўхтаб юриш). Кафт тепада, қўллар олдинга тортилади. Оёқ 6-ҳолатда қолади. Ўнг оёқ — учида туради.

**5- такт**

Жойида. Оёқ 3-ҳолатга келади. Чап оёқ учида туради, чап қўл тайёрловчи ҳолатига туширилади. Ўнг қўл кафти пастга бурилиб (ижрочи худди узоққа қараётгандай) чети билан пешонага қўйилади.

**6-такт  
7-такт**

Гавда ўнгга, чапга тебраниб, қўл ўз ҳолатини ўзгартирмайди.


Ўнг қўл ияк тагига тушади, кафт пастга қарайди. Чап қўл 6-ҳолатга тортилади, кафт тепада.

**8-такт**


Ўнгга, биринчи парда орқасига кетади.



1- ШАКЛ. 1-10 ТАКТЛАР



2- ШАКЛ. 1-5 ТАКТЛАР




2- ШАКЛ. 6-8 ТАКТЛАР



2- ШАКЛ. 9-10 ТАКТЛАР



2- ШАКЛ. 11-18 ТАКТЛАР



3- ШАКЛ. 1-14 ТАКТЛАР




4- ШАКЛ. 1-22 ТАКТЛАР




4- ШАКЛ. 27-32 ТАКТЛАР




5- ШАКЛ. 21-26 ТАКТЛАР



4- ШАКЛ. 23-26 ТАКТЛАР




5- ШАКЛ. 1-20 ТАКТЛАР



5- ШАКЛ. 27-34 ТАКТЛАР

“МУНОЖОТ”





## “БАЁТ”

“Баёт” - Тошкент рақсидир, у жуда енгил ва осон ҳаракатлардан иборат. Бир маромдаги юришлар воситасида ёшларга хос шодлик, қувноқлик, тетиклик тараннум этилади.

*Либос:*

Тўртбурчак дўппи, чети қора духоба билан тикилади. Кўйлак узун, хонатласдан, этаги кенг, енгил узун ва кенг. Нимча калта, қизил духобадан, сариқ зардан нақш тикилган, белдан пасти, таг қисми кенгайган ёқаси тикка. Ёқагача тугмаланади. Лозим узун, жиякли.

## ҲАРАКАТЛАР

***1-қисм Халқ чолғу ансамбли ижросида.***

*№1 (6 такт), мусиқа №2 (34 такт), мусиқа ўлчами 2/4. 6 такт.  
Мусиқанинг бошланиш қисми.*

***1-14-  
тактлар***

Чиқиш. Ижрочилар бир-бирларини орқасидан чап томондаги охириги парда орқасидан ён томонлари билан юриб, қия йўл бўйича, ўнг пастки пардага

ўнг елка билан битта чизиқда чиқадилар. Оёқлари “оёқ учида тепма” ҳаракати билан: Ҳар бир ҳаракатнинг “бир” саноғига ўнг оёқ учи билан ўнг томонга қадам ташлайди. “Икки” саноғига чап оёқ ўнг оёқ олдида расмий ҳолатга жилади. Бу вақтда чап қулоқ ёнида панжалар бирлашган ҳолда қарсак урилади, сўнг бармоқлар букилади. Бош ўнгга қарайди.

**15-18-  
тактлар**

Оёқ ҳолати ўзгармайди. Қия чизиқдан тоқ саноқдаги қизлар олдинга, жуфт саноқдаги қизлар орқага очилиб катта даврага келадилар. Давра ўртасига қараб қоладилар: тоқ сондаги қизлар ярим айланиб, ўнг томонга, орқа томонга, давранинг чап томонига келишади. (Қия чизиққа нисбатан) шу пайтнинг ўзида жуфт сонли қизлар айланмасдан орқа билан орқага — давранинг ўнг томонига кетадилар. Гавда, бош кескин олдинга эгилади. Секин-аста тикланади. Шу пайтда қўллар 6-ҳолатга боради, аста-секин юз рўпарасида 2-ҳолатга кўтарилади, бармоқлар қирсиллатилади; чап қўлнинг катта бармоғи билан ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғи жипслаштирилади. Ўнг қўлнинг катта бармоғи чап қўлнинг катта бармоғига жипслаштирилади, қолган бармоқлар бир-бирига суянган ҳолда. Қирсиллатиш ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғи билан бажарилади. У куч билан сирпантирилиб чап кўрсаткич бармоққа туширилади.

**19-22-  
тактлар**

“Уч тепма” оёқ ҳаракати билан жойда ўнгга тўлиқ айланилади. Қўллар чап қулоқ олдида, кафтлар бирлашган, бармоқлар юқорига қараган, тирсаклар кўтарилган.

**23-26  
тактлар**

Оёқ ўзгармайди. Ижрочилар чап пастки бурчакдан ўнг юқори бурчак томонга даврани бузиб қия йўналишга келишади. Тоқ сонли ижрочилар даврандан бурилиб, қия йўналишни чап бўлагини ҳосил қилишади. (Саҳнанинг ўртасидан чап пастки бурчаккача) жуфт сонли қизлар даврандан бурилиб қия йўналишни ўнг бўлагини ҳосил қилишади (саҳна ўртасидан ўнг юқори бурчаккача). Ҳамма ижрочилар чап пастки бурчакка чап елкалари билан қоладилар. Бош ва гавда аввал кескин пастга эгилиб секин-аста тўғриланади. Қўллар 6-ҳолатдан 2-ҳолатга секин кўтарилади. “Б” кўринишида бармоқлар қирсиллайди.

**27-30-  
тактлар**

Ҳаракат жойида бажарилади. Ҳар бир тактнинг “бир” саноғига ўнг оёқларнинг учлари чапдан олдинга қараб енгил ерга урилади, “икки” саноғига ўнгдан тўғрига оёқ урилади. Охирги такт тиниш. Қўллар ҳар “бир” саноғига бармоқларни қирсиллатади. 2-ҳолатда. Бош, гавда бир оз пастга эгилиб ўнг оёқни кузатади ва охирги тактда тўғриланади.

**31-34-  
тактлар**

Ўнгга чап оёқ тўлиғича жилган ҳолда тўлиқ айланилади. Шу пайт ўнг оёқ ҳар бир саноққа учи билан чап оёқ орқасига 6-ҳолатда уриб туради. Қўл тирсаклари кўтарилган, кафтлари бирлашган. Чап елка олдинда, бармоқлар юқорига қараган. Бош ўнгга қараган.

**2-қисм. Халқ чолғу асбоблари дастаси жўр бўлади.**

*Муסיқа №3, муסיқа ўлчови 2/4. 56 такт*

**1-2-  
тактлар**

Жойида оёқлар 3-ҳолатда, тиззалар бир оз букилган. Ўнг оёқ ҳар бир саноққа уриб туради. Қўллар кафтларини ёнга қаратиб, ўзининг рўпара-

сидан пастга туширадилар, бармоқлар бўш ҳолатда. Гавда ва бош олдинга эгилади. Ҳар бир тактнинг “бир” саноғига қўллар бир оз чапга олиб борилади. Шу пайт ўнг қўл тирсакдан букилиб бармоқлар қирсиллатилади. Чап қўл тўғри туради: “икки” саноғига бир оз ўнгга олиб борилади, чап қўл тирсакдан букилиб, бармоқлар қирсиллатилади. Қўллар охириги саноқда чап томонда 5-ҳолатда қолади.

**3-такт**

Оёқ 3-ҳолатда, чап оёқнинг учи қўйилади. Ўнг қўл 2-ҳолатдан 1-ҳолатга келиб бирга қўйилади.

**4-такт**

Ўнг оёқ чап оёқнинг орқасига чалиштирилиб оёқлар учларида қўйилади. Қўллар ҳолати ўзгармайди.

**5-10-  
тактлар**

Қия йўналишни бузмасдан қизлар бурилиб томошабинга юзи билан қараб тўғри чизикқа келишади. Жуфт сонлилар ён билан чапга, тоқ сонлилар ён билан ўнгга жиладилар. Ҳаммалари оёқлари билан “тўлиқ тепма” ҳаракатини (чап оёқ тўлиқ қўйилган ҳолда жилади, ўнг оёқ расмий ҳолатда тепади) бажаради. Қўллар ҳар икки тактда юз рўпарасида “гулбарги” дан 1-ҳолатга очилади. Гавда ва бош олдинга эгилади, сўнг “қийғир бўйин” билан тўғриланади.

**11-14-  
тактлар**

Тўғри чизикдан 2 та чизикқа ажрадилар. Тоқ сонли қизлар чапга, жуфт сонлилар ўнг томонга чоракта айланади. Оёқлар 4-ҳолатда. Чап оёқ — учида. Чапга айланганларнинг оёқлари аксинча бўлади. Гавда оёққа сал эгилади. Бош томошабинга қарайди. Шу пайт қўллар кичик айлана шаклида ўзларини рўпарасида ичкарига айланади. Кафтлар пастда, бармоқлар олдинга қарайди.

**15-такт  
бир**

Ҳамма ижрочи жойида тўлиқ айланади: Ўнг томондагилар ўнгга ўнг оёқ учи билан, чап томондагилар чапга чап оёқ учи билан. Қўллар 3-ҳолатга келади (ўнг томондагилар ўнг қўлни ва аксинча).

**икки**

Ўнгагилар ўнг тиззага, чапдагилар чап тиззага ўтирадилар. Қўллар 3-ҳолатда қолади.

**16-такт**

“Лаби ғунча” ҳаракати бажарилади. Ўнг қўл жимжилоғи лаб тагига келади.

**17-такт**

Тиззада ўтириб “қийғир бўйин” ҳаракатини, қўллар “лаби ғунча” ҳаракатини бажарадилар.

**18-такт**

“Қийғир бўйин” билан ўринларидан турадилар, томошабинга қараб қоладилар. Оёқлар расмий ҳолатда. Қўллар ўзгармайди.

**19-20-  
тактлар**

Ҳамма ижрочилар тўлиқ айланадилар: 2 тадан 4 қатор чизикқа очиладилар. Охирида чап тиззага ўтирадилар. Тоқ сонли ижрочилар томошабинга юзлари билан ўнгга жиладилар. Ўнг оёқ билан ўнгга айланадилар ва чап тиззага ўтирадилар. Улар ўрнига ўнгга айланиш билан жуфт сонлилар келади. Чап тиззага ўтирадилар. Чап томондаги ижрочилар худди шундай ҳолатда келадилар, фақат аксинча ижро этадилар. 19-тактда қўллар ўзгармайди, 3-ҳолатда туради. 20-тактда “лаби ғунча” ҳаракати бажарилади, тирсаклар букилган, кафт рўпарасида ичкарига қарайди. Бармоқлар ёнда, бир қўл иккинчи қўл атрофида айланади, бармоқ битта ташқарига айлан-тирилиб ўнг қўл тирсагига олиб келинади.

**21-такт**

“Қийғир бўйин” ҳаракати бажарилади. Қўл “лаби ғунча” ҳаракатида.

**22-такт**

Қизлар туришади. Оёқлар расмий ҳолатда, қўл “лаби ғунча” да.

**23-26-**

Қизлар шахмат ҳолатда туришади: 1-3-чизикдагилар ўнгга, 2-4-чизик-

## **тактлар**

дагилар чапга жилишади. Ўнгга жилган қизлар тактнинг ҳар “бир” саноғига ўнг оёқ товонини бир оз ўнгга — тўғрига жилдиришади. Чап оёқнинг орқасига сурилади. “Икки” саноғига ўнг оёқ учи билан орқага олиб борилади. Чап оёқ “бир” саноғидаги ҳаракатини қайтаради. Чапга ҳаракат қилганлар ҳам худди шу ҳаракатни ижро этишади, фақат аксинча. 23-тактда қизларнинг ҳаммаси қўлларини 4-ҳолатга олиб борадилар (чап қўл тепада). Ўнг бармоқ ҳар бир саноққа қирсиллайди, чап қўл бармоқлари билан “ташқарига-ичкарига” ҳаракат қилади. Охирги саноққа қўллар 5-ҳолатга келади. Чап томонда.

## **27-такт бир**

Ҳамма ўнг оёқнинг учида айланади, чап оёқ ердан узилади. Ўнг қўл кескин 2-ҳолатга олиб чиқилади (3-ҳолат).

## **икки**

Ҳамма чап тиззага ўтиради. Қўллар ҳолатини ўзгартирмайди.

## **28-такт**

“Лаби гунча” ҳаракати бажарилади. Ижрочилар ўринларидан турадилар. Оёқ расмий ҳолатда. Қўллар ўзгармайди.

## **31-34-тактлар**

1-3-чизикдаги қизлар бир оз чапга кетадилар. Тактнинг ҳар “бир” саноғига чап оёқ товонини бир оз чап ва олдинга чиқарадилар. “Икки”га чап оёқ ярми билан орқага олиб борилади. Ўнг оёқ “бир” саноғидаги ҳаракатни қайтаради. 2-4-чизикдагилар ўнгга бир оз кетадилар. Худди чапдагилардек, фақат аксинча. 31-тактда қўллар 4-ҳолатга келади (чап қўл тепада). Сўнг бармоқлар қирсиллатилади. Чап қўл бармоқлари “ичкарига-ташқарига” айлантирилади. Бармоқлар тепага қарайди. Охирги саноқда 5-ҳолатда чап томонда қоладилар.

## **35-такт бир**

Ҳамма ижрочилар ўнгга ўнг оёқ учи билан айланадилар, чап оёқ тиззадан букилади, ердан кўтарилади. Ўнг қўл кескин 2-ҳолатга, сўнг 3-ҳолатга келади.

## **икки**

Ижрочилар чап тиззага ўтирадилар, қўл ўзгармайди.

## **36-такт**

“Лаби гунча” бажарилади.

## **37-такт**

“Қийғир бўйин”, қўл “лаби гунча”да.

## **38-такт**

Ижрочилар ўринларидан турадилар, оёқ расмий ҳолатда, қўл “лаби гунча”да.

## **39-44-тактлар**

1-қаторнинг ҳар бир ижрочиси 2-қатордаги жойида турган қизнинг атрофида ўнгга, соат милига қарши томонга айланиб жойига келади. 3-қаторнинг ҳар бир қизи соат мили бўйича чапга айланиб, 4-қатордаги қизнинг атрофида айланиб жойига келади. Оёқ ҳаракати “тўлиқ тепма”, ўнг оёқ олдинда (ҳар бир саноққа ўнг оёқ билан тўлиқ қадам, чап оёқ ўнг оёқ олдига жилади). Қўллар 1-ҳолатда. Охирги тактда орқага келади. Шу 6-тактда 2-қатордагилар жойида тўлиқ айланадилар, қўл “майин сабо” — 2-ҳолатда, 4-қатордагилар ҳам худди шуни бажаришади, фақат тескари томонга.

## **45-48-тактлар**

2-қатордагиларнинг ҳар бири 1-қатордаги қизни соат мили бўйича айланиб жойига келади, 4-қатордаги қизлар соат милига тескари ҳолатда 3-қатордагиларни атрофидан айланиб жойига келишади. Чапга айланиш билан тугайди. Қўл 1-ҳолатда, оёқ ҳаммага “тўлиқ тепма”, ўнг оёқ олдинда, охирги саноқда қўл орқага келади.

## **49-такт**

Ҳамма қизлар ўнгга ўнг оёқ учида айланишади. Чап оёқ ердан узилиб, тиззалар букилади. Қўллар кескин 3-ҳолатга олиб борилади (ўнг тепада) томошабинга юзи билан қоладилар. Оёқ расмий ҳолатда.



**50-такт**

Ҳамма ижрочилар чапга чоракта айланиб, қўллар 1-ҳолатга келиб “елка қоқиш” ҳаракатини бажарадилар, ўнг елка билан. Такт охирида ўнгга чорак айланиб, ҳамма томошабин томонга юзи билан қараб қолади.

**51-54-тактлар**

4-қатордагиларнинг ҳаммаси орқалари билан орқага кетадилар, “нуқтали юриш” билан (51-тактни “бир” саноғига оёқ учи орқага қўйилади. “Икки” саноғига ўнг оёқ бир оз орқага товон билан қўйилади. Гавда бир оз ўнгга бурилади), кейинги тактга чап оёқдан қайтарилади. Қўл 1-ҳолатда.

**55-56-тактлар**

Ҳамма қизлар олдинга оддий қадам билан келадилар. Қўллар 2-ҳолат — “гулбарги” орқали 1-ҳолатга очилади. Чап қўл бошга келади. Оёқлар 3-ҳолатга келади, чап оёқ учида туради.

**3-қисм. Доира жўрлигида.**

*Муסיқа №4, муסיқа ўлчами 2/4. 56 такт.*

**1-такт  
бир  
икки**

Ҳаракат жойида бажарилади. Ўнг оёқ 6-ҳолатга учида келади, тизза букилади.

Ўнг оёқ 3-ҳолатга қайтарилади, тиззалар тортилади. (“моки” ҳаракати). Шу пайтда ўнг қўл қирсиллатилиб чап кўксига келади ва 6-ҳолатдан юқорига очилади, ўнг томонга. Гавда бир оз ўнгга бурилади, бош қўлни кузатади.

**2-4-тактлар**

1-такт 2 марта қайтарилади.

**5-такт  
бир**

Ҳамма ижрочи ўнгга “чалишма айланиш” оёқ ҳаракатини бажаради. Ўнг оёқ панжалари оёқларнинг орқасига чалиштирилиб қўйилади. Қўллар 1-ҳолатга очилади, иккала оёқ учида ярим айланиш, (томошабинга орқа билан) чап оёқ товони ердан кўтарилиб, туширилади.

**икки**

“Бир” даги ҳаракатни қайтаради (томошабинга юз билан). Қўллар 1-ҳолатда қолади. Кафт юқорида.

**6-такт**

5-тактни қайтариш.

**7-10-**

Жойида 1-4-тактлар (“моки” ҳаракати)ни қайтариш.

**тактлар****11-12-**

5-6-тактларни қайтариш, қўл 1-ҳолатда.

**тактлар****13-16-****тактлар**

Ҳамма ижрочилар 4 та бурчакда қия йўлда боришади. 1-2-қатордагилар чапга чоракта айланиб, сўнг пастки бурчакка орқа билан борадилар. Саҳна ўртасига юз билан. 3-4-қатордагилар худди шуни аксини бажаришади. Чап пастки бурчакка ўнгга чорак айланиб борадилар. 1-2-сонли раққосалар 3-4-қатордан чапга чорак айланиб орқага ўнг юқори бурчакка орқа билан юрадилар, улар ҳам саҳна ўртасига юз билан туришади. 3-4-сонли қизлар ҳам худди шуни аксини бажарадилар: чап юқори бурчакка саҳна ўртасига юз билан қия йўлда туришади. Чапга чоракта айланилади. Ҳамма учун “оёқ учида тепма” ҳаракати — тактнинг ҳар бир саноғига урғу билан ўнг оёқ учи билан орқага, ўнгга қадам ташланади, чап оёқ ўнг оёқ олдида жилади. Қўл ҳаракати: “бир” саноғига 13-такт 6-ҳолатда қарсак, чапакдан

сўнг ўнг қўл тепага, чап қўл пастга келади: “икки” саноғига ўнг қўл ташқарига айланиб 2-ҳолатга келади, чап қўл расмий ҳолатда.

**17-18-  
тактлар**

Оёқ ҳолати ўзгармайди. Ўнг пастки бурчакдаги ва чап юқори бурчакдаги қизлар бир-бирига қараб юришади. Қўллар 2-ҳолатда қирсиллатилади. 18-такт охирида (яқинлашганда) иккала қатордагилар кичик сакраш ва шу вақтда ярим айланиш билан жойларини ўзгартиришади. Ўнг томонга айланилади, ўнг юқори бурчакдагилар эса 17-тактда жойида ярим айланиш билан сахна ўртасига орқа билан қоладилар. Оёқлар 3-ҳолатда, ўнг оёқ учида. Қўллар расмий ҳолатда туширилади. Кафт ташқарига қарайди. 18-тактга қўллар майин ҳаракатлар билан юз олдидан бир оз чапга олиб ўтилади. Шу пайтда ўнг қўл тирсаги букилиб, бармоқлар қирсиллатилади. Худди шундай ҳолатда ўнгга олиб борилади. Такт охирида чап қўл кафти бошга боради. Ўнг қўл 1-ҳолатга очилади.

**19-20-  
тактлар**

Қизлар ўрин алмашганларидан сўнг қия йўл билан бурчак томонга орқа билан боришда давом этадилар. Қўл ва оёқ ҳолати ўзгармайди. Шу пайтда чап пастки бурчак ва ўнг юқори бурчакдагилар жойларида “моки” ҳаракатини бажаришади: ҳар бир тактнинг “бир” саноғига ўнг оёқ учи 6-ҳолатга қўйилади, тизза букилади, “икки” саноғида ўнг оёқ 3-ҳолатга оёқ учида қайтади, тиззалар тортилади. Ўнг қўл “бир” саноғига чап кўксига яқинлашади, бармоқлар қирсиллайди. “Икки” саноғига 6-ҳолатдан баландга очилади. Охирги саноққа ярим айланиш тезликда бажарилади. Ўнгга ўнг оёқ билан тортилади. Сахна ўртасига юз билан қараб қолинади.

**21-24-  
тактлар  
25-32-  
тактлар  
33-такт**

17-20-тактларни бошқа тарафдагилар бажаришади: Чап пастки бурчак ва ўнг юқори бурчакдагилар жойларини алмаштирадилар.

17-24-тактлар қайтарилади. Охирги тактда раққосалар сахна марказига қараб қоладилар. Оёқлар 6-ҳолатда, чап оёқ — учида, қўл 1-ҳолатда.

Ҳамма раққоса чарх айланиш билан катта давра ҳосил қилади. Соат ми-лига қарши юради. Юз даврага қарайди. Қўл, оёқ, “сохта уфори” ҳаракати.

**бир**

Ўнг оёқ товони билан қадам ташлаб оёқ тўлиғича қўйилади. Тиззалар букилади, чап қўл белни олдиндан кучади, ўнг қўл 2-ҳолатдан олдинга тушиб чап тирсак устига ташланади. Шу вақтда гавда бир оз ўнгга эгилади. Бош қўлни кузатади.

**и**

Ўнг оёқ кичик қадам билан олдинга тўлиқ қўйилади. Ўнг тизза торти-либ, чап оёқ учида қолади. Тиззалар букилади. Ўнг қўл 1-ҳолатга очилади, гавда тўғриланиб, бош қўл ҳаракатини кузатади.

**34-такт  
35-такт**

“Сохта уфори” юриш чап оёқ ва чап қўлдан қайтарилади.

Ўнг оёқ учи билан ўнгга тўлиқ айланилади. Чап қўл белни олдиндан кучади. Ўнг қўл кескин 2-ҳолатга кўтарилади.

**36-37-  
тактлар**

Даврани давом эттириб 2 та “чарх” ўнг оёқдан бошлаб ижро этилади. Қўл биринчи ҳолатда.

**38-52-  
тактлар**

33-37-тактлар 3 марта қайтарилади. (“сохта уфори” — 2 такт; 1 та айланиш — 1 такт; 2 та “чарх” — 2 такт).

**53-55-  
тактлар**

33-35-тактлар қайтарилади. (“сохта уфори” - 2 такт, айланиш — 1 такт)

**56-такт**

Ҳамма қизлар чапга ярим айланиб, сахна ўртасига енгил чопиб кели-

шади. Қўллар 6-ҳолатга келади. “Б” кўринишда қирсиллатилади, бармоқлар йиғилган ҳолда. Гавда, бош олдинга эгилади.

#### **4-қисм. Халқ чолғу асбоблари дастаси жўр бўлади.**

*Муסיқа №5, муסיқа ўлчови 2/4. 52 такт.*

##### **1-4- тактлар**

Даврани кенгайтириб, орқага юришади. “Оёқ учида тепма” ҳаракати билан (тактни ҳар бир саноғига ўнг оёқ учида орқага қадам ташланади, чап оёқ ўнг оёқ олдига жилади). Қўллар қирсиллатиб борилади. Пастдан 2-ҳолатга кўтарилади. Гавда, бош тўғриланади.

##### **5-8- тактлар 9-16- тактлар**

Жойида. 8 та қиз ўнг томонга чоракта айланади. 8 та қиз чап томонга айланади. Оёқ “яримқайчи”, ҳар бир саноққа қўл қирсиллатилади.

“Тўлиқ тепма” оёқ ҳаракати билан қия йўлга ўтилади. Ўнг томондаги қизлар соат мили бўйича орқа сахна ўртасидан ўнгга қайрилади. Қия йўлга келишади. Ўнг пастки бурчакка. Чап томондагилар соат милига қарши юришади, орқа сахна ўртасидан чапга, қия йўлга чап пастки бурчак томонга юришади. 2-ҳолатда қўллар “б” кўринишда қирсиллатиб борилади.

##### **17-такт**

2 та қия йўналишдан 4 та қия йўналиш ҳосил қилинади. Тоқ сонлилар – ўнг қия йўналишдагилар тўлиқ ўнгга айланиб, ўнг оёқ билан 1 қадам нарига жилишади ва ўтиришади. Шу вақтда тоқ сонлилар ўнг оёқ билан ўнгга айланишади. Чап қия йўналишдагилар худди шу ҳаракатни бажаришади, фақат чап томонга 1-ҳолатда, 18-такт - ўнг томондаги ичкари қия йўналишдагилар чап тиззага ўтиришади. Четдаги қия йўналишдагилар жойида туришади, оёқ 3-ҳолатда, чап оёқ учида. Ҳамма қарама-қарши томонга қарсак чалади. 6-ҳолатда чапакдан сўнг қўллар 3-ҳолатга очилади. Ўнг қўл тепада. Чап томондаги ички қия йўналиши ижрочилари ўнг тиззага ўтиришади. Оёқ 3-ҳолатда, ўнг оёқ – учида. Чапак шундай туришда чалинади, чап қўл кафти ўнг қўл кафтига, сўнг ўнг қўл кафти чап қўл кафтига урилади. 3-ҳолатга очилади. Чап қўл тепада.

##### **19-22- тактлар**

Ташқаридаги қизлар оёқ учлари билан жойида ҳар бир саноққа уриб турадилар, бу “елка қоқиш” ҳаракати билан бирга бажарилади (битта елка билан). Ўнг томондагилар чап елка билан, чап томондагилар ўнг елка билан. Ичкаридаги қизлар 1-қаторда турганлар билан бирга “елка қоқиш” ҳаракатини бажаришади. Сўнг ўринларидан туриб ўзларининг аввалги ҳолатига қайтадилар.

##### **23-такт**

Ўнг томондаги икки қия йўналишдаги қизлар жойларида 1 та тўлиқ айланадилар. Ўнг оёқ билан ўнг томонга, чап оёқ билан чап томонга.

##### **24-такт**

Ўнг томондаги ичкари қия йўналишдаги қизлар чап тиззаларига ўтиришади, ташқаридагилар жойларида туришади, оёқлари 3-ҳолатда, чап оёқ учи билан қўйилган. Ҳамма бир вақтда 2 та қарама-қарши чапак чалади, 6-ҳолатда. Чапакдан қўллар 3-ҳолатга очилади. Ўнг қўл тепада. Чап ички қия йўналишдагилар ўнг тиззага ўтиришади. Ташқаридагилар жойида туради. Оёқлар 3-ҳолатда, ўнг оёқ – учида.

##### **25-28-**

Ташқари қия йўналишдаги қизлар жойида ҳар бир саноққа оёқ уриб

**тактлар**

туради. Оёқ учи ҳаракати “елка қоқиш” ҳаракати билан бирга бажарилади, бир елка билан (ўнг томондагилар чап, чап томондагилар ўнг елка билан) ичкаридагилар 1 такт “елка қоқиш” ҳаракатини бажарадилар, сўнг турадилар. Оёқлар расмий ҳолатга келади. Охирги саноққа ҳамма ижрочилар чорак айланиш қиладилар: ўнгдагилар чапга, чапдагилар ўнгга.

**29-такт**

Ташқи қия йўлдагилар 1 қадам олдин суриладилар. “Оёқ учида тепма” ҳаракати билан 4 та қия йўлдан 2 та қия йўл ҳосил қиладилар. Шу пайтда қарама-қарши қарсак 6-ҳолатда бажарилиб 3-ҳолатга очилади. Ўнг оёқ “тепма”.

**30-34-****тактлар**

Оёқ ҳолати ўзгармайди. Қўл 3-ҳолатда қолади. Раққосалар 2 та қия йўлдан битта қия йўл ҳосил қиладилар, ўнг пастки бурчакдан чап юқори бурчакка: ўнг томондагилар қия йўл ичкарисини ҳосил қилади, чапдагилар — ташқарисини ҳосил қилади. Охирги саноққа оёқ 3-ҳолатни эгаллайди. Ўнг оёқ учи билан қўйилади, чап қўл кафти бош орқасига боради. Ўнг қўл 1-ҳолатдан юқорига олиб ўтилади.

**35-36-****тактлар**

Жойида. “Моки” оёқ ҳаракати ўнг оёқ билан бажарилади. Шу пайт ҳар бир раққоса ҳар тактни “бир” саноғига қўлларни қирсиллатиб чап кўксига яқинлаштиради. “Икки” саноғига қирсиллатиб бармоқлар жойига келади.

**37-такт**


Ҳамма қизлар оёқ билан “моки” ҳаракатини бажаришади. Шу пайтда тактнинг ҳар “бир” саноғига бармоқлар қирсиллатилиб чап кўксига яқинлашади. “Икки” саноғига жойига қайтади.

**40-такт**


Ўнг оёқ билан ўнгга тўлиқ айланадилар. Қўллар 3-ҳолатда, ўнг қўл тепада.

**41-52-****тактлар**


Чап елка билан сахнанинг чап томондаги охирги пардаси орқасига ён билан кетадилар. Қия йўналишида. “Оёқ учида тепма” ҳаракати (худди чиқишдагидек) чап оёқни уриш билан. Қўллар қулоқ олдида чапак ҳолатида бўлади. Чапакдан сўнг бармоқлар букилади. Бош ўнгга қарайди.




1- ҚИСМ. 1-14 ТАКТЛАР




1- ҚИСМ. 15-22 ТАКТЛАР




1- ҚИСМ. 23-30 ТАКТЛАР




1- ҚИСМ. 31-34 Т., 2- ҚИСМ. 1-4 Т.




2- ҚИСМ. 5-10 ТАКТЛАР




2- ҚИСМ. 11-17 ТАКТЛАР




2- ҚИСМ. 18 ТАКТ




2- ҚИСМ. 21-26 ТАКТЛАР




2- ҚИСМ. 35-38 ТАКТЛАР




2- ҚИСМ. 19-20 ТАКТЛАР




2- ҚИСМ. 27-34 ТАКТЛАР




2- ҚИСМ. 39-44 ТАКТЛАР




2- ҚИСМ. 45-48 ТАКТЛАР




3- ҚИСМ. 1-12 ТАКТЛАР




3- ҚИСМ. 17-20 ТАКТЛАР









2- ҚИСМ. 49-56 ТАКТЛАР






3- ҚИСМ. 13-16 ТАКТЛАР



3- ҚИСМ. 21-24 ТАКТЛАР

	
<p>3- ҚИСМ. 25-32 ТАКТЛАР</p>	<p>3- ҚИСМ. 33-55 ТАКТЛАР</p>
	
<p>3- ҚИСМ. 56 ТАКТ</p>	<p>4- ҚИСМ. 1-8 ТАКТЛАР</p>
	
<p>4- ҚИСМ. 9-16 ТАКТЛАР</p>	<p>4- ҚИСМ. 17-22 ТАКТЛАР</p>



	
<p>4- ҚИСМ. 23-28 ТАКТЛАР</p>	<p>4- ҚИСМ. 29 ТАКТ</p>
	
<p>4- ҚИСМ. 30-52 ТАКТЛАР</p>	



### “ПИЛЛА”

“Пилла” рақси Мукаррама Турғунбоева томонидан 1952 йилда янги кўринишда яратилган бўлиб, доира жўрлигида ижро этилади. Рақсда ипак қуртини боқишдан то пилла йиғилиб, дастгоҳда ип йиғириш, мато тўқиш ва ундан нақшлар билан безатилган шарф тикишгача бўлган меҳнат жараёни тасвирланган. Бу рақсни Мукаррама Турғунбоева кейинчалик “Баҳор” дастаси учун оммавий рақс сифатида қайта саҳналаштирган.

#### **Рақс доира жўрлигида ижро этилади**

*Либос:*

Тўртбурчак дўппи, кўйлак оқ ҳарир матодан ёки крепжоржетдан, этаги кенг, енги кенг, узун. Нимча енгсиз белгача, қизил духобадан, сариқ ялтироқ зардан нақш тикилган: Лозим қизил атласдан, жиякли. Дурра оқ ҳарир матодан 2 метр. Туфли оқ, ўртача пошнапи.

*Тақинчоқлар:* зирак, мунчоқ, билакузук.

## *1-шакл*

*Усул №1, муסיқа ўлчами 2/4.*

Тактларнинг узунлиги саҳнанинг ўлчамига боғлиқ.

Чиқиш. Раққоса саҳнанинг чап томонидаги охирги парда орқасидан чап елка билан чиқади ва саҳна орқасининг ўртасига келиб тўхтамасдан соат милига қарши юриб, тўлиқ давра чизади. Сўнг саҳнанинг ўртасига қайтади. Кейин чап елкадан томошабинга қарайди ва юришни давом эттиради. Саҳна олдининг ўртасига келади. Ўнг оёқдан бошлаб “расмий уфори” ҳаракатини бажаради. Қўллари чап томонда 4-ҳолатда. Ўнг қўл кафти гавдага қараган ҳолатда (тут шохини ушлаб тургандай). Бу юриш ён-ёнга енгилгина тебраниш билан бажарилади.

## *2-шакл*

*А. Усул №2, муסיқа ўлчами 2/4. 2 такт.*

Ҳаракат жойида бажарилади.

**1-2-  
тактлар**

Ўнг оёқ расмий ҳолатда тўлиқ қўйилиб 4 та урилади. Шу вақтда ўнг қўл бармоқлари юзнинг ўнг томонига тегиб туради. Чап қўл бармоқлари ўнг тирсакка тегиб туради. Бу ҳаракат бошни ён-ёнга тебратиш билан бажарилади. Худди, аттанг, ипак қуртлари яхши боқилмапти деган ҳолат акс эттирилади.

*Б. Усул №3, муסיқа ўлчами 2/4. 8 такт*

Саҳнанинг орқа марказига орқа билан, оёқ “оқсатма” ҳаракати билан юрилади. Қўллар 6-ҳолатда. Кафт ичкарига қарайди. Ўнг бармоқлар чап бармоқлар устида (худди саватни кўтаргандай).

**1-такт  
бир**

Ўнг оёқнинг учи билан орқага урғули қадам ташланади. Тиззалар букилади. Ўнг қўл букилиб (саватдаги тут шохини олгандай) бармоқлар ичкарига қайрилади.

**икки**

Чап оёқ ўнг оёқ олдига жилади. Ўнг оёқ учига қолади. Тиззалар бўш қўйилади. Ўнг қўл бармоқлари букилиб чапга олиб борилади (шоҳчаларни ипак қуртига солади). Бош ва гавда қўл ҳолатини кузатади.

**2-такт**

Биринчи такт қайтарилади, ўнг қўл олдинга очилади.

**3-такт**

Биринчи такт қайтарилади, ўнг қўл ўнгга очилади.

**4-такт**

Биринчи такт қайтарилади, ўнг қўл олдинга очилади.

**5-8-**

1-4-тактлар қайтарилади, оёқлар расмий ҳолатда.

**тактлар**

*В. Усул №4, муסיқа ўлчами 2/4. 4 такт.*

Жойида. Оёқ “қопқон” ҳаракати билан тўлиқ айланилади.

**1-4-**

Ҳар бир тактнинг “бир” саноғига - ўнг оёқ товони билан қадам ташла-

## **тактлар**

нади. Бу вақтда чорактадан ўнгга айланилади. “Икки” саноғига ўнг оёқ учи билан урғули қўйилади. Чап оёқ ўнг оёқнинг ўртасига жилади. Тиззалар букилади. Охирги саноққа тўлиқ айланиб бўлинади. Томошабинга қараб қолинади. Оёқлар расмий ҳолатда. Бу пайтда қўллар 2-шаклдаги ҳаракатни бажаради, фақат тезроқ (ҳар тактга 2 та ҳаракат).

### **3-шакл**

*Усул №5, мусиқа ўлчови 2/4.*

Тактлар саҳнанинг ўлчамига боғлиқ.

Майда қадамлар билан саҳнанинг олди марказига югуриб келинади. Қўллар 1-ҳолатда. Югуриш “тез шох” билан тугалланади: “бир” саноғига оёқлар 3-ҳолатга қўйилади, чап оёқ — учида. Қўллар бир вақтда ўнг томонда 4-ҳолатда. “Икки” саноғида тез, тўлиқ айланилади — чап оёқ билан чап томонга, ўнг тиззага букилади — оёқ учи ердан кўтарилади. Шу вақтда қўллар кескин 3-ҳолатга очилади, чап қўл юқорида бўлади. Охирги саноққа оёқлар расмий ҳолатга, қўллар “гул барги” ҳолатидан 1-ҳолатга очилади.

Саҳна олдиниинг ўртасида томошабинга қараб қолинади.

### **4-шакл**

*Усул №6, мусиқа ўлчови 4/8. 10 такт.*

Оёқнинг “оқсатма” ҳаракати билан саҳна орқасининг марказига орқа билан юрилади; қўллар 6-ҳолатда туради, кафтлар ичкарига қарайди, бармоқлар ёнга қараган, ўнг бармоқ чап бармоқ устида (саватни олдида кўтариб тургандай). “Ипак қуртларини озиқлантириш давом этади”. Фақат шохлар билан эмас, барглар билан.

Орқага чап оёқ учи билан урғули қадам ташланади. Ўнг қўлнинг бош ва кўрсатгич бармоқлари “узиб олиш” ҳаракатини бажаради. Тут шохидан барг узиб олиш кўрсатилади. Гавда ва бош қўл ҳолатини кузатади.

Ўнг оёқ тўлиғича чап оёқ ёнига жилади. Чап оёқ учида қолади. Тиззалар бўш қўйилади. Бу вақтда қўл “баргларни ипак қуртларига ташлайди” олдинга, чапга. Бош ва гавда ўнг қўл ҳаракатини кузатади.

1-такт қайтарилади, баргни олдинга ташлайди.

1-такт қайтарилади, баргни ўнгга ташлайди.

1-3-тактлар қайтарилади.

Жойда ҳар “бир” саноғига чап оёқ тўлиғича расмий ҳолатда уриб турилади. Қўллар 1-3- тактларни қайтаради. Охирги саноққа оёқлар расмий ҳолатда, қўллар 1 - ҳолатда.

**1-такт**  
**бир, икки**

**уч, тўрт**

**2-такт**

**3-такт**

**4-6-**

**тактлар**

**7-10-**

**тактлар**

*А. Усул №7, мусиқа ўлчами 2/4.*

Тактлар сахнанинг ўлчамига боғлиқ

Сахнанинг олдида 1-ҳолатда тез югуриб борилади. Оёқ учида майда қадамлар билан томошабинга қараб югуриш “тез шох” билан тугайди: охириги тактнинг “бир” саноғига оёқлар 3-ҳолатга, чап оёқ — учида. Қўллар ўнг томонга 4-ҳолатга олиб келинади. “Икки” саноғига чапга тез, тўлиқ айланилади, чап оёқ учида, ўнг оёқ тиззаси букилиб, панжалар ердан кўтарилади. Қўллар 3-ҳолатга тезда олиб келинади ва “гул баргидан” 1-ҳолатга олиб келинади. Ўнг тизза туширилади, томошабинга қараган ҳолатда.

*Б. Усул №8, мусиқа ўлчами 4/8.*

5 такт ҳаракат ўнг оёққа ўтирган ҳолда бажарилади. Ўнг қўл расмий ҳолатда тирсак букилган, кафт осмонга қараган, бармоқлар бўш қўйилади. Чап қўл бармоқлари чап тиззага қўйилади, кафтлар пастга қарайди, бармоқлар бўш қўйилган. Шохларни белкурак билан ташлаш тасвирланади.

Ўнг қўл кафти билан (худди белкуракка ўхшаб) шохлар олиниб, кескин ҳаракат билан чап елка рўпарасида ирғитилади. Бош ва гавда ўнг қўлни кузатади.

Ўнг қўл расмий ҳолатда.

1-тактдаги ҳаракат 4 марта қайтарилади.

*В. Усул №9, мусиқа ўлчови 2/4. 12 такт.*

Ҳаракатларни ўтириб бажариш давом эттирилади.

Ипларни юмшатиш ва тортиш ҳолати тасвирланади. Қўллар олиб борилиб, тирсаклар букилади. Ўнг бармоқ чап бармоқ устида. Бармоқлар бўш қўйилади. Гавда чап томонга эгилади. Чап елка билан томошабинга қаралади.

Раққоса ўнг қўли билан чап қўл атрофида айланма ҳаракат қилади.

Ўнг қўл 1-ҳолатдан юқорига очилади ва яна қайтиб келади. Бош ўнг қўл ҳаракатини кузатади. (пилладан ипни тортиб олади.)

1-такт 3 марта қайтарилади.

1-4-тактлар чап қўлда қайтарилади.

Ипларни қуритиш ҳаракати бармоқларнинг майда ҳаракати билан (1-6-, 2-ҳолатларга олиб чиқилади) ифодаланилади, бош қўлни кузатади.

Бармоқлар 6-ҳолатга туширилади, шу вақтнинг ўзида юз рўпарасидан 1-ҳолатга очилади. Бош қўлни кузатади.

9-такт 3 марта қайтарилади. Охириги саноқда қўллар 6-ҳолатга келади, кафтлар бир-бирига, бармоқлар тўғрига қарайди. Шу пайт раққоса ўрнидан туради. Оёқлари расмий ҳолатда.

**1-такт  
бир, икки**

**уч, тўрт  
2-5-  
тактлар**

**1-такт**

**бир  
икки**

**2-4-  
тактлар**

**5-8-  
тактлар**

**9- такт  
бир  
икки**

**10-12-  
тактлар**

*А. Усул №10, муסיқа ўлчови 4/8. 4 такт.*

Орқа билан чапдаги охирги парда томонга юриш, қўл ҳолати ўзгармайди. (Гўё раққоса ип ўрамини ушлайди). Ҳар бир саноққа ўнг оёқ билан “оқсатма” ҳаракати бажарилади. Қўллар кичик ҳаракатлар билан тепага, пастга, секин-аста 6-, 1- ҳолатлар оралиғига очилади. (Атрофини тўғри-лаш) ифодаланади. Ҳар бир саноқ охирида яна қайтади. Гавда бир оз олдинга эгилади, бош галма-гал чап, ўнгга қарайди.

**4-такт**

Оёқ 3-ҳолатга қўйилади. Ўнг оёқ — учида. Қўл 1-ҳолатдан 2-ҳолатга кўтарилади. Ҳаракат қарсак билан тугайди. Гавда бир оз чапга бурилади.

*Б. Усул №11 (рез)*

Тактлар сони саҳна майдонига боғлиқ.

Пастки ўнг бурчакка қия йўналишда, ўнгга айланиш билан келинади. Қўллар 1-ҳолатда охирги саноққа “тез шох”ни бажаради, (чапга 1 та тез айланиш) ўнг оёқ билан расмий ҳолатда уриш, пастки ўнг бурчакка қараб қолинади.

## 7. Шакл

*А. Усул №12, муסיқа ўлчови 4/4. 4 такт*

**1-такт  
бир,  
икки**

Чап пастки бурчакка саҳнанинг олдида юриш. Ипларни осиш тасвирланади. Битта “шох”- уфори юриш” билан чап оёқда, ўнгга жилиш билан томошабинга қараб қолинади.

“Шох”дан сўнг оёқлар расмий ҳолатга қўйилади, тиззалар букилади. Қўллар олтинчи ҳолатда, кафтлар ичкарига қарайди, бармоқлар ёнга қарайди. Чап бармоқ ўнг бармоқдан олдин туради.

**уч  
тўрт  
2-3-  
тактлар  
4-такт**

Тиззалар тортилиб, ўнг қўл 2-ҳолатга кўтарилади.

Ўнг қўл кафти олдинга қаратилиб кўрсатгич бармоқ билан ипни илгакка илиш тасвирланади. Бош ўнг қўлни кузатади.

Биринчи такт 2 марта қайтарилади.

Жойида, оёқ 3-ҳолатда, ўнг оёқ — учида, чап қўл 2-ҳолатга кафт орқага қараган ҳолда чиқади, бармоқлар тепага қарайди. Шу пайт ўнг қўлнинг кўрсатгич бармоғи лабга олиб келинади (хўлланади).

**уч  
тўрт**

Ўнг қўл чап қўлнинг терс томонидан, бармоқдан тирсаккача олиб келинади, бош қўлни кузатади.

*Б. Усул №13, муסיқа ўлчови 4/4. 2 такт.*

Ҳаракат жойида ижро этилади.

Ўнг оёқ тўлиғича ерга урилади. 1-ҳолатда. Қўллар ўнгга 4-ҳолатга олиб келинади.

**1-такт  
бир  
икки**

Ўнг оёқда иккита уриш, қўллар ҳолатини ўзгартирмайди.

*уч  
тўрт  
2-такт*

Оёқлар 3-ҳолатга олиб келинади. Чап оёқнинг учи қўйилган, қўллар ҳолати ўзгармайди, шу пайтда “қийғир бўйин” ҳаракати ижро этилади.

1-такт чап оёқдан қайтарилади. Қўллар чап томонга 4-ҳолатга олиб келинади. 4 саноғига оёқ расмий ҳолатда, қўл бармоқлари мушт ҳолатга олиб келинади, тирсақлар орқага кетади.

### **8-шакл**

*А. Усул №14, муסיқа ўлчови 4/4. 4 такт.*

“Ён йўрға” ҳаракати билан ўнгга саҳна олдидан жилинади. Дастгоҳда ишлаш жараёни тасвирланади.

*1-такт  
бир*

Ўнг томонга оёқ тўлиқ босилган ҳолда ўнг оёқ билан кичик, кескин қадам ташланади. Тизза букилади, чап оёқ ўнг оёқ олдига учи билан қўйилади. Шу пайтда қўллар муштлиари ёзилиб олдинга олиб келинади. Гавда ва бош бир оз олдинга эгилади.

*икки*

“Бир” саноқдаги оёқ ҳолати қайтарилади. Қўл орқага кетганда муштлиар йиғилади.

*уч*

“Икки” саноғига “бир” саноғидаги ҳаракатлар қайтарилади.

*2-4-*

*тактлар*

1-такт қайтарилади, оёқ 5-ҳолатда ҳаракатни тугатади. Ўнг оёқ олдинда бўлади. Ўнг қўл тирсағи букилиб, мушт ҳолида бош рўпарасига олиб келинади, чап қўл терс томони билан ўнг қўлнинг тирсағига тегиб туради.

*Б. Усул №15, муסיқа ўлчами 4/4. 2 такт.*

Ҳаракат жойида бажарилади.

Дастгоҳда ишлаш давом этади.

*1-такт  
бир  
икки*

Ўнг оёқ товони ердан узилмасдан 2 та урилади. Ўнг қўл тирсағи кўтарилиб турилади, бу ҳаракат билан болғада уриш ҳолати кўрсатилади. Чап қўл ҳолатини ўзгартирмайди, 2-уриш билан қўллар дарров 6-5-ҳолатлар оралиғига очилади, кафтлар бир-бирига қарайди.

*уч, тўрт  
2-такт*

Қўллар олдинга, ўнгга, чапга ҳаракат қилади. Бош қўл ҳолатини кузатади. 1-такт қайтарилади. Охирида қўллар расмий ҳолатда туширилади.

### **9-шакл**

*Усул № 16, муסיқа ўлчами 6/8. 8 такт.*

Орқага орқа билан, қия йўл бўйича ўнг пастки бурчакдан саҳна орқасининг ўртасига қараб юрилади. Оёқ “майда уфори” ҳаракатини бажаради.

*1-2-  
тактлар*

2 та “уфори юриш” ўнг оёқдан бошлаб, қўллар 6-ҳолатга кўтарилади, бармоқлар очиқ, бош қўллар ҳаракатини кузатади.

*3-4-*

*тактлар*

1-, 2-тактлар қайтарилади. Қўллар аста-секин ўнг томонга, 4-ҳолатга олиб борилади.

*5-8-*

*тактлар*

Жойида. Ўнг томонга ўнг оёқ “майда уфори” ҳаракати билан секин, тўлиқ айланади. Томошабинга қараб қолинади. Шу пайт нимча четидан дурра тортиб олинади.

## 10-шакл

Усул №17, мусиқа ўлчови 6/8.

Тактлар сони саҳна майдонига боғлиқ. Катта давра бўйича юзи билан соат милага қарши “расмий уфори” ҳаракати бажарилиб юрилади. Ўнг оёқдан бошлаб. Қўллар дуррани четини ушлаб, 1-тактда бир-бирига чал-машиб, юз рўпарасидан бош тепасига олиб кўтарилади — бу ҳолат давра охиригача давом этади. Шу ҳолатда саҳна орқасининг марказига келгандан сўнг дурра олдинга олиниб юз беркитилади. Охирги санокда “қийғир бўйин” ижро этилади.

## 11-шакл

А. Усул №18, мусиқа ўлчами 6/8. 8 такт.

**1-такт**

Саҳна олдининг ўртасига юриб келиш.

Ўнг оёқдан битта “расмий уфори”, шу пайт дурра елкагача туширилади. Гавда ва бош 1-ҳолатда.

**2-такт**

Чап оёқ ўнг оёқ товони олдида учи билан қўйилади.

**бир**

Қўллар ўнг томонга 5-ҳолатга олиб ўтилади. (Ўнг қўл бир оз баланд-роқ) бош чап томонга эгилади, дуррага қаралади.

**икки**

“Силдирма” ҳаракати ижро этилади.

**уч, тўрт**

Шу ҳолатда тиниш бўлади.

**беш, олти**

**3-4-**

1-2-тактлар чап оёқдан қайтарилади, қўллар 5-ҳолатга чап томонга ўтади (чап қўл баландроқ).

**тактлар**

**5-6-**

1-4-тактлар қайтарилади, охирги санокқа қўллар 6- ҳолатда чалиштирилиб бошдан баланд кўтарилиб, бошга туширилади, дурранинг чети ушлаб турилади.

**тактлар**

Б. Усул № 19, мусиқа ўлчови 6/8.

8 такт жойида бажарилади.

**1-такт**

Раққоса дуррани бошига ташлаб, четидан секин ушлаб туради.

**2-4-**

Майин салом беради. (келин салом) Қўллар ҳолатини ўзгартирмайди.

**тактлар**

**5-8-**

Саломдан сўнг гавда тўғриланиб тўлиқ, секин айланилади. Оёқ “ярим қайчи” ҳаракатини бажаради. 3-ҳолатда тугатилади. Ўнг оёқ — учида. Гавда секин-аста тўғриланади. Охирги тактда дурра олдинга туширилиб дарров 5-ҳолатга олинади. Дурра чап томонга олиб ўтилади, бош ўнгга эгилади.

**тактлар**

В. Усул №20, мусиқа ўлчови 6/8. 4 такт

Ҳаракат жойида ижро этилади.

**1-2-**

Ўнгга бир неча марта тез айланиш, оёқ “ён йўрға” ҳаракати билан, қўллар 5-ҳолатда. (Чап қўл сал кўтарилган). Охирги санокда 2-ҳолатга қўллар кўтарилали, дурранинг четини юз рўпарасида ушлаган ҳолда.

**тактлар**



## 12-шакл

**Бу ҳаракатларнинг ҳаммаси тиззага ўтирилиб бажарилади.**

*А. Усул № 21, мусиқа ўлчови 6/8, 10 такт.*

**1-такт**

6-ҳолатда қарсак чалинади, бармоқ учлари тепага қарайди. “Қоши камон” ҳаракати бажарилади: чапакдан ўнг қўл ўнгга очилади, кафт пастга қарайди, катта ва ўрта бармоқлар бир-бирига яқинлаштирилади. Чап қўл белни кучади. Сўнг ўнг қўл бармоғи чапдан ўнгга томон қош устидан юргизилади. 1-ҳолатга очилади.

2-4-  
тактлар

1-2-тактлар чап қўлдан қайтарилади. ўнг қўл белни кучади.

5-8-  
тактлар

1-4-тактлар қайтарилади.

9-такт  
10-такт

6-ҳолатда қарсак, бармоқлар юқорига кўтарилган.

1-ҳолатдан 2-ҳолатга кўтарилади, бош қўлни кузатади.

*Б. Усул №22, мусиқа ўлчови 6/8. 20 такт*

**11-такт**

Қўллар тезда 1-ҳолатга очилади, бармоқларни юқорига ташлаш билан гавда, бош чапга бурилади.

**12-такт**

Бармоқлар тезда букилиб очилади, кафтлар тўғрига қараб ўзининг олдига келади, иккала қўл бармоқлари бир-бирига тегади. Гавда ўнгга бурилади.

13-14-  
тактлар

11-12-тактлар қайтарилади.

15-18-  
тактлар

11-14-тактлар қайтарилади.

**19-такт**

Қўллар тезда биринчи ҳолатга очилади. Бармоқлар юқорига очилади, бош ва гавда чапга қайрилади.

**20-такт**

Қўллар 3 марта айлана шаклида ҳаракат қилади, (бир қўл иккинчи қўл атрофида) ўзининг рўпарасида. Кафтлар ичкарига қарайди. Сўнг ўнг қўл бармоқлари ташқарига айлантирилиб, жимжилоғи пастки лабга қўйилиб, чап қўл кафти ташқарига қаратирилиб, ўнг қўл тирсакка олиб келинади (“лаби гунча” ҳаракати).

21-22-  
тактлар

3 та майда “қийғир бўйин” ижро этилади. “ияк отиш” билан тугатилади.

23-24-  
тактлар

21-22-тактлар қайтарилади. “Ияк отиш” ҳаракати ўнгга ижро этилади.

25-26-  
тактлар

“Енг тортиш” ҳаракати ижро этилади. Чап қўл 6-ҳолатга келади. Ўнг қўл бармоғи чап қўл тирсагига тегади. Сўнг чап енг тортилади. Гавда чапга эгилади.

27-28-  
тактлар

25-26-тактлар чап қўлдан қайтарилади.

**29-такт**

Кафт бошга олиб борилиб, дўппи тўғриланади.

**30-такт**

Иккала қўл билан нимча тортиб қўйилади.

*В. Усул №23, (тез) 2 такт*

**31-32-**

**тактлар**

“Чевар” ҳаракати ижро этилади; чап қўл чап томондан ердан ғалтак ип олади (тасаввурдаги). Уни ўзига қаратиб ўнг қўлида ип ечади ва ўнг қўли секин-аста очилади. Сўнг чап бармоқлабга яқинлаштирилади. Ипни тишлари билан узади.

*Г. Усул №24, мусиқа ўлчови 6/8. 16 такт*

**33-такт**

“Чевар” ҳаракатининг давоми: чап қўл билан чап кўксидаги нинани олади (тасаввурда).

**34-такт**

Ўнг қўл нинага ип ўтказди.

**35-такт**

“Нина”ни ўнг қўлига олади, қўллар ёнга очилади.

**36-такт**

“Қийғир бўйин” ҳаракати ижро этилади.

**37-38-**

**тактлар**

Ўнг қўл соч устидан бошнинг ўнг томонига 2 маротаба юргизилади ва “қийғир бўйин” ижро этилади.

**39-40-**

**тактлар**

Ўнг қўл 1 - ҳолатга очилиб бармоқлари қирсиллатилади.

**41-такт**

Қўллар чап тизза устига туширилиб “чевар” ҳаракатини бажаради. Ўнг қўл ўнгдан чапга ҳаракат қилади. Нинани киргазиш пайтида чап қўлнинг бош бармоғи ёнга олиб борилади (худди ипни тортаётгандай).

**42-такт**

Ўнг қўл 1 - ҳолатга очилади.

**43-48-**

**тактлар**

41-42 -тактлар қайтарилади.

*Д. Усул № 25, мусиқа ўлчови 6/8. 10 такт.*

**49-56-**

**тактлар**

41-42 тактлар тез қайтарилади. (2 марта тез)

**57-58-**

**тактлар**

Раққоса ўнг қўлининг бармоқлари билан бир неча айлана шаклида ҳаракат қилиб (ипни тугиш учун) чап қўл атрофида айлантиради. Лекин тез оғзига олиб боради. Охирги санокда қўллар 6-ҳолат, кафтлар ўзига қараган ҳолатда, бармоқлар ёнига қараган, ўнг қўл бармоғи чап қўл кафтининг терс томонини ушлайди.

*Е. Усул №26, мусиқа ўлчови 6/8. 16 такт.*

**59-такт**

Қўл секин, бир оз тўғрига келади. Кафт ташқарига қарайди. Ўнг қўл бармоғи чап қўл бармоғини аста қисади.

**60-такт**

Қўллар кафтлари ташқарига қараган ҳолатда гавдага яқинлашади. Ўнг қўл бармоқлари яна чап қўл бармоқларини кучади (нина кирган жойини оғриғини олиш учун).

**61-66-**

**тактлар**

59-60-тактлар уч марта қайтарилади. Қўл 2-ҳолатга кўтарилади, бош қўлни кузатади.

**67-74-**

**тактлар**

59-60-тактлар 4 марта қайтарилади. Қўллар юз рўпарасидан пастга туширилади, 6-ҳолатгача бош қўлни кузатади, қўл ўзгармайди.

*Ж. Усул № 27, муסיқа ўлчами 6/8. 5 такт*

**75-79-  
тактлар**

Ўнг қўл ўнг тиззага қўйилади. Чап қўл 2-ҳолатга қўтарилади.  
Ҳар бир тактга қўл бармоқлари қирсиллатилади. Бош чап қўлни кузатади.

*3. Усул №28, муסיқа ўлчами 6/8. 20 такт*

**80-такт**

Тиқиш давом этади.

**81-такт**

Қўллар юз рўпарасида “гулбарги” ҳаракатидан 1-ҳолатга очилади.

**82-такт**

2 марта “қийғир бўйин”. Қўл ҳолати ўзгармайди. Ўнг қўл қирсиллатилади.

**83-такт**

Тиқиш ўнг тиззада давом эттирилади. Гавда, бош сал пастга эгилади.

**84-89-**

Ўнг қўл 1-ҳолатга очилиб, ипни тортади. Бош, гавда тўғриланади.

**тактлар**

82-83-тактлар 3 марта қайтарилади. Чап қўл бармоғи ўнг тиззада. Ўнг қўл ўнг тиззадан 6-, 1-ҳолатлар орасига очилади (нина ип тортгандай). Гавда ва бош сал олдинга эгилади. Қўлнинг ҳаракатини кузатади.

**91-такт**

Чап қўл бир оз чап томонга олиб борилади. Катта бармоқ юқорига қаратилади (ипни тўғрилайди). Бош чап қўлни кузатади.

**92-95-**

90-91-тактлар 2 марта қайтарилади.

**тактлар**

**96-99-**

82-83-тактлар 2 марта қайтарилади. (“Чевар” ҳаракатини). Фақат тез ҳолатда.

**тактлар**

*И. Усул №29, муסיқа ўлчови 6/8. 2 такт*

**100-101-  
тактлар**

Раққоса ўнг қўл бармоқларини чап қўл бармоқлари устида айлантисиб, ипни тугади (хаёлида), тиқишни якунлайди ва ипни узади.

**13-шакл**

*Усул №30, муסיқа ўлчови 6/8. 10 такт*

**1-2-**

**тактлар**

Дуррани олиб тикка туради, оёқ 6-ҳолатда, чап оёқ – учиди, “расмий уфори” билан орқага юради. Чап оёқдан бошлаб саҳна орқасига боради. Шу пайтда дуррани силкитади, 6-ҳолатда.

**4-такт**

Жойида. Ўнг томонга айланиш, чап оёқ расмий ҳолатда. Қўл ўнг томонга 5-ҳолатга ўтказилади. Бош қўлни кузатади.

**5-6-**

**тактлар**

3-4-тактлар ўнг оёқдан қайтарилади. Қўл чапга 5-ҳолатга ўтказилади.

**7-10-**

**тактлар**

Ўнгга шиддатли айланади, ўнг оёқ билан, қўллар чап томонда 5-ҳолатда, охирида доирачига қараб қолади (ўнг пастки бурчакка), гавда озгина олдинда, қўллар чўзилиб, доирачига дуррани узатгандай бўлади, бош қўлни кузатади.

**14-шакл**

*Усул №31, муסיқа ўлчови 6/8.*

Тактлар сони саҳна майдонига боғлиқ.

Раққоса “уфори юриш” билан қия йўл бўйича пастки бурчакка – доирачи

ёнига боради, шу вақтда дуррани айлангириб, бармоқлари билан учларини ушлайди. Доирачининг белига ўраб, ўнгдан чапга бориб дуррани тугади.

### **15-шакл**

*Усул №32, мусиқа ўлчови 6/8. 8 такт.*

- 1 - такт** Ҳаракат доирачи олдида ижро этилади.  
Ўнг оёқ билан ўнг тарафга “уфори юриш” орқали 1 та айланади. Қўл 3-ҳолатда, ўнг қўл тепада.
- 2-такт** Чап қўл кафтида доирани уради, ўнг қўл 1-ҳолатда. Бош қўлни кузатади.
- 3-4- тактлар** 1-2-тактлар чап тарафдан қайтарилади.
- 5-8- тактлар** 1-4-тактлар қайтарилади.

### **15-шакл (давоми)**


*Усул №33, мусиқа ўлчови 2/4. 2 такт.*

- 9-10- тактлар** Ҳаракат жойида бажарилади.  
Ўнг оёқ тўлиқ қўйилган ҳолда 3 марта урилади. Расмий ҳолатда. Қўллар 2-ҳолатда, бармоқлар ярим мушт ҳолатида.


### **16-шакл**

*Усул №34, мусиқа ўлчами 2/4.*


- 1 - такт** Тактлар сони саҳна майдонига боғлиқ.  
Томошабин тарафга ўнг елка билан ҳаракатланади. Чап томондаги 1 - парда ортига кетади.
- бир икки** Олдинга кичик қадам, ўнг оёқ тўлиқ қўйилади. Томошабин томонга ўнг елка билан ярим айланиш, чап оёқ ердан кўтарилади (доирачи томонга).
- 2-такт** Чап оёқ ердан сирғаниб, чапдан ўнгга катта ёй чизади ва раққоса дар-ҳол икки оёғига сакрайди. Олдинга қараб расмий ҳолатда қолади. Ҳаракатлар давомида қўллар 2-ҳолатда, мушт қилинган ҳолатда бўлади.
- Ҳаракат чап оёқда қайтарилади, охириги тактда чап қўл 1-ҳолатга очилади. Ўнг қўл доирачи билан хайрлашади, раққоса парда орқасига кетади.




1- ШАКЛ. ЧИҚИШ.




2- ШАКЛ. САҲНА ОЛДИГА ЮРИШ.




5- ШАКЛ. “А”, “Б”, “В”.




2- ШАКЛ. “А”, “Б”, “В”.




4- ШАКЛ. 1-10 ТАКТЛАР.




6- ШАКЛ. “А”, “Б”.




7- ШАКЛ. “А”, “Б”.



8- ШАКЛ. “А”, “Б”.



9- ШАКЛ. 1-8 ТАКТЛАР.



10- ШАКЛ. АЙЛАНА БҮЙЛАБ.




11- ШАКЛ. “А”, “Б”, “В”.




12- ШАКЛ. 1-101 ТАКТЛАР.

“ПІЛЛА”




13- ШАКЛ. 1-10 ТАКТЛАР.



14- ШАКЛ. ҚИЯ ЙЎЛ БИЛАН ЮРИШ.



15- ШАКЛ. 1-10 ТАКТЛАР.



16- ШАКЛ. ЧИҚИБ КЕТИШ.

# ФАРҒОНА РУБОЙИСИ

Ўзбек халқ қўшиғи





The image displays a musical score for a single melodic line, written in G major (one sharp). The score is organized into ten staves. The notation includes various note values, rests, repeat signs, and a change to 6/8 time signature on the sixth staff.

Staff 1: G4 (quarter), A4 (quarter), B4 (quarter), C5 (quarter), B4-A4 (beamed eighth notes), G4 (quarter), F#4 (quarter), E4 (half), D4 (half).  
Staff 2: D4 (half), C4 (half), B3 (half), A3 (half), G3 (half), F#3 (half), E3 (half), D3 (half).  
Staff 3: D3 (half), C3 (half), B2 (half), A2 (half), G2 (half), F#2 (half), E2 (half), D2 (half).  
Staff 4: D2 (half), C2 (half), B1 (half), A1 (half), G1 (half), F#1 (half), E1 (half), D1 (half).  
Staff 5: D1 (half), C1 (half), B1 (half), A1 (half), G1 (half), F#1 (half), E1 (half), D1 (half).  
Staff 6: D1 (half), C1 (half), B1 (half), A1 (half), G1 (half), F#1 (half), E1 (half), D1 (half).  
Staff 7: D1 (half), C1 (half), B1 (half), A1 (half), G1 (half), F#1 (half), E1 (half), D1 (half).  
Staff 8: D1 (half), C1 (half), B1 (half), A1 (half), G1 (half), F#1 (half), E1 (half), D1 (half).  
Staff 9: D1 (half), C1 (half), B1 (half), A1 (half), G1 (half), F#1 (half), E1 (half), D1 (half).  
Staff 10: D1 (half), C1 (half), B1 (half), A1 (half), G1 (half), F#1 (half), E1 (half), D1 (half).

The image displays a musical score for a single melodic line, written in G major (one sharp). The score is organized into nine horizontal staves. The notation includes various note values, rests, and repeat signs. The first staff begins with a treble clef and a key signature of one sharp (F#). The melody starts with a quarter note G4, followed by a quarter note A4, a quarter note B4, and a quarter note C5. The second staff continues the melody with a quarter note D5, a quarter note E5, a quarter note F#5, and a quarter note G5. The third staff features a quarter note A5, a quarter note B5, a quarter note C6, and a quarter note D6. The fourth staff has a quarter note E6, a quarter note F#6, a quarter note G6, and a quarter note A6. The fifth staff contains a quarter note B6, a quarter note C7, a quarter note D7, and a quarter note E7. The sixth staff shows a quarter note F#7, a quarter note G7, a quarter note A7, and a quarter note B7. The seventh staff includes a quarter note C8, a quarter note D8, a quarter note E8, and a quarter note F#8. The eighth staff has a quarter note G8, a quarter note A8, a quarter note B8, and a quarter note C9. The ninth staff concludes the melody with a quarter note D9, a quarter note E9, a quarter note F#9, and a quarter note G9. The score is written in a standard musical notation style, with notes and rests clearly visible on the staves.

# ТАНОВАР

*Ўзбек халқ қўшиғи*





The image displays a musical score for a single melodic line, written in G major (one sharp, F#). The score consists of ten staves, each containing two measures of music. The notation includes various note values (quarter, eighth, and sixteenth notes), rests, and slurs. The key signature is G major, indicated by a single sharp (F#) on the first staff. The melody is composed of a series of eighth and quarter notes, with some measures featuring slurs or ties. The overall structure is a continuous melodic line across the ten staves.



## ПАХТА

*Ю. Ражабий мусиқаси*



Sheet music for a single melodic line in treble clef, key of D major (two sharps), and 4/4 time. The music consists of ten staves of notation.

The notation includes various rhythmic values: quarter notes, eighth notes, sixteenth notes, and rests. There are several measures with complex rhythmic patterns, including sixteenth-note runs and triplets. The piece concludes with a double bar line and repeat dots.





## ЗАФАР

*Д. Соатқулов мусиқаси*







# МУНОЖОТ

*Ўзбек халқ куйи*






The musical score is written for a single melodic line in treble clef, key of D major (two sharps), and 4/4 time. The score consists of 11 staves. The melody is composed of eighth and quarter notes, with some rests and a final half note. A key signature change to 6/8 time occurs at the end of the 7th staff. The notation includes various musical symbols such as clefs, key signatures, time signatures, and note values.



## БАЁТ

*Ўзбек халқ куйи*



The musical score is written in D major (two sharps: F# and C#). It consists of ten staves. The first three staves are in bass clef, and the remaining seven staves are in treble clef. The music includes various note values, rests, and slurs.

Staff 1 (Bass Clef):  
Measure 1: Quarter rest, quarter note D2, quarter note E2.  
Measure 2: Quarter note F#2, quarter note G2, quarter note A2.  
Measure 3: Quarter note B2, quarter note C#3, quarter note D3.

Staff 2 (Bass Clef):  
Measure 1: Quarter note E2, quarter note F#2, quarter note G2.  
Measure 2: Quarter note A2, quarter note B2, quarter note C#3.  
Measure 3: Quarter note D3, quarter note E3, quarter note F#3.

Staff 3 (Bass Clef):  
Measure 1: Quarter note G3, quarter note A3, quarter note B3.  
Measure 2: Quarter note C#4, quarter note D4, quarter note E4.  
Measure 3: Quarter note F#4, quarter note G4, quarter note A4.

Staff 4 (Treble Clef):  
Measure 1: Quarter rest, quarter note B4, quarter note C#5.  
Measure 2: Quarter note D5, quarter note E5, quarter note F#5.  
Measure 3: Quarter note G5, quarter note A5, quarter note B5.

Staff 5 (Treble Clef):  
Measure 1: Quarter note C#5, quarter note D5, quarter note E5.  
Measure 2: Quarter note F#5, quarter note G5, quarter note A5.  
Measure 3: Quarter note B5, quarter note C#6, quarter note D6.

Staff 6 (Treble Clef):  
Measure 1: Quarter note E5, quarter note F#5, quarter note G5.  
Measure 2: Quarter note A5, quarter note B5, quarter note C#6.  
Measure 3: Quarter note D6, quarter note E6, quarter note F#6.

Staff 7 (Treble Clef):  
Measure 1: Quarter note G5, quarter note A5, quarter note B5.  
Measure 2: Quarter note C#6, quarter note D6, quarter note E6.  
Measure 3: Quarter note F#6, quarter note G6, quarter note A6.

Staff 8 (Treble Clef):  
Measure 1: Quarter note B5, quarter note C#6, quarter note D6.  
Measure 2: Quarter note E6, quarter note F#6, quarter note G6.  
Measure 3: Quarter note A6, quarter note B6, quarter note C#7.

Staff 9 (Treble Clef):  
Measure 1: Quarter note D7, quarter note E7, quarter note F#7.  
Measure 2: Quarter note G7, quarter note A7, quarter note B7.  
Measure 3: Quarter note C#8, quarter note D8, quarter note E8.



Staff 10 (Treble Clef):  
Measure 1: Quarter note F#8, quarter note G8, quarter note A8.  
Measure 2: Quarter note B8, quarter note C#9, quarter note D9.  
Measure 3: Quarter note E9, quarter note F#9, quarter note G9.

A musical score for a piece in A major, 3/4 time. The score consists of 11 staves. The first three staves are the piano introduction, and the remaining eight staves are the main melody. The piano introduction starts with a half note A4, followed by a quarter note G#4, a quarter note F#4, and a quarter note E4. The main melody begins with a quarter note A4, followed by a quarter note G#4, a quarter note F#4, and a quarter note E4. The melody continues with various intervals and rests, ending with a quarter note A4.



Музыкальный фрагмент, состоящий из восьми нотных систем. Первая система — басовая линия, остальные семь — скрипичные. Ключ — А-большая (два диэза). Метр — 2/4. Музыка написана в основном восьмыми и шестнадцатыми нотами, с некоторыми триолями. В последней системе присутствует ферма.

Дойра

Музыкальный фрагмент, состоящий из трех нотных систем. Ключ — А-большая (два диэза). Метр — 2/4. Музыка написана в основном восьмыми и шестнадцатыми нотами, с некоторыми триолями. В последней системе присутствует ферма.







This page of musical notation, numbered 501, contains 12 staves of music. Each staff begins with a treble clef and a key signature of three sharps (F#, C#, G#). The music is written in a single system, with each staff containing a melodic line. The notation includes various note values, including eighth and sixteenth notes, and rests. Some staves feature long horizontal lines, likely indicating sustained notes or chords. The overall structure suggests a continuous melodic development across the page.





# ПИЛЛА

Уста Олим Комилов  
усулларидан намуналар

The musical score consists of ten staves of music. The first three staves are in 2/4 time and feature continuous eighth-note patterns. The fourth staff is a continuation of this pattern. The fifth staff is in 2/4 time and features a pattern of eighth notes followed by a quarter note. The sixth staff is in 2/4 time and features a pattern of eighth notes followed by a quarter note. The seventh staff is in 2/4 time and features a pattern of eighth notes followed by a quarter note. The eighth staff is in 2/4 time and features a pattern of eighth notes followed by a quarter note. The ninth staff is in 4/8 time and features a pattern of eighth notes followed by a quarter note. The tenth staff is in 2/4 time and features a pattern of eighth notes followed by a quarter note.













## МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
Саҳна режаси.....	4
Асосий ҳолат ва ҳаракатлар.....	5
“Фарғона рубойиси” .....	8
“Тановар” .....	24
“Пахта” .....	36
“Муножот” .....	51
“Баёт” .....	61
“Пилла” .....	74
Рақсларнинг нота ёзувлари.....	88

# МЕРОСИЙ РАҚС ДУРДОНАЛАРИ

*Маданият касб-ҳунар коллежлари,  
санъат билим юртлари учун ўқув қўлланма*

*Муҳаррир А. Акбаров  
Муқова рассоми Ш. Мирфайёзов  
Тех. муҳаррир Е. Толочко  
Мусахҳиҳ Г. Азизова*

ИБ № 0889

Босишга рухсат этилди 29. 12 . 2002 . Бичими 84х1081/16 .Офсет қоғози . Гар-  
нитура Тип Таймс. Шартли б.т. 11,76 . Нашр б.т.8,7 . Шартнома № 45-2002 .  
3 000 нусхада босилди. Буюртма № 3. Баҳоси шартнома асосида.

“Чўлпон” нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида  
чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.

85.32(5У)

М 44

Меросий рақс дурдоналари: Маданият касб-ҳунар коллежлари, санъат билим юртлари учун ўқув қўлланма /Тузувчи муаллифлар: Х. В. Ҳамидова, Д. И. Сайфуллаева, С. М. Зокирова; Махсус муҳаррир: Р. Каримова. - Т.: "Чўлпон", 2002. - 112б.

**ББК 85.32(5У)я722**